

Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Олий таълим тизимидаги
янги ланишлар



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А.

**Олий ўқув юртларида
ўқув жараёнини
кредит-модуль тизимида
ташқил қилиш**

**“Tafakkur” нашриёти
Тошкент – 2020 й.**

УЎК 378.018.46
КБК 74.58
У 73

Такризчилар:

- Р.С. Қаршиев** – И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, “Фан ва тараққиёт” ДУК, Ўзбекистон “Композицион материаллар” Илмий-техникавий ва амалий журнали редактори, т.ф.н., доцент.
- Т.Т. Сафаров** – Тошкент кимё-технология институти ўқув ишлари проректори, техника фанлари номзоди, доцент.

У 73

Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
ISBN 978-9943-24-361-3

Ушбу ўқув қўлланма Олий ўқув юртларида кредит-модуль тизимини татбиқ қилишга йўналтирилган бўлиб, унда олий таълимнинг барча иштирокчилари – талабалар, илмий изланувчилар, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказлари тингловчилари, профессор-ўқитувчилар ва мутасадди раҳбарлар учун зарур маълумотлар ва ҳужжатлар шакллари тақдим қилинган.

Қўлланмада дунё мамлакатларидаги кредит-модуль тизимига турлича ёндашувлар, атамалар, ўқув жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил қилиш, талабалар билиминини баҳолаш, ўқишини кўчириш, четлаштириш ва тиклаш масалалари кўриб чиқилган. Янги шаклдаги меъёрий-услубий иш ҳужжатлари, янги структуравий бирлик – Регистратор офиси фаолияти, янги педагогик фаолият турлари (эдвайзер, лектор ва тьютор) мазмуни очиқ берилган.

УЎК 378.018.46
КБК 74.58

ISBN 978-9943-24-361-3

© Б.Ш. Усмонов, 2020
© Р.А. Хабибуллаев, 2020

Мундарижа

| | |
|---|----|
| Кириш..... | 4 |
| 1-боб. Кредит таълим тизими асослари ва Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация қилиш..... | 8 |
| 1.1. Асосий тушунчалар..... | 8 |
| 1.2. Дунё мамлакатларининг олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тузилмаси..... | 12 |
| 1.3. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тузилмаси..... | 17 |
| 1.4. Хорижда кредит таълим тизими..... | 20 |
| 2-боб. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш..... | 27 |
| 2.1. Ўқув жараёнини режалаштириш..... | 27 |
| 2.2. Ўқув жараёнини ташкил этиш..... | 31 |
| 2.3. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш..... | 34 |
| 2.4. Талабаларнинг билимини назорат қилишни ташкил этиш..... | 37 |
| 2.5. Кредит таълим тизимида малакавий амалиёт..... | 41 |
| 2.6. Талабаларнинг ўқишини кўчириш, четлаштириш ва ўқишга тиклаш механизми..... | 42 |
| 2.7. Сиртқи ва масофавий таълим шаклларидаги ўқув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари..... | 45 |
| 3-боб. Махсус таълим хизматлари фаолиятини ташкил қилиш..... | 47 |
| 3.1. Регистратор офиси фаолияти..... | 47 |
| 3.2. Кредит таълим тизими шароитида ўқитувчининг вазифалари..... | 50 |
| 4-боб. Ўқув жараёнининг услубий таъминоти..... | 55 |
| 4.1. Мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси..... | 55 |
| 4.2. Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси..... | 62 |
| 4.3. Талабанинг ахборот пакети..... | 66 |
| 4.4. Деканат ва ўқув бўлими ҳужжатлари..... | 68 |
| 4.5. Регистратор офиси ҳужжатлари..... | 70 |
| Хулоса..... | 74 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 79 |
| Иловалар..... | 80 |

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси”да миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизимининг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи-мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олишга, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999-йил 19-июндаги Болонья декларациясига кўшилиш масаласини кўриб чиқиш белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24-январдаги Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида 2020 йилга “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб ном беришнинг таклиф этилиши, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанларни қайта кўриб чиқиш, мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сонини 2 баробар қисқартириш, олий таълимда ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказиш, қатор олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтказиш, таълим соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини таълим соҳасига ҳам кенг татбиқ этиш масалалари шу куннинг долзарб масалалари эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ушбу мурожаатномада биринчи ўринга халқнинг билим даражасини ошириш масаласи кўйилган, бу эса миллатнинг рақобатбардошлигини белгиловчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, табиийки, ушбу ҳужжатда замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган миллий таълим тизимини яратиш муаммосининг элементлари ҳам ўз аксини топган.

Шубҳасиз, яшаш тарзини, жумладан, мутахассис кадрларнинг шаклланиш муҳитини, олий таълим сифатини яхшилаш 21-асрнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув шароитида таълим ва фан тизимини ислоҳ қилиш кўплаб муаммоларнинг ечимини белгиловчи омил ҳисобланади ва айнан шу сабабли, касбий таълим сифатининг юқорилиги билан характерланадиган таълим моделлари кўпайиб бормоқда.

Таълим масаласи жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида муҳим вазифалар каторидан ўрин олган. Кўпчилик давлатларда глобал рақобат шароитидаги янги талабларига жавоб берувчи, мослашувчан таълим тизимини яратишга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Булардан асосий мақсад олий ўқув юртларининг ва ўқув дастурларининг мослашиш имкониятларини кенгайтириш бўлиб, улар академик ва ташкилий тузилмаларни ислох қилиш, инфраструктурани, таълим методлари ва технологияларини янгилаш, педагогик жараёни такомиллаштириш, ўқитувчилар таркиби ва сифатини яхшилаш орқали амалга оширилмоқда.

Маълумки, иқтисодиёт ривожига ортда қолиш хавфи асосан самарали таълим моделини яратмаган давлатларга хосдир. Демак, билимларга асосланган очиқ фуқаролик жамиятини, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётни қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўяр эканмиз, энг аввало мамлакатимиздаги таълим тизимини фаол тарзда такомиллаштириб боришимиз зарур.

Бу борада, ЮНЕСКО томонидан мунтазам равишда, олий таълимни ривожлантириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилмоқда, халқаро ҳамкорликнинг меъёрий асосларини яратиш бўйича янги ғоялар илгари суриб келинмоқда. Академик эркинлик ва демократияни таъминлаш бўйича универсал меъёрларнинг мавжудлиги, ЮНЕСКО ва Европа Иттифоқининг миллий таълим тизимлари учун тобора меъёрий аҳамият касб этаётган халқаро конвенциялар ҳамда бутун жаҳон декларациялари бу жараёнлар учун асос бўлмоқда.

Бу жараёнларнинг стратегиясини белгиловчи асосий ҳужжат ЮНЕСКО томонидан 1997 йилнинг апрелида Лиссабонда эълон қилинган “Европа региониди олий таълимга оид малакаларни тан олиш” Конвенцияси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси 42 та давлат ичида биринчилардан бўлиб уни имзолади ва 1997 йилнинг декабрида ратификация қилди.

Лиссабон Конвенциясининг Ўзбекистон томонидан имзоланиши, унинг Республика Парламентида ратификация қилиниши ва Республика Президентининг шу тўғридаги Фармони бизнинг мамлакатимизни “Университетларга йўналтирилган, дипломлар эквивалентлиги ҳақидаги Европа конвенцияси” (1953 й.), “Университетлар квалификацияларини академик тан олиш ҳақидаги Европа конвенцияси” (1959 й.), “Университет таълими даврларининг умумий эквивалентлиги ҳақидаги Европа конвенцияси” (1990 й.) ва бошқа қатор халқаро лойиҳалар, дастурлар ва келишувлар иштирокчисига айлантирди.

1999 йилда 29 та давлат томонидан Болоньяда ягона таълим муҳитини яратиш жараёнида иштирок этиш ҳақидаги Декларация имзоланди. Унга кўра олий таълимнинг ягона тузилмаси қурилиши, таққосланадиган даражалар тизими қабул қилиниши зарур. Бу эса Европада йўналишларни, даражаларни академик ва касбий тан олишни енгиллаштириши ва барча Европа давлатларида битирувчиларнинг ишга жойлашиш имкониятларини

таъминлашга хизмат қилди. Болонья жараёни барча давлатлар учун очик бўлиб, бугунги кунга келиб иштирокчи давлатлар сони 50 га яқинлашиб қолди.

“2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” иловаларида Болонья декларациясига қўшилиш масаласининг белгилаб қўйилганлиги бу масаланинг олий таълим учун қанчалик муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Болонья декларациясини имзолаган барча давлатлар олий таълимнинг икки босқичли тизимига ўтишлари шарт. Биринчи босқич 3-4 йил давом этади. Уни тугатгандан сўнг битирувчига маълум соҳада ишлаш имконини берувчи бакалавр даражаси тақдим қилинади. Иккинчи босқичдаги дастурни ўташ магистр (1-2 йил) ва ёки доктор (3-4 йил) даражасини олишга имкон беради.

Кўпчилик хорижий давлатларнинг олий таълим тизимида синов бирликларини қайд қилиш ва тўплашга қаратилган, хорижда ўқишнинг академик тан олиншини кафолатловчи European Credit Transfer System (ECTS) синов бирликлари тизими ёки унга ўхшаш тизим ҳозирги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга (1999 й. ECTS тизими 1062 та Европа олий ўқув юртларида қабул қилинган).

Бу тизим қуйидаги жараёнлар учун имкониятлар яратади:

- таълим сифатини таъминлашда Европа Ҳамкорлигига кўмаклашиш, таққосланадиган мезонлар ва баҳолаш методларини ишлаб чиқиш;
- талабалар, ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва бошқарув ходимларининг мобиллигини ошириш;
- ҳамкорликдаги ўқув ва илмий тадқиқотлар дастурларини йўлга қўйиш, интеграллашган ўқув курсларини яратиш ва ўқув режаларини такомиллаштириш;
- Европа олий таълими ва илмий тадқиқотларига эътибор қаратилишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Европа давлатлари ўз олдиларига олий ўқув юртларининг барча дастурлари ва фанларининг мослигини тан оладиган билимларни баҳолашнинг ягона тизимини (*credit system*) яратишни мақсад қилиб қўйишган.

Болонья Декларацияси асосида эндиликда таълим сифатини баҳолаш критерийларини ва баҳолаш методларини ишлаб чиқиш, миллий ҳокимиятлар ва халқаро ташкилотларга боғлиқ бўлмаган аккредитация агентликларини тузиш кутилмоқда. Баҳолаш таълимнинг давомийлиги ёки мазмунига эмас, балки битирувчиларнинг олган билимлари, ўқув ва кўникмалари, компетенцияларига асосланади.

Кредитлар умумевропа таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ўқув фанига юклама ҳажмидан, келгусидаги касбий фаолияти учун муҳимлигидан келиб чиқиб кредит бали белгиланади. Талаба ҳар бир фанни муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда белгиланган кредитларни олади ва бу кредитлар йиғиндиси унга мос бўлган бакалавр ёки магистрлик даражасини олишга имкон беради.

Таълим дастурларини ўлчаш ва таққослашнинг синов бирликлари тизими (ёки кредит тизими) Ғарбий Европа ва Америка университетларида ўн йиллар давомида қўлланилиб келинмоқда. Кредит тизими ўқув дастурларини шаффоф ва энг асосийси, таққосланувчан қилади, бу эса талабаларнинг академик мобиллигини оширишга имконият яратади.

Мамлакат таълим тизимининг репродуктив ҳолатдан узлуксиз ривожланувчи, очиқ ҳолатга ўтиши ҳамда таълим олувчиларни ўз таълимий ва ижтимоий-маданий манфаатларини юзага чиқаришга йўналтириш жараёнлари таълим тизими бош субъектларининг – таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг ўз фаолиятига муносабатини ўзгартиришини тақозо қилди. Бу ҳолат кредит таълим тизими бўйича таълим жараёнини ташкил қилишга тўла мос келади.

Кредит таълим тизимига ўтиш Ўзбекистон Республикасида таълим босқичлари ва академик даражаларни аниқ баҳолашга имкон беради ва уларни шаффоф, ташҳисланадиган ва тан олинадиган ҳолатга келтиради. Бу эса жаҳонда тобора оммалашиб бораётган таълим муҳитига қўшилишнинг бош шартларидан бири ҳисобланади.

Академик кредитнинг жорий қилиниши ўқув режаларини такомиллаштириш, интеграллашган ўқув курслари, қўшма таълим дастурларини яратиш орқали олий таълим тизимини янгича ташкил қилиш учун асос бўлади ва жаҳон бозорида бизнинг таълимимиз ва мутахассисларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлайди.

1-боб. Кредит таълим тизими асослари ва Ўзбекистонда олий таълим тизимини модернизация қилиш

1.1. Асосий тушунчалар

Кредит таълим тизимини жорий этиш янги асосий тушунчаларни ўзлаштиришни талаб қилади. Бунга сўнгги йилларда таълим тизимида турли халқаро атамалар қўлланилаётганлиги, анъанавий атамаларни қўллашдаги қарама-қаршиликлар, такрорланишлар ва алогизмлар асос бўлади.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг халқаро алоқаларни мақсадли кенгайтириши, мамлакат таълим тизимининг жаҳон тизимига жадал интеграциялашуви оммавий равишда ўқув, услубий, илмий ва ташкилий материалларни инглизчадан таржима қилишни тақозо этмоқда. Бунда асосий урғу Ўзбекистонда кредит таълим тизимини жорий этишга ёрдам берадиган, халқаро миқёсда қўлланилаётган қатор муҳим тушунча ва атамаларга қаратилиши лозим.

Масалан, “Educational Program” (таълим дастури) муайян таълим босқичи (бакалаврият, магистратура, докторантура) бўйича мутахассисликни англатса, “Academic Program” (ўқув дастури) ўқув фанини билдиради ва “Syllabus” (силлабус) атамаси билан бир хил маънони англатади. “Course” атамаси ўқув йилини эмас, балки ўқув курсини, фанини, модулини билдиради. “Faculty” атамаси факультетни эмас, балки профессор-ўқитувчилар таркибини англатади. Ўқитувчининг лавозимини кўрсатишда “Lecturer” (лектор, маърузачи) ва “Tutor” (тьютор) атамалари кенг қўлланилади. Классификаторда қўлланиладиган “мутахассислик” тушунчасини ифодалаш учун инглиз тилида “Speciality” эмас, балки “Major” атамаси қўлланилади. Ва ниҳоят, ўқув режаси “Academic Plan” эмас, балки “Curriculum” кўринишида қўлланилади.

Шу каби ҳолатларга аниқлик киритиш учун қуйида кредит таълим тизимида муҳим аҳамият касб этувчи асосий тушунчаларга тўхталиб ўтамиз:

- **Academic Calendar** (академик календарь, ўқув жадвали) – ўқув йили давомидаги ўқув, аттестация ва дам олиш (таътил ва байрам кунлари) кунлари кўрсатилган ўқув жараёни жадвали;

- **Advisor** (эдвайзер) – талабага мутахассислик бўйича ўқув траекториясини танлаш ва ўқув давридаги фанларни ўзлаштириш бўйича ёрдам берувчи мутахассислик кафедраси ўқитувчиси.

- **Assistant Professor, Associate Professor, Professor** (ассистент, доцент, профессор) – олий ўқув юртларидаги профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимлари бўлиб, тьюторлар ва лекторларга берилади.

- **Bachelor, Master, Doctor** (бакалавр, магистр, доктор) – олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг таълим дастурларини ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар.

- **Contact hour** (контакт соат) – 1 академик соат ҳажмидаги машғулот давомийлиги бўлиб, у машғулот турлари бўйича турлича белгиланиши мумкин.

- **Core Subjects** (мажбурий фанлар) – таълим дастури бўйича мажбурий ўрганилиши лозим бўлган фанлар.

- **Course Description** – фан мазмуни бўйича маълумот, унинг қисқа баёни.

- **Credit, Credit-hour** (кредит, кредит-соат) – ўқув ишлари ҳажмини ўлчашнинг ягоналаштирилган бирлиги. Бир кредит семестр давомида ҳар ҳафтада ўтиладиган бир академик соатни ва уни ўзлаштириш учун белгиланган мустақил таълим соатларини ўз ичига олади.

- **Curriculum** (талабанинг шахсий ўқув режаси) – талабанинг таълим дастури бўйича фанлар рўйхати ва ҳажмини, уларни ўқиш тартибини белгиловчи асосий ҳужжат.

- **Degree** (академик даража) – олий ўқув юрти томонидан таълим дастурини тўлиқ тугатганлик ҳақида битирувчиларга бериладиган даража;

- **Distance Education** (масофавий таълим) – масофадан билим олиш шакли бўлиб, таълим муассасасидан узоқда жойлашган шахсларни электрон ва телекоммуникация воситалари ёрдамида услубий таъминлаш, ўқитиш ва ривожлантириш учун мўлжалланган ўқув муҳити.

- **Elective Courses** (танлов фанлари) – талабалар томонидан ихтиёрий танланадиган фанлар.

- **Enrollment** (ўқув курсига ёзилиш) – талабаларнинг ўқув курсларига белгиланган тартибда қайд қилиниши.

- **Final Examination** (яқуний назорат) – ўқув курси якунида талабаларнинг ўзлаштиришини текшириш учун ўтказиладиган назорат тури.

- **Full Time Education** (кундузги таълим шакли) – талаба ўқув режада кўзда тутилган барча ўқув машғулотларига қатнашиши шарт бўлган ўқиш шакли.

- **General Education Requirement (GER)** – умумтаълим фанлари, ижтимоий-гуманитар ва табиий-илмий фанлар.

- **Grade Point Average (GPA)** (ўртача балл) – талабанинг фанларни ўзлаштиришининг ўртача баҳоси (фанлар бўйича кредитларнинг рақамли эквивалентларга кўпайтмалари йиғиндиларининг ўқув давридаги умумий кредитлар сонига нисбати); талабаларни кейинги босқичга ўтказиш учун қўлланилади.

- **Hand-outs** (тарқатма материаллар) – талабаларга мавзу бўйича ўқув жараёнида тарқатиладиган кўргазмали материаллар (тезислар, маърузалар, ҳаволалар, мисоллар, глоссарий, мустақил таълим учун топшириқлар).

- **Midterm Examination** (оралиқ назорат) – тасдиқланган академик календар бўйича фанни ўзлаштиришнинг фан ўқитувчиси томонидан амалга ошириладиган даврий назорат.

- **Office Hours** – талабанинг дарс жадвалида кўрсатиладиган, талаба ўқитувчи раҳбарлигида аудиториядан ташқарида бажарадиган мустақил иши.

- **Office of Registrar (Регистратор офиси)** – ўқитиладиган фанларга талабаларни ёзиш ва уларнинг ўқув давридаги барча ўзлаштириш кўрсаткичларини қайд қилиш хизмати.

- **Part-time Education** (сиртки таълим) – ўқув машғулоти ўқув материалларини жўнатиш орқали комбинирланган тарзда олиб бориладиган таълим шакли. Бунда талаба семестрда белгиланган кредитлардан кам кредит олади, лекин ўқув семестрлари сонининг кўплиги ҳисобига талаб қилинадиган умумий кредитларни тўплайди.

- **Prerequisite, Postrequisite** – муайян фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, бирор фандан олдин ва кейин ўқиши зарур бўлган фанлар;

- **Subbatical Term** (малака ошириш даври) – ўқитувчининг белгиланган тартибда ўз академик малакасини мажбурий тарзда ошириши.

- **Syllabus** (фаннинг ишчи ўқув дастури) – фаннинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари, қисқа мазмуни, мавзулари ва машғулотларнинг давомийлиги, мустақил иш топшириқлари, маслаҳат вақтлари, ўқитувчининг талаблари, баҳолаш мезонлари, назорат жадвали ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган асосий ўқув-услубий ҳужжат.

- **Term** (академик давр) – олий ўқув юрти томонидан белгиланган ўқув даври, у уч хил шаклда бўлиши мумкин: семестр, давомийлиги одатда - 15 ҳафта, триместр – 10 ҳафта, квартал – 8 ҳафта.

- **Transcript** (академик маълумотнома) – белгиланган шаклдаги ҳужжат бўлиб, ўқув давридаги ўтилган фанларни ва улар бўйича тўпланган кредитларни, баҳоларни ва ўртача бални кўрсатади.

- **апелляция** – талабаларнинг билимини баҳолашга нисбатан нообъектив ёндашувларни, омилларни аниқлаш ва йўқотиш мақсадида ўтказиладиган тадбир.

- **бакалаврият** – бакалавр академик даражасини тақдим этувчи олий таълим дастури.

- **талабанинг ўқув-услубий мажмуаси** – барча ўқув давлари учун шахсий ўқув режаси, силлабуслар, мустақил ишлар бўйича услубий кўрсатмалар, амалиёт дастурлари ва шу кабиларни ўз ичига олувчи ўқув-ўйриқнома ахборотлари ва ҳужжатлари пакети.

- **докторантура** – олий таълимдан кейинги таълим дастури.

- **жорий назорат** – фаннинг ҳар бир мавзуси ўзлаштирилишини текшириш учун фан ўқитувчиси томонидан ўтказиладиган назорат тури.

- **икки дипломли таълим** – иккита ўқув режаси бўйича параллел ўқиш имконияти, бунда иккита ўзаро тенг кучли дипломлар олиш (Double Major) ёки битта асосий ва битта қўшимча диплом олиш (Major-Minor) мумкин.

- **ишчи ўқув режаси** – талабаларнинг шахсий ўқув режалари асосида шакллантирилган ўқув режаси, ўқитувчиларнинг ўқув ишлари юкламаларини ҳисоблаш учун асос бўладиган ҳужжат.

- **кредит таълим тизими** – ўқув жараёнини ташкил этиш шакли бўлиб, талабаларга ўз ўқув траекторияларини муайян чегарада белгилаш имконини беради, мустақил ва ижодий билим олишни рағбатлантиришга йўналтирилади, ўзлаштирилган билимлар ҳажми кредитларда ўлчанади.

- **курс сиёсати** – фанни ўзлаштириш бўйича талабаларга қўйиладиган талаблар.

- **магистратура** – олий ўқув юртларида ва илмий муассасаларда “магистр” академик даражасини берадиган, чуқур илмий ва касбий тайёргарлик асосида илмий-педагогик кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаш шакли.

- **маълумотнома-кўрсаткич** – академик календар, олий ўқув юрти ҳақидаги умумий маълумотлар, талабанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, кредит таълим тизимининг асосий коидалари, ҳар бир фан бўйича якуний баҳолашларни ҳисоблаш методикаси ва ўртача балл (GPA), якуний давлат аттестацияси талаблари ва шу кабиларни ўз ичига оладиган маълумотнома.

- **мустақил иш** – мавзулар бўйича мустақил таълимга ажратилган иш бўлиб, ўқув-услубий адабиётлар ва тавсиялар билан таъминланади, тестлар, назорат ишлари, коллоквиумлар, рефератлар, баён ва ҳисоботлар шаклида назорат қилинади.

- **намунавий ўқув режа** – ўқув фанларини ўрганиш кетма-кетлиги ва ҳажмини белгиловчи ўқув режаси.

- **оралиқ аттестация** – фанларни ўзлаштиришнинг комплекс баҳоланиши.

- **портфолио** – талабаларнинг муайян вақт давомида (семестр, ўқув йили) бажарган турли ишлари тўплами.

- **тьютор** – фан бўйича амалий машғулотларни олиб боровчи ва маслаҳат берувчи, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилувчи ва бажарилишини таъминловчи, фан бўйича билимларни тизимга келтирувчи, семестр ва курс ишларига раҳбарлик қилувчи, ўқув амалиётларини ташкил қилувчи ўқитувчи.

- **фан коди** – ўқув режасида ҳар бир фан учун белгилаб қўйиладиган харф-рақамли белги, халқаро номланиш асосида белгиланади.

- **фаннинг ўқув-услубий мажмуаси** – фан бўйича билим, кўникма ва малакаларни муваффақиятли ўзлаштиришга ёрдам берувчи асосий ўқув-услубий ҳужжатлар пакети.

- **фан ўзлаштирилишини назорат қилиш** – турли шаклдаги назорат топшириқлари асосида фан бўйича ўзлаштиришни назорат қилиш (ёзма иш, тест, амалий ишлар, портфолио, оғзаки сўров, имтиҳон ва ҳ.к.); жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари мавжуд.

- **чизиқли ўқиш тизими** – таълим дастуридаги фанларни мантиқли тузилган аниқ тартиб бўйича ўрганишни ташкил қилиш усули.

- **чизиқсиз ўқиш тизими** – таълим дастуридаги фанларни алтернатив траектория бўйича ўрганишни ташкил қилиш усули.

- **шахсий ўқув режаси** – ҳар бир талабанинг шахсий ўқув траекториясини белгилаб берувчи ўқув режаси;

- **якуний давлат аттестацияси** – талабаларнинг таълим босқичига мос давлат таълим стандартларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир. Бу тадбир натижасида таълим олганлик ҳақида ҳужжат (диплом) берилади.

1.2. Дунё мамлакатларининг олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тузилмаси

Дунёнинг ривожланган давлатларидаги замонавий олий таълим тизими Европа ва АҚШ университетларида узоқ вақт давомида тажриба тўплаш натижасида пайдо бўлган. Университетларнинг автономияси ва миллий ўзига хослик барча давлатлар учун мақбул бўлган мутахассис тайёрлаш намунасини ишлаб чиқишни қийинлаштирган. Университетлар ўзларининг ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тизимларига эга бўлишгани сабабли, умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш жуда қийин кечган.

Ёндашувларни умумлаштириш бўйича дастлабки қадамлар Америка университетлари томонидан амалга оширилган бўлиб, улар фан талаблари ва замонавий бизнес қоидалари асосида олий таълимнинг ягоналаштирилган моделини таклиф қилишган. Болонья декларацияси ҳам Европа Иттифоқи университетлари ўртасида шунга ўхшаш моделни тақдим қилди. Бунда биринчи босқич – талабаларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос ижрочилик малакаларини ўзлаштиришига, иккинчиси эса – илғор талаба ёшларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш, инновацион ғоялар ишлаб чиқувчи илмий-педагогик кадрларни шакллантиришга йўналтирилган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида олий ва олий таълимдан кейинги таълим тузилмаси тобора ягоналашиб бормоқда. Бу ягоналашув энг аввало таълим жараёнининг узлуксизлигига ва ҳар бир кейинги босқичнинг ўзидан олдингисига таянишига асосланган. Масалан, АҚШ да бакалаврият таълим дастурлари 12 йиллик умумтаълим мактаблари битирувчиларининг контингентига таянади, битирувчиларнинг билимлари коллеж ва университетларга ўқишга киришга ва олий таълим дастурларини 4 йил давомида ўзлаштиришга имкон беради. Ўз навбатида, бакалаврият битирувчиларининг аксарияти магистратурага ўқишга кириш учун ва магистратура дастурларини 1-3 йилда ўзлаштириш учун етарлича билимларга эга бўлишади. Ва ниҳоят, магистратура ҳам олий таълимдан кейинги босқичда фан доктори (PhD) даражасидаги кадрлар тайёрлаш учун замин яратади. Турли мамлакатларда, жумладан АҚШ да ҳам бакалаврлар, магистрлар ва докторантлар тайёрлаш маҳаллий хусусиятларларга эга ва ҳозир ҳам айрим олий ўқув юртлири бўйича ўзаро фарқ қилади.

Америка олий таълим тизимининг ўзига хослиги шундаки, университетлар етарли даражада мустақил ва автономияга эгадирлар. Бу уларга янги фанларни, янги мутахассисликларни нисбатан осон яратишларига ва инновацион таълим методларини қўллашларига имкон беради. Ўқув режалари ҳар бир талаба учун унинг қизиқишлари, қобилиятлари ва университет талабларидан келиб чиқиб талабаларнинг маслаҳатчилари – эдвайзерлар кўмагида алоҳида шакллантирилади.

Ҳозирги кунда АҚШ олий таълим тизимида уч хил турдаги ўқув муассасалари мавжуд: бошланғич икки йиллик коллеж, тўрт йиллик коллеж (улар университет таркибида ёки алоҳида фаолият юритишлари ҳам мумкин) ва университетлар. Олий ўқув юртида икки йил ўқиганидан сўнг талаба

Associate Degree даражасига эга бўлади, бу унга университетда ўқишни давом эттиришга ёки АҚШ даги ҳоҳлаган компанияда кичик лавозимларда ишлашга имкон беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ да магистратура тугалланган даражани (Graduate Degree), бакалавриат эса тугалланмаган даражани (Undergraduate Degree) англатади. Бу иккита даража АҚШ да мазмуни бўйича ҳам, ташкилий-услубий тузилмаси бўйича ҳам бир-бирига жуда яқин ҳисобланади. Докторантура эса, олий таълимдан кейинги босқич сифатида докторантлар фаолиятининг юқори даражадаги мустақиллиги билан ажралиб туради.

Олий таълимнинг биринчи босқичи (бакалавриат) ўрта мактабнинг юқори босқичидан (High School) сўнг 4 йил давом этади ва ҳар бири иккита икки йиллик босқичларга бўлинади. Дастлабки икки йилда асосан умумтаълим фанлари (GER – General Education Requirements)) ўқитилади ва малака имтиҳонини муваффақиятли топширгандан сўнг, талабага муайян даража берилади. Университетлар ва 4 йиллик коллежлар билан бир қаторда бундай даражани икки йиллик муниципаль коллежлар ҳам беришади.

Академик йил давомийлиги 14-16 ҳафта (кўпинча 15 ҳафта) бўлган икки семестрдан ташкил топади. Ўқув дастурларини тезкор яқунлаш ва кўшимча таълим учун мўлжалланган ёзги семестрлар ҳам кенг жорий этилган. Сиртқи таълим асосан масофавий шаклда амалга оширилади ва кам сонли алоҳида тоифадаги талабалар учун мўлжалланган (ногиронлар, иккинчи олий таълим олувчилар, узоқ муддат хизмат сафарида бўлганлар ва ҳ.к.).

Ўрта ва олий таълимда узлуксизлик тамойилини таъминлаш мақсадида АҚШ да умумтаълим мактаблари битирувчиларининг бакалавриатга тайёргарлик даражасини билиш учун умумтаълим мактабида олган баҳолари ва SAT (Scholastic Aptitude Test) ёки ACT (American College Test) тизимларининг балларига асосланган тест тизими жорий этилган. Америкада университетларга бакалавриатга ўқишга кирувчи ўрта мактаб битирувчилари учун пастки чегара 480 SAT ёки 19 ACT этиб белгиланган. Хорижий талабалар учун инглиз тилини билиш даражаси бўйича ўтказиладиган TOEFL (Test of English as Foreign Language) тестларининг натижалари 450-550 дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилган.

Магистратура босқичи тузилмаси барча америка университетларида дунёнинг бошқа кўплаб университетлари билан умумий жиҳатларга эга. Аксарият университетлар фақат икки босқичли тизимда олий маълумот беришади. Фақат кам сонли атоқли университетлар ва баъзи йирик университетлар – кам сонли кампуслар илмий университет (Research) мақомига эга. Улар бунга эришишлари учун асосан магистратура ва докторантурани ривожлантиришади. Шу билан бирга магистратурага ва докторантурага кириш учун нафақат инглиз тили бўйича 550-600 дан кам бўлмаган TOEFL натижаларини топшириши, балки мантиқий-умумилмий йўналишдаги GRE (Graduate Record Examination) ва GMAT (Graduate Management Admission Test) тестларидан 640 дан кам бўлмаган балларни тўплашлари ҳам зарур. АҚШ да докторантурага кириш учун тестлардан

ташқари баъзан жамоатчилик ишларидаги тажрибаси, лидерлик қобилиятлари ҳақида тавсиянома ҳамда кириш эссеси ҳам талаб қилинади.

АҚШ олий мактаблари академик мустақилликка ва меҳнат бозорининг эҳтиёжларига йўналтирилган ва шу асосда барча академик даражалар: бакалавр, магистр, фалсафа доктори (PhD) тақдим этилади.

АҚШ да докторантуранинг ўзига хослиги шундаки, докторлик дастурлари олий таълимдан кейинги таълим Кенгаши томонидан тўлиқ назорат қилинади ва ташкил қилинади. Бу Кенгаш докторант таълим оладиган коллежлар ва факультетлар фаолиятига боғлиқ эмас.

Англияда 3 йиллик бакалаврият 13 йиллик ўрта мактаб (катта A-Level босқичини ҳам кўшганда) таълимига асосланади. Ўқишга кирувчилар учун уларнинг билим даражалари улушлар бўйича умумтаълим фанларидан камида 45%, асосий фанлардан – 15%, бошқа фанлардан – 5% ни ташкил этиши керак. Магистратура ва докторантурада кундузги таълим мос равишда 1 ва 3 (максимал 5) йил этиб белгиланган. Хорижий талабалар учун инглиз тилини билиш аудиторияда ўқитиладиган базавий фанлар учун камида – 550 TOEFL, лаборатория ишлари учун 500 TOEFL қилиб белгиланган.

Буюк Британияда ҳар хил университетларда олинган даражалар расман тенг деб қабул қилинган бўлса ҳам, амалда уларнинг даражаси университетларнинг машҳурлиги билан белгиланади. Англия ва Уэльс университетлари томонидан қуйидаги академик даражалари берилади: BA – гуманитар фанлар бакалаври, BEd – педагогика фанлари бакалаври, BEng – техника фанлари бакалаври, BSc – табиий фанлар бакалаври, LLB – ҳуқуқ бакалаври; BMus – мусиқа бакалаври; BM – тиббиёт бакалаври.

Даражаларнинг турли университетларда турлича номланиши ва қоидалардан четга чиқиш ҳоллари ҳам учраб туради. Баъзи Шотландия университетларида гуманитар фанлар бўйича биринчи босқич битирувчиси бакалавр (BA) эмас, магистр (MA) ҳисобланади. Баъзи университетларда, хусусан Оксфорд ва Кембрижда ҳам BA гуманитар ва табиий фанлар бўйича тақдим қилинади, бироқ табиий фанлар бакалаври малакаси (BSc) Кембрижда мавжуд эмас, Оксфордда эса – бу олий академик даража ҳисобланади.

Франция олий таълим тизими кўп босқичлилиги, таълим йўналишларининг кенг тармоқчилиги ва деярли тўлиқ ихтисослашганлиги билан ажралиб туради. Улар мураккаб тузилишга эга бўлиб классик турдаги университетлар, олий мактаблар (сиёсат ва давлат бошқаруви бўйича элита мактаблари), санъат ва архитектура мактаблари ва махсус мактаблар (транспорт, кутубхона ишлари ва ҳ.к.) томонидан тақдим этилади.

Олий ўқув юртларида ўқиш 2 йилдан 11 йилгача давом этиши мумкин ва у маълумот ҳақидаги ҳужжат тақдим этиш билан яқунланади.

Университет таълими биринчи циклда умумий таълимнинг DEUG – дипломини олиш билан яқунландиган икки йиллик дастурдан бошланади. Бу диплом эгалари олий таълимни “лицензиат” дипломи билан яқунландиган кейинги икки йиллик циклда давом эттиришлари мумкин. Яна бир йил ўқилса магистрлик дипломи – “метриз” олинади. Кейин талаба ишга жойлашиши ёки

иккита йўналишдан бирида бир йил ўқишни давом эттириши мумкин: DEA – дипломини олиш учун докторантурада ўқишни давом эттириши ёки DESS – дипломини олиш ва олий даражадаги мутахассис таълимини давом эттириши мумкин.

Бельгия университетларида ўқиш кўп босқичли бўлиб, ҳар бир давр университет академик даражасини олиш билан яқунланади.

Университетлардаги дастлабки икки йил умумгуманитар ва умумтехник дастур асосида олиб борилади. Бу циклни тугатганидан сўнг талабалар “Candidature” (кандидат) дипломини қўлга киритишади (бакалавр дипломига мос келади). Навбатдаги уч йил мутахассисликка йўналтирилган бўлиб “Licenciate” (лицензиат) дипломини тақдим этиш билан яқунланади (бу магистр дипломига мос келади). Баъзи йўналишларда, масалан, муҳандис, фармацевт, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар учун бу даража яна уч йиллик таълимдан сўнг берилиши мумкин.

Кейинги икки йиллик ўқиш ихтисосликни чуқур ўрганишга йўналтирилган бўлиб, диссертация ёзиш ва ҳимоя қилишдан сўнг докторлик илмий даражаси “Docteur” берилади. Олий таълимнинг “Агреже” илмий даражаси бу тизимдаги энг юқори даража ҳисобланади ва у доктор даражаси олинганидан икки йилдан сўнг тақдим этилиши мумкин.

Германия таълим тизими классик тузилмага эга бўлиб, бошланғич, ўрта ва олий мактаблардан ташкил топган. Бу тузилманинг барча босқичларида асосан давлат таълим муассасалари, шунингдек кам сонли хусусий таълим муассасалари фаолият юритишади.

Германиядаги олий таълимнинг асосий тамойили – “академик эркинлик” тамойили бўлиб, ҳар бир талабага дипломига киритиладиган фанлар рўйхатини мустақил равишда белгилаш имкони берилади. Шу билан бирга Германиядаги олий таълим тизими ўқув жараёнини илмий тадқиқотлар билан уйғунлаштиришни назарда тутаяди. Бу жиҳат университетлардаги ўқув жараёни жадвалларининг мазмунини белгилаб беради: ҳар бир семестр маърузалар даври (14-20 ҳафта) ва мустақил илмий ишлар давларидан иборат бўлади.

Германиянинг олий таълим муассасаларида таълимнинг ўртача давомийлиги беш йилни ташкил этади, бироқ ҳозирда тўрт йиллик курслар ҳам мавжуд. Конкурс асосида олий ўқув юр்தларига ўқишга киришдан олдин абитуриентлар пуллик тайёрлов курсларида ўқишади. Университет таълими икки босқичдан иборат, булар – “Vordiplom” (дастлабки диплом) лицензиат даражаси бериладиган таянч (3-4 та семестр) босқич ва “Magister Artium” магистрлик даражаси бериладиган асосий (4-6 та семестр) босқич (техник мутахассисликларда бунинг ўрнига мутахассис дипломи тақдим этилади). Таянч таълим босқичи якунида дипломолди имтиҳони ўтказилади. Диплом имтиҳони эса табиий, техник, ижтимоий ва иқтисодий фанлар яқунлангандан сўнг ўтказилади. Асосий дипломи олиш учун диплом иши ёзилади, бу давр 1-2 семестрлик давларда олиб борилиши мумкин. Германия

университетларининг давлат намунасидаги дипломлари олий таълим талаб этиладиган касбларда ишлаш ҳуқуқини беради.

“Магистр” академик даражаси учун ўқиш 6 та семестр давомида олиб борилади. “Магистр” академик даражасини олиш учун магистрлик имтиҳонларини муваффақиятли топшириш талаб этилади. Давлат намунасидаги дипломни ва магистрлик даражасини олгандан сўнг Германия олий таълим муассасалари битирувчилари “Doctorate” (доктор) илмий даражасини олиш учун имтиҳон топширишлари ёки диссертация ҳимоя қилишлари мумкин. Бу даражани фақат ўқитувчилик тажрибасига эга бўлган ва дастлабки малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар олишлари мумкин.

Швецияда бакалаврларни тайёрлаш учун умумтаълим мактабларидаги 12 йиллик таълим ёки унга фанлар мазмуни бўйича тенглаштириладиган таълим асос бўлади. Уч йиллик бакалавриятдан сўнг магистратурада 1,5 йил ўқиш кўзда тутилган. Докторантура 4 йиллик ўқишдан иборат, бироқ 2 йиллик ўқишдан сўнг талаба ўқишни яқунлаш ҳуқуқига эга, бунда унга муҳандис дипломи берилади.

Академик йил 14 ҳафталик кузги ва баҳорги семестрлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бирига имтиҳонларини қайта топшириш ва қарзларни йўқотиш учун иккита олдинги ва битта кейинги ҳафталар кўшилади.

Голландия таълим тизими британия ёки америка таълим тизимларидан фарқ қилиб, икки даражали дипломларга асосланмаган, бироқ сўнгги пайтларда таълим хизматлари бўйича дунё бозоридаги рақобат туфайли университетлар баъзи мутахассисликлар бўйича икки босқичли (бакалавр ва магистр) таълим тизимига ўтишмоқда.

Голландия таълим тизимидаги икки босқичли “бакалавр – магистр” таълим тизимида диплом одатда 4 йиллик кундузги таълимдан сўнг, муҳандислик иши, табиий фанлар ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича эса 5 йиллик таълимдан сўнг берилади. Олий ўқув юртларини бирлаштириш жараёнлари уларнинг сонини 350 тадан (1980 й.) 50 тагача (1999 й.) камайтирган, ҳозирда уларнинг атиги 13 таси университетлар ҳисобланади (очиқ университетдан ташқари).

Европадаги Оксфорд, Кембриж, Сорбона, Прага университети, Ла Сапъенза университетлари 12-асрдан бошлаб дунё таълимининг бешиги бўлиб келишган. Шунга қарамасдан 20-асрнинг 80-йилларидан бошлаб Германия ва Англияда олий таълим тизимида туб ислоҳотлар даври бошланди ва улар тобора кенгайиб борди ва сўнгги йилларда эски ва “консерватив” ҳисобланган француз таълим тизимидаги ислоҳотлар билан яқунланди.

Болонья жараёнлари таълимни тузилмавий ва баҳоловчи умумий тамойилларга томон ҳаракатлантирмоқда, шу билан бирга ҳар бир Европа давлати ўзига хос таълим тизимини ҳам сақлаб қолган.

Олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг кўп босқичли тузилмаси Осиё-Тинч океани региони давлатларида ўзининг кўплаб тарафдорларига эга.

Масалан, Хитойда 12 йиллик мактаб таълимидан сўнг коллежлар ва университетлардаги бакалавриятда 4 йил, ундан кейин магистратурада 3 йил ва ниҳоят докторантурада 2-3 йил таълим олиш кўзда тутилган.

Японияда талаба бакалавр даражасини олиш учун университетда 4 йиллик таълимни ўташи зарур, улардан дастлабки икки йили – мутахассислик бўйича кенг миқёсдаги умумтаълим тайёргарлиги ва сўнгги икки йили – мутахассисликка қаратилган. Фанлар мажбурий ва танлов фанларига бўлинади. Олий таълимдан кейинги таълим Японияда иккита босқичдан иборат: 2 йиллик магистр даражасини берувчи "master course" дастури ва 3 йиллик доктор даражасини бериш билан якунланадиган "doctor course" дастури.

Шундай қилиб, хорижий давлатлардаги таълим тизимларининг турли-туманлиги, уларнинг тузилмаси ва академик даража беришдаги турлича ёндашувларга қарамасдан таълимни мутахассис тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига, талабаларнинг мустақиллиги ва мобиллигини оширишга, таълимни шахснинг қизиқишлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ягоналаштиришга қаратилган интилишлар мавжуд.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим тузилмаси

Таъкидлаб ўтилганидек, Болонья декларациясига қўшилиш икки босқичли олий таълимни жорий қилишни назарда тутди, бунда биринчи босқич – талабаларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мос ижрочилик малакаларини ўзлаштиришига, иккинчиси эса – ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Берлин анжумани учун тайёрланган материалларга кўра “бакалавр-магистр” тизими собиқ социалистик давлатлар ҳудудида 10 йилларча муқаддам жорий қилинган. Бироқ, у расмий характерга эга бўлган ва амалда меҳнат бозори билан боғлиқ бўлмаган, унинг жорий этилиши асосан таълим ва фаннинг хусусий эҳтиёжларига қаратилган эди.

Шулар билан бир қаторда олий таълимга қарашларда "teaching" форматидан "learning" форматига томон ўзгаришлар содир бўлмоқда, яъни талабани “ўқитиш” эмас, балки талаба “ўқиши” керак деган ғоя устувор бўлмоқда. Бу ғояга кўра инсон бутун умри давомида ўқийди, талаба фанга оид билим, кўникма ва малакаларни мустақил тарзда ўзлаштиради, ўқитувчининг вазифаси эса – талабанинг шахсий қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда унга зарур ёрдамларни кўрсатишдан иборат бўлади.

Мазкур тенденция 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан ўзининг қонуний ўрнига эга бўлди. Унга кўра олий ва олий таълимдан кейинги таълим кўп босқичли – бакалаврият ва магистратура тузилмаси бўйича ривожланади. Унинг муҳим тамойиллардан бири – таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигидир.

Бу Болонья декларациясининг асосий ҳолатларини инобатга олган ҳолда миллий моделни яратиш учун олий ва олий таълимдан кейинги таълимда ислоҳотлар зарурлигини шарт қилиб қўйди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Болонья декларацияси нафақат тузилмани қайта қуришни, балки таълим дастурларини ҳам ўзгартиришни назарда тутди.

Болонья декларациясига икки босқичли “бакалавр-магистр” олий таълим даражалари аслида англосаксон тузилмасининг умумийликка етакловчи инструменти ҳисобланади, бунда кредитлар, имтиҳонлар ва дипломлар ўзаро тан олинган даражага келади. Бунда таянч босқичда (бакалавриятда) таълим камида 3 йил давом этади ва амалда бозор эҳтиёжларига йўналтирилади.

Миллий таълим дастурларининг халқаро тан олиншини, талабаларнинг ва профессор-ўқитувчиларнинг мобиллигини таъминлаш, шунингдек, таълим сифатини ошириш ҳамда олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг барча босқичларда узвийликни таъминлаш мақсадида мутахассисларни тайёрлашнинг уч поғонали “бакалавр – магистр – доктор” тузилмаси ягона кредит таълим тизими бўйича иккита босқичда амалга оширилади: олий таълим (бакалавр-магистр) ва олий таълимдан кейинги таълим (доктор).

Шундай қилиб, олий ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларини модернизация қилиш таълим жараёнининг тузилмаси, мазмуни ва ташкил қилинишига ўз таъсирини кўрсатади. Бунда, биринчидан, мутахассислар тайёрлашнинг уч поғонали “бакалавр – магистр – доктор” тузилмасига ўтилади, иккинчидан, ўрта таълимдан кейин икки босқичли (олий – олий таълимдан кейинги) тузилма сақланиб қолади, учинчидан, кредит таълим тизими қўлланилади. Бу икки ҳолат ҳам таълим мазмунида сезиларли даражада акс этади.

Бунда олий таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

- кенг фундаментал билимларга эга, ташаббускор, меҳнат ва технологиялар бозорининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан янги шаклдаги мутахассислар тайёрлаш;

- олий таълим тизимини демократлаштириш орқали сифатли таълим хизматларини тақдим этишга бўлган қизиқишини ошириш;

- алоҳида олий ўқув юртларини халқаро аккредитациядан ўтишга тайёрлаш, элита олий ўқув юртларини ривожлантириш учун шароит яратиш;

- олий ўқув юртларини бошқаришнинг янги тамойиллари ва амалиётини шакллантириш, стратегик режалаштириш тизимини жорий этиш ва олий ўқув юртларининг автономлигини ошириш;

- талабаларнинг сифатли таълим олишга бўлган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, сифатли таълим хизматлари тақдим этиш учун раҳбарларнинг масъулиятини белгиловчи механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ушбу топшириқларни олий ўқув юртларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш шароитларида жамоатчилик назорати, кенг академик

имтиёзлар бериш, ҳамда ўқув жараёнини талабаларнинг қизиқишларини инобатга олган тарзда ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш ва ўқитувчилар орасида рақобат муҳитини яратиш орқали амалга ошириш мумкин.

Олий таълим босқичлари бўйича Ўзбекистон модели таянч босқич камида 3 йил давом этиши жиҳатидан Болонья жараёнлари талабларига ва ҳар бири 2 поғонадан иборат 2 босқичдан иборатлиги бўйича Америка моделига мос келади.

Бакалавриат дастури касбий фаолиятнинг умумий, интеграллашган жиҳатларини инобатга олиш, касбий ижодкорликни ривожлантириш ва мустақил билим олиш кўникмасини шакллантириш орқали ихтисослик фанлари бўйича билимлар асосини эгаллашни назарда тутувчи кенг таянч касбий тайёргарлигини назарда тутуди.

Магистратурада таълим мутахассисликка ва илмий-педагогик тайёрловга йўналтирилган. Магистратура таълим дастурларида таълимнинг илмий-методологик йўналганлиги ва соҳа бўйича чуқур мутахассислик тайёргарлиги кўзда тутилади. Магистратура битирувчиларига “магистр” академик даражаси тақдим этилади. Магистрлар докторантурада ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгадирлар.

Докторантура олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашнинг якуний таълим босқичи ҳисобланади. Докторлик дастурларининг ўзига хослиги таълим ва изланувчилик фаолияти ўртасида оптимал мувозанатни таъминлаш, кенг илмий, ўқув ва методологик тайёрлов, мамлакатдаги ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг академик мобиллигини таъминлашда намоён бўлади.

Докторантура дастурини эгаллаган ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга фалсафа доктори (PhD) илмий унвони, мутахассислик бўйича докторантурани ўзлаштирганларга эса фан доктори илмий унвонлари (тиббиёт, санъат, таълим, ҳуқуқ, техника, кимё ва ҳ.к.) берилади.

Шундай қилиб, таълим тизимларини ягона халқаро таълим муҳитига мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон Республикасида олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг қуйидаги касбий таълим босқичлари жорий этилган:

1) бакалавриат – биринчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги биринчи поғона) бўлиб, ўқиш муддати 4 йил, ўз навбатида иккита босқичдан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ: пастки (оралиқ даража) – 2 йил ва юқориги (академик даража) – 2 йил;

2) магистратура – иккинчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги иккинчи поғона) бўлиб, ўқиш муддати 1-2 йилни ташкил этади, бунда чуқур мутахассислик ва илмий-педагогик тайёрлов амалга оширилади;

3) докторантура – олий таълимдан кейинги иккинчи босқич дастури (ўрта таълимдан кейинги учинчи поғона) бўлиб, ўқиш 3-4 йил давом этади ва икки босқичда амалга оширилади – фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий унвонларига эришиш назарда тутилади.

1.4. Хорижда кредит таълим тизими

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида кредит таълим тизимини жаҳон таълим соҳасидаги замонавий йўналишларни ҳисобга олиб, хорижий кредит тизимларини таҳлил қилиб ва умумлаштирган ҳолда жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

“Кредит соат” тизими дастлаб АҚШ да пайдо бўлган ва такомиллашган. 1969 йилда Гарвард университети Президенти, Америка таълимининг атоқли намояндаси Чарльз Элиот биринчи бўлиб “кредит-соат” тушунчасини киритди ва 1870-1880 йиллар давомида фан ҳажмини кредит-соатларда ўлчашга имкон берувчи тизимни жорий қилди. 1892 йилдан “кредит-соат” тизимини жорий қилишнинг иккинчи босқичи бошланди. Бунда АҚШ миллий таълим қўмитаси “коллеж-мактаб” бўғинини яхшилаш, ўрта мактабларда ўқув дастурларини стандартлаш мақсадида нафақат коллежларда, балки ўрта мактаблар учун ҳам “кредит” тушунчасини жорий қилди ва кейинчалик бакалаврият дастурлари мазмунини баҳолашнинг кредит тизимини магистратура ва докторлик таълим босқичларигача кенгайтди.

Бакалавр даражасини (Bachelor of Arts - BA ёки Bachelor of Science - BSc) олиш 4 йил ўқишни назарда тутди. Бу давр ичида талаба ўртача ҳар бири 3 кредитлик 40 тача фанни ўзлаштириши зарур бўлади. Биринчи ва иккинчи йил таянч билимларни олиш учун ажратилади (таъминан, 60-68 кредит) ва у оралик даража (Associates) билан якунланади, учинчи ва тўртинчи йиллар мутахассислик фанларини жадал ўрганишга бағишланади ва бу жараён малакавий имтиҳон билан тугалланади.

Олий таълимнинг иккинчи босқичи (Graduate Level) – бу ўрта ҳисобда икки йиллик ўқиш натижасида магистр даражасини (Master of Arts - MA ёки Master of Science - MSc) олиш учун мўлжалланган магистрлик дастурларидир.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг иккинчи босқичи ва учинчи поғонаси – докторлик дастурлари бўйича ўқиш бўлиб, у тор мутахассисликга ўқиш ва мустақил илмий изланувчиликга йўналтилгандир.

Даражани олиш учун талаба белгиланган миқдордаги кредит-соатларни тўплаши зарур. АҚШ да қабул қилинган USCS (US Credit System) тизимида кредит-соат – бу ўқиш вақтига асосланган ўлчовдир. Масалан, бакалавриятда 1 кредит-соат талабанинг семестр давомида ҳар ҳафтадаги 1 академик соат аудитория ишига тенг. Бундан ташқари ҳар бир аудитория машғулотида 2 соат (100 минут) мустақил иш қўшиб берилади. Магистратурада, ва айниқса докторантурада бу меҳнат ҳажмида мустақил ишнинг ҳиссаси кўпайиб бориши назарда тутилади.

АҚШ да бакалавр даражасини олиш учун 4 йилда камида 120 кредит-соат, магистр учун 1-2 йилда мос равишда 30-60 кредит-соат, докторлик дастурларида эса 3-4 йилда мос равишда 60-90 кредит-соат тўплаш талаб этилади.

Олий таълим тизимида кредит-соат тушунчаси дарс жадвалини тузиш, GPA ўртача баллини ҳисоблаш, кафедралар, ўқитувчилар ва талабаларнинг юкламасини аниқлаш учун асос ҳисобланади.

USCS тизими Америка талабаларининг мобиллигини оширади, чунки бир университетда олинган кредитлар бошқаларида ҳам ҳисобга олинади ва талабалар ўқишларини бир олий ўқув юртидан бошқасига синов бирликларини сақлаган ҳолда кўчиришлари мумкин. Бундай амалиёт қолдирилган ўқиш ва ўқишга тиклаш жараёнларини ўзаро боғлаш учун ҳам қўлланилади.

Испанияда университет таълими кўп поғонали бўлиб қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

- биринчи таълим даври: у камида 3 йил давом этади ва 180-270 испан кредитларига тенг бўлади;

- бирлаштирилган биринчи ва иккинчи даврлар: 4-5 йилга мўлжалланган бўлиб (тиббий мутахассисликлари учун 6 йил), биринчи давр - 2-3 йил, иккинчиси - 2 йил давом этади. Кўрсатилган 4,5 ва 6 йилда талабалар 300-500 кредит тўплашади.

- иккинчи давр – якка тартибда;

- учинчи давр – докторантура.

Биринчи давр якунида талабаларга Diplomado, Arquitecto Tecnico ва Ingeniero Tecnico каби академик даражалар берилиши мумкин. Иккинчи давр якунида эса - Licenciado, Arquitecto ёки Ingeniero Superior даражалари берилиши мумкин. Докторлик даражаси учинчи даврда ўқишни якунлаган ва диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган талабаларга берилади.

Испанияда “кредит”ни аниқлашга ўзгача ёндашилади – ҳар бир кредит 10 соат аудитория машғулотларига мос келади, тўпланган кредитлар йиғиндисига қараб талабанинг ўзлаштириши баҳоланади. Талабалар томонидан назарий ва амалий машғулотлар бўйича алоҳида кредитлар тўпланади, уларни ҳатто аудитория машғулотларидан ташқари бошқа ўқув ишларини бажариб ҳам олиш мумкин.

Швецияда 1 швед кредити университетда 1 ҳафта ўқишга тенг деб қабул қилинган. Бу тизим ўқув режаларини тузишни ва талабаларнинг бажарган ўқув соатларини ҳисоблашни енгиллаштириш учун жорий этилган. Швеция университетларида ўқув йили 40 ҳафта давом этади ва кузги ҳамда баҳорги семестрлардан иборат бўлади. Шундай қилиб, талаба ўқув йили давомида маъруза, якка тартибдаги ишлар ва бошқа ишларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 40 кредит тўплайди.

Бакалавр даражасини олиш учун 3 йиллик ўқиш давомида 120 кредит олиш керак. Магистратурада ўқиш 1-1,5 йил (60 кредит), докторантурада эса – 2-4 йил давом этади.

Швеция кредитларини Европа ECTS кредитлари билан таққослаш учун улар 1,5 га кўпайтирилади. Масалан бакалавриятдаги 120 Швеция кредити 180 ECTS кредитига, магистратурадаги 60 Швеция кредити - 90 ECTS кредитига тенг бўлади.

Швеция университетларида таълим жараёнлари маърузалар, семинарлар, баҳс-мунозаралар (ўқитувчи иштирокида ёки иштирокисиз) шаклида ташкил қилинади. Ҳар бир курс якунида имтиҳон семинарлари,

аудиторияда топшириқларни бажариш ва ёзиш кўринишидаги имтиҳонларни топшириш назарда тутилади.

Белгияда кредит таълим тизими Европа ECTS кредит тизимларига мослаштирилган ва халқаро ҳамкорлик доирасида қўлланиладиган кўринишда тақдим этилган.

Голландия академик дастурлари талабаларга диплом бериладиган тадқиқот соҳаларига йўналтирилган. Ҳатто биринчи ўқув йилида ҳам талабалар умумий фанларни ўқишмайди. Бунинг сабаби, бундай фанлар ўрта таълимнинг охириг икки йилига киритилганлигидир.

Голландия университетларида талабалар уларнинг мураббийлари билан биргаликда тайёрланган шахсий ўқув режалари бўйича ўқишади. Ўқув режаларида мажбурий фанлар ва танлов фанлари кўзда тутилган. Ҳар бир фаннинг ҳажми университет каталогларида кўрсатиладиган синов бирликлари билан ўлчанади.

Университетдаги ўқув йили 5 семестрга ажратилган, ҳар бир семестрда талаба амалда фақат 2-3 фанни ўрганади. Бунинг сабаби, модулли таълим тизими қўлланилиши ва ҳар бир фан бўйича дарс суръатининг жуда юқорилигидир (бир фан бўйича бир кунда бир неча соат дарс машғулотлари ўтилиши мумкин). Ўқув материалларини мустақил ўрганиш ва ўз мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш университет дастурларининг муҳим қисмлари саналади.

Буюк Британияда таълим тизими Бирлашган Қиролликнинг CATS (Credit Accumulation and Transfer Scheme/System – Кредитларни тўплаш ва кўчириш схемаси/tizими) тизимига асосланган бўлиб, унинг мақсади кўп сонли малака ҳужжатлари тизимини ҳар бир тур учун алоҳида кредитлар белгилаш орқали тартибга солиш ва ягоналаштиришдир. CATS тизими Бирлашган Қиролликда, Жанубий Африкада ва Янги Зеландияда кенг тарқалган.

CATS бўйича академик йил 1200 шартли ўқув соатлари ёки 120 кредитни ўз ичига олади, 1 британия кредити 10 шартли ўқув соатларига тенг. Шартли ўқув вақти дейилганда, талаба фанни ўзлаштириши учун сарфлайдиган соатлар миқдори тушунилади. Шартли вақт аудитория машғулотлари, асосий амалий ишлар, лойиҳа устида ишлаш, мустақил таълим машғулотларини, имтиҳонларга тайёргарлик ва уларни топшириш каби фаолиятларни, яъни барча турдаги ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув фаолиятларини ўз ичига камраб олади.

Британия университетларида бакалавр даражасини олиш учун 3 йил давомида 360 британия кредитларини қўлга киритиш керак. Тўртинчи йил талабаларга “имтиёзли бакалавр” (Bachelor with Honours) даражасини олишга имкон берилади.

Шотландияда CATS тизимига асосланган Шотландия CAT (SCOT CATS) тизими қўлланилади, бу тизимда Бирлашган Қиролликнинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда бакалавриятда ўқиш 3 йил эмас, 4 йил давом

этади. Бу Бирлашган Қиролликдаги Шотландиянинг ўзига хос миллий тизими ҳисобланади.

20-асрнинг сўнгги ўн йилликларида Европада олий ўқув юр்தларининг халқаро таълим дастурларидаги иштироки муҳим масалага айланди, олий таълим ўқув дастурларини интернационаллаштириш тараққиётнинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб қолди. 1987 йилда Европа Иттифоқи асос солган талабалар алмашишнинг ERASMUS (European Community Action Scheme for Mobility of University Students) таълим дастури энг намунали деб топилиб асос сифатида қабул қилинди ва Европанинг 12 та давлатида жорий этилди. Тўпланган тажрибалар қайта ишланиб барча ёш гуруҳлари таълимига ихтисослашган янги SOCRATES дастури учун асос сифатида қабул қилинди. Бу дастур 2006 йилгача режалаштирилди ва 31 давлатда амал қилди. Булардан ташқари, Европада талабалар алмашиш дастури бўйича Европанинг илм-фан ва университетлар бешиги сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган Leonardo Da Vinci ва Tempus-Tasis таълим дастурлари амалга оширилди.

Бу дастурларни амалга оширишда Европада турли хиллик ва ўзаро мос келмаслик ҳолатлари юзага чиқди, умумлаштиришда қийинчиликлар пайдо бўлди. Шундай инструмент ишлаб чиқиш зарур эди, у миллий таълим тизимларини амалда яқинлаштириши, мослашувчан ва шаффоф қилиши, таълимдаги ҳужжатлар эса – осон таққосланадиган бўлиши керак эди. Бундай тизим сифатида ERASMUS дастурининг тажриба лойиҳаси сифатида юзага келган ва 1989-1995 йилларда 6 йил давомида экспериментал текширувдан ўтган ECTS (European Credit Transfer System) тизими тан олинди. Унда Европанинг 145 та олий ўқув юрти иштирок этди.

1999 йилнинг июнида 29 та Европа давлатларининг таълим вазирлари Болонья декларациясини имзолашди, унда асосий эътибор ECTS ва умумевропа диплом иловасига қаратилди. Бунда ECTS нинг вазифаси этиб 2010 йилда яғоналаштирилган олий таълим тизимини яратиш эмас, балки халқаро “шаффофлик” ка эришиш ва мавжуд таълим тизимларини ва малакаларини давлатлар ва олий ўқув юр்தларининг таълим сиёсати соҳасидаги автономлигини сақлаб қолган ҳолда мослаштириш белгиланди. Ҳозирги кунгача деярли барча Европа давлатлари ўз миллий олий таълим тизимларида ислохотлар ўтказишди, кредит таълим тизимини жорий қилишди. Бирок, улар миллий ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимига қаратилганлиги сабабли ўзаро жиддий фарқ қилишади. Ҳар бир давлат ўзининг ноёб таълим тизимини, миллий, тарихий ва маданий анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, Европада мантиқан рад этиб бўлмайдиган, максимал даражада яқинлашиш ва миллий тизимларнинг баҳолаш шкалаларини умумевропа андозаси бўйича тенглаштириш учун зарур бўлган ECTS тизими пайдо бўлди. Унга кўра Европа кредити – тьютор ва талаба контакт соатлари ҳажмининг шартли бирлиги ҳисобланади. Ўрта ҳисобда бир ўқув йилида талаба 60 Европа кредитларини тўплаши шарт.

Европа, Америка ва Британия синов бирликлари тизими билан бир каторда Осиё-Тинч Океани региони учун UCTS (University Credit Transfer System) университет кредитларини ўтказиш тизими ҳам мавжуд. Бу тизимга регионнинг йирик давлатлари, масалан, Япония ва Хитой умуман қўшилишмаган. Бу лойиҳанинг тажриба схемаси 5 йилга (1999-2004 йй.) мўлжалланган эди. Унинг мақсади UMAP (Осиё-Тинч океани регионидан университетлар мобиллиги) ташкилоти томонидан регионда ва UMAP фаолият соҳасига кирувчи ҳудудларда ва дунёнинг бошқа регионларидаги давлатлар билан биргаликда хорижий олий ўқув юртларидаги олинган кредитларни кафолатли тан олиш орқали талабалар алмашинувини самарали йўлга қўйишга ёрдам кўрсатиш эди.

UCTS кредитлар шкаласи худди ECTS ники каби бир академик йил учун 60 кредитни ташкил қилади (семестрда – 30). UCTS кредитлар шкаласи фақат конвертациялаш шкаласи сифатида ишлатилади. У қабул қилувчи ва ўқишга жўнатувчи олий ўқув юртларидаги мавжуд кредитлар тизимини (ёки ўқув юкламасини ўлчашнинг бошқа турларини) алмаштириш учун мўлжалланмаган.

UCTS тизими, академик йил учун 60 кредит ва ECTS баҳолаш шкаласи жорий этилганлиги сабабли ECTS моделига асосланган бўлиб, у ECTS моделининг соддалаштирилган варианты ҳисобланади. UCTS тизими институтлар ўртасида фақат талабаларнинг юкламалари ва баҳоларини тан олиш ва ўтказиш мақсадида ишлаб чиқилган, у муайян институтдаги мавжуд тизимни алмаштиришни назарда тутмайди. UCTS тизимида факультет вакили фақат UCTS дан фойдаланиш бўйича умумий тавсиялар беради ва олий ўқув юртлари ўртасида мулоқот юритувчи шахс ҳисобланади. Талабанинг ўзи шахсий хорижий таълим дастурини тузади. Талаба дастурни тузиб бўлганидан сўнг ўқишга жўнатувчи ва қабул қилувчи институтлар муайян дастурдаги фанларни ўрганиш учун талабага бериладиган кредитларга нисбатан ўзларининг розиликларини маълум қилишади.

UMAP талабалар алмашинуви шартлари батафсил ифодаланган икки томонлама келишувларни тузишда университетларга ёрдам беради ва уларни қўллаб-қувватлайди.

Худди ECTS даги каби UCTS да ҳам, асосий мақсад талабанинг хорижда олган кредитларини ўқишга жўнатувчи институт томонидан қайта қабул қилинишини кафолатлаш ва шу орқали UMAP нинг самарасини ошириш ҳамда талабаларнинг мобиллигини оширишга қаратилган.

Япония синов бирликлари тизими американинг USCS тизими асосига қурилган бўлиб, унинг фақат битта фарқли жиҳати – “кредит-соат” тушунчаси “синов бирликлари” (units) атамаси билан алмаштирилганлигидир. Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ нинг бир нечта университетлари, хусусан Массачусет техника университети ҳам ушбу атамадан фойдаланади. Япониялик талаба бакалавр даражасини олиши учун университетда 4 йил ўқиши керак, ундан 2 йили – кенг умумтаълим тайёргарлик, кейинги 2 йил –

мутахассислик бўйича таълим. Фанлар мажбурий ва танлов фанларига бўлинади.

Шундай қилиб, Японияда бир синов бирлиги талаба семестр давомида бирор фанни ҳар ҳафтада бир соат ўқишини ва бакалавр даражасини олиши учун 146 синов бирлиги тўплаши зарурлигини англатади.

Японияда олий таълимдан кейинги таълим икки босқичдан иборат: "master course" – 2 йил давом этади ва магистрлик даражасини олиш билан якунланади ва "doctor course" – 3 йил давом этади ва доктор даражасини олиш билан якунланади.

Магистр даражасини олиш учун талаба 30 синов бирлиги тўплаши (бунда танлов фанлари илмий раҳбар билан келишиб олинади) ва диплом ишини ёзиши керак. Докторлик даражасини олиши учун магистрлик даражасини олгандан сўнг 3 йил давомида илмий раҳбари назоратида илмий иш билан шуғулланиши, битирув имтиҳонларини топшириши ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши зарур.

Хитой таълим тизимини Чинхуа университети, Пекин давлат университети, Пекин техника университети, Жилиан университетлари мисолида ўрганиш шуни кўрсатадики, Хитой Халқ Республикасида Америка таълим тизимига ўхшаш уч даражали таълим тизими қабул қилинган. Бакалавр даражасини олиш учун 120 кредитни, магистр даражасини олиш учун – 30-60 кредитни қўлга киритиш керак. Ўқув йили икки семестрга ажратилган ва 1-сентябрдан бошланади. Бироқ, семестр давомийлиги Америка тизимидан фарқ қилиб 20 ҳафтани ташкил қилади. Университетларда ўқиш 4-5 йил, табиёт университетларида – 7-8 йил ва касбий-техник мактабларда – 2-3 йилни ташкил этади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилганлардан кўриш мумкинки, нафақат давлатларнинг таълим тизимларида, балки “кредит” атамасини тушуниш ва уни талқин қилишда ҳам сезиларли фарқлар мавжуд. Агар Европа кредити ўз ҳажми бўйича барча аудиториядаги контакт соатларни ва ундан ташқаридаги соатларни акс этгирса, Америка кредит соати қатъий равишда фақат аудиториядаги контакт соатларни ўзида ифодалайди ва талаба икки баробар кўпроқ мустақил шуғулланишини, шу жумладан ўқитувчи раҳбарлиги остида ҳам мустақил шуғулланишини назарда тутади.

Европа кредитларида доим талаба қанча вақт аудиторияда шуғулланиши ҳақидаги масала очиқ қолади, ва бу рақам фан, ўқитувчи ёки университетга қараб ўзгариши мумкин. 2004 йилнинг апрелида Ednet таълим тармоғи томонидан ўтказилган “Таълим бозорини глобаллаштириш: Марказий Осиё университетлари реформалари” мавзусидаги 4-Халқаро анжуманда 1 ECTS кредити - аудитория машғулоти, коллоквиумлар, анжуманлар, кутубхоналардаги баҳс-мунозаралар, ташқи тадбирлар ва шу қабида қатнашишни, яъни барча турдаги контакт машғулотларини ҳам ҳисобга олган ҳолда 24-36 иш соатларига тенг деган хулосага келинган. ECTS тизимида тахминан 60 кредит – бир академик йил, 30 кредит – бир семестр, 20 кредит – бир триместрдаги таълимга мос келади. Америка кредити (бир семестрда

аудиториядаги 12-18 соат машғулотга тенг) билан таққослаш учун айтиш мумкинки, Европа давлатларида талабалар тахминан худди шунча миқдорда аудиторияда шуғулланишади, қолган вақтни ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил иш деб ҳисоблаш мумкин. ECTS кредит – фаннинг ўқув юктамаларини ўзлаштириш учун меҳнат сарфини ифодалайди, иш соатлари деганда эса – барча турдаги контакт соатлар тушунилади, деб айтиш мумкин.

Кредит тизимларининг юзага келган кенг қамровли диверсификацияси шароитида ECTS тизими кўп миллатли Европа анъаналарини инобатга олган ҳолда турли таълим тизимларини яқинлаштиради. Ўзбекистонда кредит таълим тизимига асосланган миллий моделни ишлаб чиқишда, Европа ECTS кредити ва Америка кредит соатлари тизимларининг ютуқларини инобатга олган ҳолда юқори таълим сифатини ва дунё таълим жараёнларига интеграциялашиш учун ишончли асосни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган дунё таълим тизимлари таҳлилидан келиб чиқиб Америка кредитлари (USCS) ни Европа (ECTS) ва Осиё-Тинч Океани (UCTS) кредитларига айлантириш анча осон: 1 Америка кредит-соати = 1 Хитой кредити = 1 Япон синов бирлиги = 2 Европа кредити = 2 Осиё-Тинч Океани кредити = 4 Британия кредити.

Кредит таълим тизимини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дунёнинг турли давлатларида у ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга қарамасдан, кредит таълим тизимининг самараси ва мақсадга мувофиқлиги унинг кўплаб дунё давлатлари таълим тизимларида кўпроқ тарқалганлиги билан асосланилади, чунки таълим дастурларининг талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши ижодий фаолликни ва билим олишга ўзини сафарбар қилишга, охир-оқибат таълим сифатини оширишга имкон беради.

2-боб. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш

2.1. Ўқув жараёнини режалаштириш

Олий мактабдаги ўқув жараёни олий малакали мутахассисни тайёрлашдаги ташкилий, бошқарув, билиш фаолиятини ривожлантириш каби кўп қирраларни ўз ичига олувчи мураккаб жараёндир.

Ўқув жараёни асосан ўқув машғулоти ва назорат жараёнларидан ташкил топган. Ўқув машғулоти барча турдаги академик машғулотларни, талабаларнинг мустақил таълими ва малакавий амалиётларни ўз ичига олади. Назорат жараёнлари талабаларнинг таълим дастурини қай даражада ўзлаштирганлигини кўрсатади.

Ўқув жараёнини режалаштириш олий ўқув юртининг ўқув фаолиятини бошқаришда муҳим элементларидан бири ҳисобланади. У қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- дастлаб ўқув йили давомидаги асосий ўқув жараёнлари ва уларни амалга ошириш муддатлари ақс эттирилган академик тақвим тузилади;

- намунавий ўқув режага қўшимча равишда танлов фанларининг рўйхати шакллантирилади;

- намунавий ўқув режа ва танлов фанлари рўйхатига мос равишда эдвайзерлар ёрдами билан, Регистратор Офиси ва декан назорати остида ҳар бир талабанинг шахсий ўқув режаси шакллантирилади;

- ишчи ўқув режалари тузилади;

- фанларнинг ишчи ўқув дастурлари (syllabus) ишлаб чиқилади;

- йўналиш ва мутахассисликларнинг ишчи ўқув режаларига мос равишда кафедраларнинг ўқув юкламалари режалаштирилади ва профессор-ўқитувчиларнинг штат жадвали ҳамда уларга тақсимланган кредитлар тасдиқланади;

- академик потоклар ва гуруҳлар кесимида дарс жадваллари тузилади.

Бакалаврият намунавий ўқув режалари 4 та блокдан иборат бўлади:

1) табиий-илмий ва гуманитар фанлар блоки;

2) умумқасбий фанлар блоки;

3) ихтисослик фанлари блоки;

4) қўшимча фанлар блоки.

Магистратура намунавий ўқув режалари 2 та асосий блокдан иборат бўлади:

1) умумметодологик фанлар блоки;

2) мутахассислик фанлари блоки.

Фан блокларидаги фанлар мажбурий ва танлов фанлари бўлиши мумкин. Мажбурий фанларга малака талабларида келтирилган, ўзлаштирилиши шарт бўлган фанлар киради. Танлов фанларига кадрлар буюртмачилари талаби билан олий ўқув юрти томонидан таклиф этиладиган фанлар киради.

Намунавий ўқув режаларда мажбурий ўзлаштириладиган фанлар уларга ажратилган кредитлар билан бирга келтирилади. Танлов фанлари бўйича кредитлар олий ўқув юртлари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Йўналиш ва мутахассисликнинг ишчи ўқув режалари харажатларни оптималлаштириш мақсадида энг кўп талабалар контингентининг шахсий ўқув режаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади. Ишчи ўқув режаларининг талабаларнинг келгусидаги касбий фаолиятини тўлароқ қамраб олган ҳолда катта контингентга мослаштирилиши, ўқув жараёнининг самарасини оширади.

Кредит таълим тизимида ўқув ишлари ҳажми ўқитиладиган материал ҳажми бўйича аниқланади ва кредитларда ўлчанади.

Кредит – ўқув ишлари ҳажминининг ўлчов бирлиги бўлиб, 30 академик соатга тенг бўлиши мумкин (15 ҳафталик семестрда). Бунда аудитория ва мустақил таълим соатлари бакалаврият ва магистратурада – 1:1 нисбатда бўлиши мумкин.

Ҳар бир фаннинг ҳажми бутун сонли кредитлар билан ифодаланади. Ўрта ҳисобда фанлар сони 40 тадан ошмаслиги шarti билан битта фанга ўртача $240/40=6$ кредит ажратилиши мумкин, фанлар учун кредитлар ундан кам ёки кўп ҳам бўлиши мумкин.

Ишчи ўқув режаларида аудитория машғулотларининг нисбатлари (маъруза, амалий, лаборатория машғулотлари ва ҳ.к.) фаннинг ўқитилиш усулларида келиб чиққан ҳолда олий ўқув юртининг илмий-услубий кенгаши томонидан комиссиялар хулосасига кўра белгиланади.

Ўқув режасининг ҳар бир фани ўзига хос бетакрор номга эга бўлиши лозим. Ўқув режасида ҳар бир фанга ҳарfli ва рақамли ягона кодлаш тизимини қўллаш лозим. Бунда фаннинг коди унинг номига мос бир нечта лотин ҳарфи ва тартибини ифодаловчи рақамларидан иборат бўлиши ва ҳарfli кодини белгилашда халқаро номланишдан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Масалан, MATS203 коди 2-курсада ўқитиладиган математиканинг учинчи мураккаб бўлимини (“Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”) англатади. Магистратурада ўқитиладиган “Илмий-тадқиқот методологияси” фани RESM101 коди билан белгиланиши мумкин.

Бакалавриятда фанлар сони камроқ ва йирик ҳажмли бўлиши мақсадга мувофиқ. Ўқув режадаги мажбурий ва танлов фанлари улушини белгилашда мутахассиснинг тайёргарлик даражасига бўлган талаблар, фанлар мазмуни ва таълим натижалари, фанлар тузилмаси ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва унификацияланиш даражаси ҳамда халқаро тажрибалардан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Барча турдаги амалиётлар ва диплом ишлари, қўшимча фанлар таълим дастури доирасида амалга оширилади ва умумий кредитлар ҳисобига киритилади. Бунда битирув семестрида амалиётлар учун 15 кредит ва битирув ишини бажариш учун 15 кредит ажратилиши мақсадга мувофиқ. Жисмоний тарбия фани қўшимча фанлар ҳисобидан, спорт секцияларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Умумий ҳафталик юклама бакалавриятда 60 соатни ташкил этади, ундан 30 соати аудиторияда ва 30 соати талабанинг мустақил таълимига ажратилади, шу жумладан 8-14 соати ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишига ажратилиши мақсадга мувофиқ.

1-жадвалга мувофиқ талабанинг вақт бюджети қуйидагича бўлади: назарий таълим – $240 \times 30 = 7200$ соат, шу жумладан аудиторияда – $15 \times 240 = 3600$ соат ва мустақил таълим шаклида шуғулланиш учун – $15 \times 240 = 3600$ соат кўзда тутилади.

Бундан кўриш мумкинки, талабанинг семестрдаги ўқув юкламаси аудитория ва мустақил таълим юкламаларининг 1:1 нисбатдаги йиғиндиси сифатида 30 кредитни ташкил қилади ($240 \text{ кредит} : 8 \text{ семестр} = 30 \text{ кредит}$).

Кредит таълим тизими жорий ўқув йили учун профессор-ўқитувчиларнинг ҳамда талабаларнинг шахсий таълим траекториясидаги ўқув фаолиятларини режалаштиришни назарда тутди.

Ҳар қандай ўқув жараёни асосида талабанинг шахсий ўқув режаси ётади, у ўқув жараёнлари бошланишидан олдин талаба томонидан эдвайзернинг маслаҳати билан тузилади. Уни тузиш учун намунавий ўқув режаси асос бўлади, унинг таркибига малака талабларида кўрсатилган мажбурий фанлар ва танлов фанлари киради.

Шахсий ўқув режаларида меҳнат бозорининг эҳтиёжлари, иш берувчиларнинг талаблари ва талабаларнинг қизиқишлари акс эттирилиши лозим. Шу билан бирга улар бакалаврларнинг меҳнат бозорида эркин мўлжал олишлари ва келгусида таълимни давом эттиришлари учун умумий саводхонликнинг, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув, умумилмий, касбий ва ихтисослик малакаларининг шаклланишига ёрдам беради. Шунга кўра, олий ўқув юртларининг аниқ йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича шахсий ўқув режаларини тузишда талабаларга давлат таълим стандартлари ва малака талабларида белгиланган касбий малакаларни тўлиқ эгаллашга имкон берадиган фанлар рўйхати тавсия қилинади. Масалан, техник йўналишдаги бакалаврларни касбга тайёрлашда уларнинг табиий-илмий фанлар, ахборот технологиялари, муҳандислик графикаси фанларида ўқитиладиган умумтехник билимларини олиши назарда тутилади. Шунга кўра, умумтаълим фанлари блокининг танлов қисмига касбий фаолият учун асос бўладиган фанларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Ишчи ўқув режалар барча талабаларнинг тасдиқланган шахсий ўқув режалари асосида тузилади. Бунда талабаларнинг онгли равишда ёндашиши учун шароитлар яратиш жуда муҳим. Бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлик даражаси талабаларнинг таълим траекторияси қанчалик пухта ўйланганлиги ва мукамаллигига боғлиқ. Шу сабабли, олий ўқув юртлари ўз ташкилий тузилмасида эдвайзерлар хизматини йўлга қўйишлари зарур бўлади. Эдвайзерлар сифатида талабаларнинг шахсий ўқув режаларини шакллантириш лаёқатига эга бўлган, мутахассислик кафедраларининг тажрибали ўқитувчилари ҳамда ўриндош сифатида фаолият кўрсатаётган корхона мутахассислари фаолият юритишлари мумкин.

Талаба ўзининг шахсий ўқув режасини шакллантиришда ҳар бир семестр учун 30 кредит ҳажмдаги фанларни ўзлаштиришни кўзда тутиши лозим, улар таркибида намунавий ўқув режасидаги мажбурий фанлар бўлиши шарт.

Булардан ташқари, талаба фан ўқитувчиларини танлаш ҳуқуқига ҳам эга. Талабаларга ўқитувчиларнинг илмий даражаси, лавозими ҳақида маълумотлар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқилган ўқув-меъёрий ҳужжатлар тақдим этилиши зарур бўлади. Талабаларнинг ўқитувчини танлашига шароит яратиш мақсадида ўқув семестрининг дастлабки ҳафтасида фанни ўқитишга талабгор ўқитувчиларнинг очиқ дарслари ўтказилади, бу ўқитувчиларнинг дарслари турли вақтларга режалаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Олий ўқув юртининг ва кафедраларнинг ўқув юкламаларини режалаштириш ўқув фаолиятининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ўқув ишларини режалаштиришдан олдин педагогик юклама меъёрлари тасдиқланган бўлиши зарур. Ҳозирги кунда педагогик юклама меъёрлари олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия қилинмоқда. Ҳозирги глобаллашув ва олий таълимдаги ислохотлар муҳитида олий ўқув юртларининг рейтингини белгиловчи қатор омиллар кун тартибига кўйилмоқда. Шундай экан, ҳар бир олий ўқув юрти уларни инобатга олган ҳолда ўз рейтингини ошириш ҳамда ўқув жараёнини замонавий шаклда ташкил этиш нуктаи-назаридан педагогик юклама меъёрларига тузатишлар киритиши мақсадга мувофиқдир. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртларига бундай имкониятларнинг берилиши педагоглар фаолиятининг самарали бўлишини ҳамда олий таълим муассасалари рейтингининг ошишига мустаҳкам замин яратади.

Олий ўқув юрти кесимида кафедра ўқув юкламалари ва штатлар жадвалини режалаштиришни бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ишчи ўқув режалари асосида амалга ошириш лозим. Бунда ўқув юкламалари ҳисоби кредитлар бўйича амалга оширилади.

Кредит таълим тизими шароитида ўқув юкламаларини режалаштириш академик потоклар сони ва уларнинг сифимига ҳам боғлиқ. Кредит таълим тизимида академик потоклар ва гуруҳлар фанларга ёзилган талабалар контингентидан келиб чиқиб шакллантирилади. Бунда ўқув семестрининг дастлабки ҳафтасида фанни ўқишга тавсия этилган барча номзодлар томонидан талабаларнинг ихтиёрий қатнашиши асосида машғулотлар олиб борилади ва бу жараён талабаларнинг ўзи танлаган ўқитувчининг фанига ёзилиши билан якунланади. Кейинги ҳафтадан бошлаб академик потоклар ва гуруҳлар талаба танлови асосида шакллантирилади.

Академик потоклар ва гуруҳлар сонини аниқлаш учун олий ўқув юрти фанларнинг маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари бўйича талабалар сонининг рухсат этилган чегараларини олдиндан белгилаб олиши лозим.

Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар штати ўқув юклама турларига боғлиқ бўлади. Барча ўқитувчилик лавозимлари кредит таълим тизимида ўтилиши муносабати билан профессор-доцент-ассистент иерархияси

кайта кўриб чиқилиши лозим. Қоидага кўра профессор ёки доцент – лекторлик, ассистентлар – тьюторлик қилишлари мумкин. Бунда лекторлик ва тьюторлик штатлари маъруза ва бошқа турдаги машғулотларнинг нисбатидан келиб чиқиб аниқланади.

Олий ўқув юрти бўйича жами ўқув юкламалари ҳажмининг профессор-ўқитувчилар сонига нисбати битта профессор-ўқитувчи учун тўғри келадиган ўртача юкламани белгилайди. Олий ўқув юрти кафедраларининг профессор-ўқитувчилари штатлари сони, анъанага кўра, ўқув юкламасини битта профессор-ўқитувчи учун тўғри келадиган ўртача юклагама бўлиш ва натижани 0,25 га яхлитлаш орқали аниқланади.

Кафедра профессор-ўқитувчисининг ўртача юкламаси профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент лавозимлари бўйича дифференциал тарзда тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг кафедралар берилган юкламалардан келиб чиққан ҳолда профессор-ўқитувчилар таркиби режалаштиришни ва педагогларга тақсимлашни бошлашади. Бунда бир семестрда тўлиқ штатдаги битта ўқитувчига тўғри келадиган фанлар сони мутахассислик кафедраларида 3-6 бўлиши тавсия этилади.

Ўқитувчиларнинг умумий педагогик юкламасига барча турдаги аудитория юкламалари (маъруза, амалий, лаборатория ва ҳ.к.), ўқитувчи раҳбарлигидаги талабаларнинг мустақил иш турлари (ҳисоб ишлари, курс ишлари, битирув ишлари, магистрларнинг илмий-педагогик фаолиятига ва магистрлик диссертацияларига раҳбарлик ва ш.к.), малакавий амалиётлар ва бошқалар кирази.

Академик йилни режалаштириш жараёни дарс жадвалларини тузиш билан яқунланади, уларнинг нусхалари ўқитувчи ва талабаларга тарқатилади. Дарс жадвалларини тузишда ўқитувчи ва талабаларнинг юкламалари ҳафта давомида бир текисда тақсимланиши тавсия этилади.

2.2. Ўқув жараёнини ташкил этиш

Ўқув жараёни тасдиқланган ўқув режалари, академик тақвим, профессор-ўқитувчилар штатлари жадвали, академик поток ва гуруҳлар, дарслар жадвали ва талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил ишлари асосида ташкил қилинади. Ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича барча маълумотлар факультет ва кафедраларнинг ойналарига, ҳамда олий ўқув юртининг сайтыга жойланади.

Кредит таълим тизимида фаолият юритаётган олий ўқув юрти ўз талабаларига Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари доирасида мутахассислик фанларини ўзлаштиришлари ҳамда ўқишни муваффақиятли яқунлаб академик даража олишлари учун максимал даражада қулай шароитлар яратиши лозим. Бунда олий ўқув юрти ўқув жараёнининг услубий таъминоти учун жавобгар ҳисобланади.

Шу мақсадда қуйидагилар ишлаб чиқилади:

- 1) ҳар бир талаба учун маълумотнома-йўриқнома;
- 2) ҳар бир фан бўйича силлабуслар (ишчи ўқув дастурлари);

3) фанлар бўйича аудитория машғулоти учун ўқув материаллари (маъруза матнлари, амалий ва лаборатория машғулоти баёни, интерфаол тарқатма материаллар, мультимедиа иловалари ва ҳ.к.);

4) талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигидаги мустақил таълими учун материаллар (уй вазифалари ва топшириқлари, ўз-ўзини баҳолаш учун назорат материаллари, реферат ва курс ишлари (лойиҳалари) мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий материаллар, электрон ўқув материаллари);

5) билимларни текшириш учун материаллар (ёзма назорат топшириқлари, ёзма ва электрон тестлар, имтиҳон билетлари);

б) малакавий амалиётларда қўлланиладиган материаллар (амалиёт ўтказиш режалари ва дастурлари, кундаликлар, ҳисобот ҳужжатлари шакллари);

7) талабаларнинг мустақил иши учун материаллар (дайжестлар, кўп сўраладиган савол-жавоблар банки (FAQ), ўргатувчи дастурлар, масофавий таълим платформаси ва форумлар).

Талабаларнинг фанларга ёзилишини (ўқитувчиларни танлашини) ташкил қилиш ўқув жараёнининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бунинг учун талабалар декан назоратида ва эдвайзер маслаҳатчилигида фанларни танлашади. Ўқув семестрининг биринчи ҳафтасида эса ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф буюриш, таҳлил қилиш орқали уларни танлашади.

Регистратор офиси (РО) томонидан талабаларни фанларга ёзиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Ўқишга янги кирган талаба ўқув машғулоти бошланишидан олдин август ойида деканатдан 1-курс учун ишчи ўқув режасини олади. Эдвайзер билан маслаҳатлашиб фанларни танлаб олгач у ўқишнинг биринчи ҳафтаси давомида ўзи танлаган фанларга ёзилади, ўзининг академик йил учун шахсий ўқув режасини шакллантиради ва фан ўқитувчиларининг дарсларига ташриф буюриш орқали улар билан танишади, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олади ва ўзига маъқул бўлган фан ўқитувчиларини танлайди. Шундан сўнг шахсий ўқув режасини жорий ўқув йили учун ўзгартиришга рухсат этилмайди.

2. Кузги семестрнинг ноябрь ва баҳорги семестрнинг апрель ойининг биринчи ҳафтасида талабалар кейинги семестр учун фанларни танлашади ва шахсий иш режаларига тузатиш киритишади. Тузатиш киритилган шахсий ўқув режа талаба томонидан имзоланади ва РО га топширилади.

3. РО деканатлар билан келишган ҳолда фанлар бўйича ўқийдиган талабаларнинг энг кам сонини, ҳар бир ўқитувчи учун эса – академик потокда (гуруҳда) ўқийдиган талабаларнинг максимал сонини белгилайди.

4. Агар бирор танлов фанига белгиланганидан кам миқдордаги талабалар ёзилган бўлса, бу фан очилмайди ва у ишчи ўқув режасига киритилмайди. РО бу ҳақда бир ҳафта муддатда ахборот ойнасига ва олий ўқув юртининг сайтидаги факультет саҳифасига эълон чиқаради. Бекор қилинган танлов фанига ёзилган талаба эълон чиққанидан сўнг бир ҳафта муддатда фанларни қайта танлаши ва РО га шахсий ўқув режасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида ариза бериши керак.

6. Агар фанга ёзилган талабалар сони белгиланган чегарадан ошиб кетадиган бўлса, деканат иккинчи академик потокни шакллантиради ва ўз хоёиши бўйича тегишли малакага эга бўлган ўқитувчиларни тайинлайди. Талабалар академик потокларга (гуруҳларга) ёзилиш навбати бўйича қайд қилинадилар. Бундан кўринадики, талаба бутун ўқиш даври давомида битта академик потокда ёки гуруҳда эмас, ўз танлови бўйича турли академик поток ва гуруҳларда таълим олиши мумкин.

7. Ўқув йилини ёки ўқув семестрини муваффақиятли якунлаган талаба белгиланган вақтда РО га ўзининг шахсий иш режасини топширмаган бўлса, унга курс бўйича тасдиқланган ишчи ўқув режаси асос қилиб олинади.

Фанларга ёзилиш тугаганидан сўнг факультет декани томонидан талабаларнинг шахсий иш режалари тасдиқланади ва ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий ўқув йили ёки ўқув семестри бўйича ўқув юктамалари ва таълим харажатларини ҳисоблаш учун асос қилиб олинади.

Биринчи курс талабаларининг янги таълим тизимига тезроқ мослашишлари учун 15-25 август кунлари РО, эдвайзерлар ва АРМ ходимлари томонидан тегишли ташкилий-услубий ва маслаҳат ишларини ташкил қилиниши тавсия этилади.

Талаба шахсий таълим траекториясини шакллантиришида ва танлов фанларига ёзилишида, ушбу фанга асос бўладиган фанларни ўқиганлиги (пререквизитлар) ҳисобга олинади, акс ҳолда талаба бу фанни танлаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Талаба ўзи танлаётган фан келгусида қайси фанлар (постреквизитлар) учун асос бўлишини билиши ҳам жуда муҳим.

Ёзги семестр кредит таълим тизими шароитида ўқув режасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У талабанинг ташаббуси билан кўшимча билим олиш, академик қарзларни топшириш, таълим дастуридаги фарқларни йўқотиш мақсадида пуллик асосда ташкил қилинади.

Ёзги семестрнинг давомийлиги академик тақвим асосида йўналишлар, мутахассисликлар ва курслар кесимида белгиланади.

Ёзги семестрда ўқишга қуйидаги ҳолатларда рухсат этилади:

- “яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқиётган талабалар (кўшимча билим олиш мақсадида);

- рейтинг-назорат натижалари бўйича имтихонга қўйилмаган талабалар (фанни тўлиқ ўзлаштириши учун);

- олдинги академик даврлар бўйича академик қарзи мавжуд талабалар (академик қарзини топширишлари учун);

- ўқишга тикланаётган, ўқишини кўчираётган ва академик таътилдан қайтган талабалар (фанлар бўйича фарқларни йўқотишлари учун).

Ёзги семестрда ўқишга рухсат беришда РО талабаларнинг GPA даражасини инобатга олиши шарт. Масалан, 3 ва ундан юқори GPA (B) – 4 тагача фанни, 2,0-3 GPA даражаси – 3 тагача фанни ўқишга рухсат беради.

Ёзги семестр қуйидаги регламент асосида ташкил қилинади:

- талаба ёзги семестр бошланишигача РО га ўзининг ёзги семестрда ўқиши сабабларини ва қизиқишларини кўрсатиб ариза билан мурожаат қилади;

- РО талабаларнинг аризаларини кўриб чиқади;

- РО баҳорги сессия якунида талабаларни ёзги семестрга қабул қилиш ҳақида қарор чиқаради;

- РО ёзги семестр учун дарс жадвалини тузади ва талаба тўлов пулини тўлаганидан сўнг уни ўқув ишлари проректорига тасдиқлатиш учун тақдим этади. Дарс жадвали ёзги семестрга жалб қилинган лектор ва тьюторларнинг бўш вақтига қараб тузилади;

- ёзги семестр амалдаги баҳолаш тизими ва талабаларнинг мустақил баҳоланиши тамойилига кўра ташкил қилинади; ўқув режасидан ташқари, талабаларнинг қизиқишлари асосида ташкил қилинган фанлар бўйича якуний баҳолашларни ёзги семестрда дарс олиб борган лектор ва тьюторлар амалга оширишлари мумкин;

- РО ёзги семестр учун тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади.

Йўналиш ва мутахассисликлар ўқув режалари фанлари бўйича ёзги семестрда ўзлаштирилган имтиҳон натижалари кейинги ўқув йили учун GPA даражасини белгилайди.

2.3. Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этиш

Талабаларнинг мустақил иши (ТМИ) – бу талабанинг ўзига хос ўқув фаолияти бўлиб, у дидактик топшириқларни мустақил равишда бажаришга, ўқишга қизиқтиришга ва муайян фан соҳасида билимларни оширишга йўналтирилган. ТМИ мазмуни мантикий фикрлашни, ижодий фаолликни, ўқув материални ўзлаштиришда тадқиқотчилик ёндашувини шакллантиришга имкон берувчи амалий топшириқларни бажариш билан боғлиқ бўлади.

Одатда ТМИ талабанинг тўла мустақил фаолияти билан биргаликда аудиториядан ташқарида бажариладиган ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишини (ЎРТМИ) ҳам ўз ичига олади.

Кундузги таълим шаклида бакалавриятда ТМИ нинг умумий соатлари фан ҳажмининг ярмини ташкил этади ва унинг ҳам деярли ярми ЎРТМИ га ажратилади. Сиртқи таълимда ТМИ ҳажми фан ҳажмининг 4/5 қисмини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

ЎРТМИ юкламаси ўқитувчининг юкламасига тўлалигича кирмайди, бироқ контакт машғулотлар учун ўқитувчига алоҳида юклама белгиланади (ҳисоб-чизма иши, курс иши, курс лойиҳаси, битирув иши, магистрлик диссертацияси, илмий изланувчига раҳбарлик, таянч докторантга раҳбарлик ва ҳ.к.).

ТМИ ни ташкил қилиш олий ўқув юртининг асосий меъёрий ҳужжатлари, жумладан ишчи ўқув дастурлари (силлабус), фан модулларини мустақил ўрганиш бўйича талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилади.

ТМИ қуйидаги шаклларда жорий этилиши мумкин:

- талабанинг бевосита ўзи томонидан (мобил қурилмаси орқали) амалга ошириладиган мустақил иш турлари;

- анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши;

- электрон шаклдаги (мобил қурилмаси орқали) ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши.

Талабанинг бевосита ўзи томонидан мобил қурилмаси орқали амалга ошириладиган мустақил иш турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- дарсга тайёрланиш – маъруза матнлари, водкастлар, видео материаллар, амалий машғулотлар ва лаборатория ишлари баёнларини ўрганиш;

- ахборот излаш – ўз қизиқишларидан келиб чиқиб тақдим қилинган дайжест орқали интернет материалларини ўрганиш;

- FAQ (кўп сўраладиган саволлар) – ўзини қизиқтирган муаммоларга ўргатувчи дастурлар воситасида жавоб излаш;

- Forum – фан мавзулари бўйича телеграм каналлари ёки масофавий таълим платформаларида фикр алмашиш;

- Тест ечиш – ўргатувчи тест дастурларида машқ қилиш орқали фан модулига оид материалларни мустаҳкамлаш;

- Назорат ишига тайёрланиш – фан бўйича кутилаётган оралик ва якуний назоратларга тайёргарлик кўриш.

Анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари (ЎРТМИ):

- масала ечиш – амалий машғулот мавзуси бўйича берилган масалаларни ечиш ва уни ёзма тарзда тақдим қилиш;

- реферат – муаммонинг ёзма баёни, бунда адабий манбалар шарҳланади ёки илмий иш, китоблар таҳлилий баён қилинади;

- коллоквиум – ўқув модулининг назарий қисмининг ўзлаштирилишини текшириш мақсадида суҳбат уюштириш;

- эссе – долзарб мавзу бўйича шахсий фикрини танқид, публицистик ва бошқа жанрларда ёзма баён қилиш;

- тақдимот – берилган мавзу бўйича слайд ва видео материаллар воситасида чиқиш қилиш;

- кейс-стади – ишлаб чиқаришдаги муаммоли вазиятлар бўйича белгиланган шаклдаги топшириқлар бўйича ечим излаш;

- иш ўйинлари – касбий фаолият жараёнларини имитация қилиш, саҳналантириш, ролларни ижро қилиш орқали касбий кўникмалар орттириш;

- глоссарий – берилган мавзу бўйича атамаларни қисқа изоҳлаш.

- гуруҳ лойиҳаси – 3-5 талабанинг ҳамкорликда лойиҳа ишини бажариши;

- ҳисоб-чизма ишлари – одатда техник фанлар (муҳандислик графикаси, электротехника, ахборот технологиялари ва ҳ.к.) бўйича амалга ошириладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган график ва ҳисоб ишлари;

- курс иши – фан ёки фанлар мажмуаси (корхоналар иқтисодиёти, менежмент асослари, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, фуқаро химояси ва ҳ.к.) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида бажариладиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ёзма ва ҳисоб ишлари;

- курс лойиҳаси – фан ёки фанлар мажмуаси (техник механика, технологик жараён ва қурилмалар, мутахассисликка оид лойиҳа ишлари бажариладиган фанлар) муаммолари бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида бажариладиган график чизмалар илова қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисоб ишлари;

- диплом лойиҳаси - мутахассислик фанига оид берилган мавзу бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ёки унинг бўлинмасини лойиҳалашга қаратилган, график чизмалар ва ҳисоб ишлари билан баён қилинадиган белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган лойиҳавий иш;

- амалиёт ҳисоботи – ўтказилган малакавий амалиёт (танишув, ишлаб чиқариш, битирув олди амалиётлари) бўйича белгиланган услубий қўлланмалар асосида ёзиладиган ҳисобот;

- фан тўғаракларида иштирок этиш – талабанинг фан тўғаракларида макет, слайд, намуналар каби кўргазмали материалларни тайёрлаши;

- танловларда иштирок этиш – талабанинг ўқитувчининг илмий раҳбарлиги остида турли танловларда иштирок этиши (“Ёш ихтирочи”, талабалар стартап лойиҳалари ва ҳ.к.);

- фан олимпиадаларида қатнашиш – фанлар бўйича ОТМ лар ўртасида ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этиш (кимё, умумий кимёвий технология, физика, ахборот технологиялари ва ҳ.к.);

- илмий анжуманларда маъруза қилиш – фанга оид илмий тадқиқот мавзуси бўйича ОТМ, Республика ва халқаро миқёсларда ўтказиладиган илмий-техникавий анжуманларда маъруза қилиш;

- илмий тезис ва мақолалар чоп этиш – илмий анжуманларнинг тўпламларида тезислар ва илмий журналларда илмий тадқиқот мавзуси бўйича мақолалар чоп қилиш;

- ўқув-услубий материалларни тайёрлашда иштирок этиш – дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма ва бошқа ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

Электрон шаклдаги ЎРТМИ лар:

- Link – интернет ҳаволасини очиб унда келтирилган видео ёки матн шаклидаги материални белгиланган ҳажмда изоҳлаш;

- Chart – жадвал, диаграмма ва схемаларни чекланган ҳажмда таҳлил қилиш.

- Q/A – масофавий таълим платформасида ўқитувчи томонидан берилган саволларга белгиланган ҳажмда ёзма жавоб бериш;

- Review – тақдим қилинган манбага аннотация ёзиш.

- SWOT – талаба бирор тушунчани чекланган ҳажмда SWOT-таҳлил қилади;

- Interview – муаммони тадқиқ қилиш бўйича суҳбат уюштириш ва уни масофавий таълим платформасига юклаш;
- Google Apps – Google Classroom платформасида ҳамкорликда слайлар, жадваллар, матнлар шаклидаги топшириқларни бажариш;
- Дайжест – берилган мавзу бўйича интернет-ҳаволалар тўпламини келтириш, картотека тузиш ва уларни қисқа изоҳлаш;
- Report – талабалар лаборатория машғулоти бўйича ҳисоботларини масофавий таълим платформасига киритишади.

ЎРТМИ лар уларнинг баёни, мавзулари, топшириқлари, ўтказиш шакллари, соатлар ҳажмини ҳам кўрсатган ҳолда фаннинг силлабусида фан модуллари бўйича келтирилади.

ТМИ мазмуни фаннинг хусусиятидан, олий ўқув юртининг техник имкониятларидан ва кутубхонанинг ўқув-услубий таъминланганидан келиб чиқиб аниқланади.

ТМИ инновацион технологияларга асосланган бўлиши керак. ЎРТМИ нинг аудиториядаги шакли берилган топшириқ доирасида талабаларнинг дарслик ва бирламчи манбалар, гуруҳли топшириқларни бажариш, яқка тартибдаги таҳлилий фаолиятларни кўзда тутати. ЎРТМИ ҳар бир фан бўйича бутун академик ўқиш даврида сана, вақти, аудиторияси ва тьюторларни кўрсатган ҳолда график бўйича ўтказилади. ЎРТМИ доирасидаги машғулотлар маслаҳат ва интерфаол шаклларда бўлиши мумкин, уларнинг нисбати ўрганилаётган фаннинг мураккаблиги, уларни ўрганишга ажратилган аудитория соатлари ҳажми, талабаларнинг тайёргарлик даражаси билан аниқланади.

Яқка тартибда маслаҳат олган талаба, ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳисобга олиш бўйича журналга имзо қўяди. ТМИ нинг сифатини кафедра назорат қилади, бунда ТМИ нинг ҳажми, мазмуни ва ҳисобот турини тасдиқлайди, иш ҳажмини, кетма-кетлигини ва топшириш муддатларини аниқлайди, ТМИ натижалари бўйича талабалар ва ўқитувчиларнинг ҳисоботларини кўриб чиқади.

2.4. Талабаларнинг билимини назорат қилишни ташкил этиш

Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш амалда жорий қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Унга мувофиқ оралиқ назоратда фан бўйича А-С даражасига эришган талабалар якуний назоратга қўйилади.

Талабанинг оралиқ назорат бўйича ўзлаштирган баллари қуйидаги жадвал асосида кредит балларига ва ҳарfli тизимга ўгирилади.

| Ҳарфли тизимдаги баҳо | Балларнинг рақамли эквиваленти | Ҳоиз кўрсаткичи | Анъанавий усулдаги баҳо |
|-----------------------|--------------------------------|-----------------|-------------------------|
| A | 4,0 | 95-100 | Аъло |
| A- | 3,67 | 90-94 | |
| B+ | 3,33 | 85-89 | Яхши |
| B | 3,0 | 80-84 | |
| B- | 2,67 | 75-79 | |
| C+ | 2,33 | 70-74 | |
| C | 2,0 | 65-69 | Қониқарли |
| C- | 1,67 | 60-64 | |
| D+ | 1,33 | 55-59 | Қониқарсиз |
| D | 1,0 | 50-54 | |
| F | 0 | 0-49 | |

Оралиқ назоратлар – бу тьютор томонидан амалий ва лаборатория машғулоти ва улар бўйича мустақил таълим натижалари бўйича ўтказиладиган талабаларнинг билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнларидир. Оралиқ назорат баҳолари тьютор томонидан талабаларнинг аудиториядаги фаоллиги ва ЎРТМИ шакллари (*Office Hours*) бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Фанни ўрганишда талабалар билимни текшириш бўйича турли шаклдаги жорий назоратлар кўзда тутилиши мумкин:

1) оғзаки сўров – бу назорат тури фаннинг бир ёки бир нечта бўлимини ўрганиб бўлинганидан сўнг савол-жавоб ва масалаларнинг муҳокамаси тарзида ўтказилади;

2) ёзма иш – фаннинг алоҳида бўлимлари бўйича қўйилган масалаларни муҳокама қилиш, муаммоларни таҳлил қилиш, амалий топшириқларни бажариш бўйича кўзда тутадиган назорат тури;

3) комбинирланган сўров – бир вақтнинг ўзида ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклдаги назорат турларининг ўтказилиши;

4) уй ишларини ҳимоя қилиш ва тақдимот қилиш – яқка тартибда ва гуруҳли уй ишларининг тўғри бажарилганлигини, талабанинг ўтилган материални умумлаштириш ва уни аудиторияга тақдим қилиш, фан мавзулари бўйича мантиқий боғлиқликни кузатиш кўникмаларига эришганлигини текшириш мақсадида назорат қилиш;

5) баҳс-мунозаралар, тренинглари, думалоқ столлар, кейс-стади ва ҳ.к. – муаммоли характердаги мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмаларини намоиш қилувчи масалаларни гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш;

6) тестлар – фаннинг алоҳида бўлимлари бўйича савол топшириғи кўринишидаги ёзма назорат шакли;

7) курс лойиҳасини, курс ишини бажариш – назарий материални амалий масалаларни ечиш ҳисобига сифатли ўзлаштириш мақсадида намунавий ва ишчи ўқув режаларга мувофиқ равишда кўзда тутилади, ўқув семестри давомида бажарилади. Курс лойиҳасининг (курс ишининг) ҳимояси кафедра мудирини фармойиши билан тасдиқланган комиссия томонидан курс лойиҳаси (иши) бўйича илмий раҳбар иштирокида кафедра мудирини белгиланган жадвал асосида қабул қилинади. Курс лойиҳасини (курс ишини) бажармаган талабалар оралиқ аттестацияларга киритилмайди. Муайян бир фандан курс лойиҳасини (ишини) ҳимоя қилмаган талабага регистратор рухсати билан бошқа фанлардан имтиҳонда қатнашишига рухсат берилади.

Талабаларнинг билимларини оралиқ назорат қилиш тьютор томонидан тасдиқланган жадвал асосида семестрнинг ўртасидаги ва охиридаги ҳафталарда амалга оширилади. Жорий ва оралиқ назоратлар деканатлар ва ўқув бўлими томонидан ташкил қилинади. Баҳолар ҳар бир фан бўйича алоҳида фоиз ҳисобида қўйилади.

Оралиқ назорат натижалари “Ўқитувчининг ишини ҳисобга олиш журнали” ва имтиҳон сессиясигача РО га топшириладиган “Рейтинг қайдномалари” да қайд қилинади.

Рейтинг назоратларидан кейинги 3 кун мобайнида талабалар апелляция ҳуқуқига эга. Апелляцияга ариза шахсан талаба томонидан декан номига топширилади ва кафедранинг фан бўйича апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Биринчи ва иккинчи оралиқ назорат натижалари бўйича 50% дан кам ($P_{\text{ўр}} = (P_1 + P_2) / 2 < 60\%$) натижа кўрсатган, шунингдек, уларда узрли сабаб билан иштирок этмаган талабалар имтиҳон сессияси ўтказилгунга қадар (истисно тариқасида ўқув ишлари проректорининг рухсати билан фан бўйича имтиҳонгача) оралиқ назоратни яқка тартибда топширишлари мумкин.

Сиртқи таълим талабалари учун оралиқ назорат бир марта имтиҳон сессияси даврида фан бўйича имтиҳонгача ўтказилади.

Кундузги таълимда якуний назоратга (имтиҳон сессиясига) икки ҳафта ажратилади. Дарс жадваллари РО томонидан тузилади. Талабаларга комплекс имтиҳонларга тайёрланиш учун камида 3 кун ажратилади.

Барча фанлар бўйича якуний назорат - имтиҳонлар ўтказилади. Имтиҳон ёзма, оғзаки, компьютерда тест ва бошқа замонавий, шаффоф ва адолатли шаклларида (портфолио, ижодий иш, антиплагиат, тақдимот ва ҳ.к.) ташкил этилиши мумкин. Талабаларга имтиҳон топшириш учун имтиҳон тилини (ўзбек, рус ёки инглиз) танлаш имкони берилади. Мантиқий боғлиқ бўлган 2-3 фандан комплекс имтиҳонлар ўтказилиши мумкин.

Ўқитувчилар имтиҳонга тест топшириқлари, ёзма ва оғзаки имтиҳон учун саволларни тайёрлаб қўйишлари лозим бўлади.

Ёзма ёки оғзаки имтиҳонлар учун вариантлар сони академик гуруҳдаги талабалар сонига қараб шакллантирилади, бунда ҳар бир вариантда 3 та назарий савол ёки 2 та назарий савол ва битта масала ёки 1 та назарий савол ва 2 та масала бўлиши мумкин.

Имтиҳон қайдномалари имтиҳон сессияси бошида РО томонидан талабаларга рухсат берилишини қайд қилиш ва комиссияга топшириш учун деканатларга тақдим этилади.

Компьютерда тест ўтказишда вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида имтиҳон топширувчига ҳар бир фандан 20 та савол тақдим этилиши тавсия этилади. Тест ўтказиш жараёнида РО вакили иштирок этади. Зарурат бўлганда фан ўқитувчиси тақлиф этилиши мумкин.

Ёзма ёки оғзаки имтиҳон ҳар бир фан бўйича алоҳида билетлар тузилган билетлар ёрдамида ўтказилиши мумкин. Ёзма имтиҳоннинг умумий вақти 3 соатдан ошмаслиги зарур.

Имтиҳонни ташкил қилиш ва ўтказиш масъулияти РО вакилига юклатилади. Ёзма имтиҳон тугаши билан РО вакили жавобларни шифрлайди ва комиссияга текшириш учун тақдим этади. Ёзма ишларни текшириш имтиҳон ўтказилган кунда яқунланиши шарт (агар 2 тадан ортиқ гуруҳдан имтиҳон олинган бўлса, кейинги кунга ҳам ўтказиш мумкин). Имтиҳон натижалари “Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” га қайд қилинади ва фан ўқитувчиси томонидан талабалар эътиборига етказилади. “Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” РО га тақдим қилинади.

Ёзма, оғзаки ёки компьютердаги тест натижалари бўйича апелляция учун талабаларнинг РО регистратори номига шахсий аризалари имтиҳон натижалари эълон қилингандан кейинги 3 кун мобайнида қабул қилинади. Апелляция учун аризалар РО да қайд қилинади, унда апелляция қилинадиган муаммо моҳияти кўрсатилади. Апелляция оғзаки шаклда кафедранинг фан апелляция комиссияси томонидан ўтказилади.

“Апелляциясиз имтиҳон қайдномаси” ва “Апелляцияли имтиҳон қайдномаси” комиссия раиси ва аъзолари, РО вакили томонидан имзоланади ва РО га тақдим этилади.

Агар талаба имтиҳонда қониқарсиз баҳо (F) олса, ҳисоб амалга оширилмайди ва қайдномага F ёзилади.

Ёзги имтиҳон сессияси ўтказувчи характерга эга ҳисобланади ва кейинги курсга ўтиш учун сессияни ижобий баҳоларга топшириш етарли бўлмайди. Курдан курсга ўтказувчи ўртача GPA (Grate Point Average) бали олий ўқув юрти томонидан мустақил равишда белгиланади. GPA нинг қиймати иккинчи курсга ўтиш учун – камида 2,0, учинчи курсга – камида 2,25-2,5, тўртинчи курсга – камида 2,5-3,0 бўлиши тавсия этилади.

Талабанинг бутун ўқиш даври учун GPA бали талабанинг ўртача ўзлаштириш даражаси сифатида РО да қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$GPA = \frac{Y_{R1} \cdot K_1 + Y_{R2} \cdot K_2 + \dots + Y_{Rn} \cdot K_n}{K_1 + K_2 + \dots + K_n} \quad (1)$$

бу ерда: $Y_{R1}, Y_{R2}, \dots, Y_{Rn}$ – фанларнинг рақамли ифодадаги якуний баҳолари;

K_1, K_2, \dots, K_n – фанларнинг кредит ҳажмлари.

n – ўқиш давридаги барча ўқилган фанлар сони.

РО талабани кейинги курсга ўтказишни амалга оширади. Агар талаба белгиланган даражадан кам GPA олса, у курсда қолдирилади ва шахсий ўқув режасини кейинги йил охиригача етказиш ёки белгиланган тартибда янги шахсий ўқув режасини шакллантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Яқуний давлат аттестацияси талабанинг таълим дастурининг яқунловчи босқичи ҳисобланади ва унинг касбий лаёқатини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Битирувчи курсда ўтказиладиган Яқуний давлат аттестациясига белгиланган миқдордаги GPA кредитларини тўплаган ва ўқув режасини тўлиқ ҳажмда ўзлаштирган талабалар киритилади.

Яқуний давлат аттестацияси техника олий ўқув юртларида Давлат таълим стандартларига мувофиқ диплом иши ҳимояси шаклида ўтказилади.

Хорижий тилда диплом ёзиш ва уни ҳимоялашга мутахассислик кафедрасида танланган хорижий тилни биладиган ва маслаҳат бера оладиган мутахассис бўлса рухсат берилади.

Хорижий тилда бажарилган диплом ишига ҳимоя вақтида давлат тилидаги аннотация тақдим этилади.

Диплом ишини баҳолаш ДАК (Давлат аттестация комиссияси) мажлисида илмий раҳбарнинг ёзма тавсияномасини ва ташқи эксперт (рецензент) нинг тақризини ҳисобга олган тарзда амалга оширилади.

Диплом иши ҳимояси натижалари у эшитилган кун эълон қилинади.

Давлат аттестациясидан ўтган битирувчига ДАК қарори билан бакалавр академик даражаси берилади.

Имтиёзли академик даража бериш учун битирувчи 3,75 дан кам бўлмаган GPA балини олган бўлиши ва яқуний давлат аттестациясини “А”, “А–“ баҳоларига топширган бўлиши керак.

2.5. Кредит таълим тизимида малакавий амалиёт

Малакавий амалиёт талабанинг таълим траекториясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва у эришган малака даражасини баҳолашга имкон беради. Барча турдаги малакавий амалиётлар ишчи ўқув режаларида акс эттирилиши ва уларнинг ҳажми камида 10 кредитни ташкил этиши шарт.

Талаба амалиёт дастурини бажариш учун зарур бўлган назарий таянч курсларни минимум даражада ўзлаштирган тақдирда амалиёт талабанинг шахсий ўқув режасига киритилади.

Танишув амалиётини ўқув жараёнидан узилмаган ҳолда ўташга барча талабаларга академик ўзлаштириш даражасидан қатъий назар рухсат этилади.

Ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини назарий таълим курсларини ижобий яқунлаган талабаларга ўташга рухсат этилади.

Амалиёт ўташ натижалари балл-кредит тизимида баҳоланади ва курсдан курсга ўтишда талабанинг GPA кўрсаткичинини ҳисоблашда инобатга олинади.

Таълим дастури амалиётларнинг пререквизитлари, яъни талабанинг амалиёт ўташи учун зарур бўладиган таянч назарий фанлар рўйхати бўлишини назарда тутлади.

Амалиёт дастурлари кафедралар томонидан мутахассисликнинг хусусиятлари ва амалиёт базаларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади. Ўқув амалиётининг дастури қуйидагиларни ўзида акс эттириши лозим:

- амалиётнинг давомийлиги ва йўналиши;
- талабаларнинг шахсий топшириқлари ва назорат тадбирлари мазмуни ва уларни бажариш муддатлари;
- амалиёт ўташ базаларида талабаларнинг инновацион фаолиятда иштироки;
- амалиёт бўйича ҳисоботларни тайёрлаш тартиби ва уларни ҳимоя қилиш муддатлари.

Амалиёт дастури ҳар бир талабага берилади. Амалиётни ўташ даврида талаба қуйидаги мажбуриятларга эга:

- ўқув дастурида кўзда тутилган топшириқларни тўлиқ бажариши, шу жумладан амалиёт кундалигини юритиши;
- амалиёт базасида амал қилаётган ички меҳнат интизоми қоидаларига риоя қилиш;
- меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини ўрганиш ва уларга қатъий риоя қилиш;
- амалиёт раҳбарига бир ҳафта муддатда ёзма ҳисобот ва амалиёт кундалигини тақдим этиш.

Амалиёт якунида амалиёт раҳбарлари талабанинг ўқув амалиётини ўташ даражаси ва қўйилган мақсадларга эришганлиги ҳақида ёзма тақризлар тайёрлашади ва талабани кейинги курсга ўтказиш учун деканат ва РО га топширишади.

2.6. Талабаларнинг ўқишини кўчириш, четлаштириш ва ўқишга тиклаш механизми

Болонья декларациясида тушунарли, шаффоф ва таққосланувчан даражалар тизимларидан дипломларга иловалар берган ҳолда фойдаланиш (битирувчиларнинг ишга жойлашишини таъминлаш ва олий таълим тизимининг рақобатбардошлигини кучайтириш); ECTS кредитлар тизими қабул қилувчи таълим муассасалари томонидан тан олинганда уни олий таълимнинг барча босқичларида талабалар мобиллигини оширувчи восита сифатида қабул қилиш; мобилликни рағбатлантириш ва талабалар, ўқитувчилар, таълим менежерлари, тадқиқотчилар ва ҳ.к. ларнинг эркин ҳаракатланиши учун шароитлар яратиш кўзда тутилган.

Европа таълим муҳитининг 2010 йилгача шаклланиши битирувчиларнинг ишга жойлашиш қобилиятини ошириш, талабаларнинг мобиллигини ошириш, олий таълимнинг рақобатбардошлигини кучайтириш билан боғлиқ бир нечта вазифаларга қаратилган эди.

Болонья жараёнининг асосий ҳолатларидан бири талабаларнинг мобиллигини таъминлаш ҳисобланади, бу эса мамлакат бўйлаб ва унинг ташқарисида эркин ҳаракат қилиш имкониятини англатади. Шубҳасиз, талабаларнинг мавжуд чизикли таълимдаги мобиллик тизими имконсиз даражада эскирди, шу сабабли у фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, талабаларни кўчириш, четлаштириш ва тиклашнинг кредит таълим тизими хусусиятларига мос келувчи янги механизми жуда зарур. Шу сабабли, кўрсатилган масалаларни амалга оширишда кредит таълим тизими қоидаларидан фойдаланиш тавсия қилинади.

1-қоида. Имтиҳон сессиялари натижалари бўйича академик қарзи бўлган талабаларни четлаштириш лозим бўлмайди.

2-қоида. Талабалар олий ўқув юртларидан ўз хоҳишларига кўра, тиббий кўрсатмалар асосида, Устав ва ички тартиб-қоидалар бузилиши билан боғлиқ ҳолатларда четлаштирилиши мумкин. Четлаштирилган талабага белгиланган шаклдаги академик маълумотнома (Transcript) тақдим этилади.

3-қоида. Талабани курсдан курсга ўтказиш унинг GPA кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Белгиланган ўтиш балини тўплай олмаган талаба қайта ўқиш учун курсида қолдирилади. Шундай қилиб, талаба битта курсда бир неча марта ўқиши мумкин.

4-қоида. Талаба қачон четлаштирилганлигидан қатъий назар тикланиш ҳуқуқига эга. Бунда талаба камида битта семестрни тугатган бўлиши шарт. Талабаларнинг четлаштириш вақтигача бўлган кредитлар миқдори олий ўқув юрти томонидан тўлалигича ҳисобга олинади. Четлаштирилган талаба унинг транскриптида зарур пререквизитлар мавжуд бўлганда хоҳлаган мутахассисликка ва хоҳлаган курсга тикланиши мумкин. Ушбу қоидага амал қилиш, таълим соҳасида марказий ижро органи томонидан мазкур жараёни марказлаштиришган тарзда бошқаришдан воз кечишга имкон беради, бу эса ўз навбатида таълимни демократлаштиришга, олий ўқув юртларининг академик эркинлигини кенгайтиришга ёрдам беради.

5-қоида. Талаба фақат пуллик тўлов асосида тикланиши ва ўқишни давом эттириши мумкин.

6-қоида. Кредит таълим тизимига ўтиш шароитларида тиклаш жараёни эртароқ, академик давр бошланишидан камида бир ой олдин бошланиши мақсадга мувофиқ. Олий ўқув юрти раҳбарияти тиклаш ҳақидаги қарорини ўқув машғулоти бошланишидан 2-3 ҳафта олдин қабул қилиши шарт, чунки талаба фанларга ёзилиш ва ўзининг шахсий ўқув режасини шакллантириш имконига эга бўлиши лозим.

7-қоида. Ўқув режаларидаги фарқларни аниқлаш. Ўқув режаларидаги фарқлар 5 та фандан ортмаслиги шарт, улардан 2-3 таси мажбурий фан бўлиши мумкин. Олий ўқув юрти танлов бўйича фанлар фарқини аниқлашда мустақилликка эга. Ўқув режаларидаги фарқларни топшириш муддатини камида бир ой (ёзги семестрни ҳам ҳисобга олганда) қилиб белгилаш лозим,

бу давр мобайнида талаба фарқ бўйича фанларга ёзилиши, уларнинг дастурларини ўзлаштириши ва якуний назорат топшириши зарур.

Агар талаба белгиланган муддатда ўқув режалардаги фарқларини йўқотмаган бўлса, бу ҳолат кейинчалик академик қарз сифатида ҳисобга олиниши ва курсдан курсга ўтказишда унинг GPA кўрсаткичига таъсир қилиши мумкин.

8-қоида. Тиклаш тартиби:

1) талаба олий ўқув юрти ректори номига тиклаш ҳақида ариза беради, бунда у ўзининг ўқишни давом эттириш истагини баён қилади. Аризага ўтилган фанлар ҳақидаги ўрнатилган тартибдаги Транскрипт илова қилинади;

2) факультет декани тақдим этилган Транскриптдаги ахборотлар асосида ўқиш курсини, ўқув режаларидаги фарқларни аниқлайди;

3) факультет декани визаси асосида РО кўрсатилган фарқни топшириш муддатини белгилайди;

4) факультет декани, РО регистратори, ўқув ишлари проректори визаларига мувофиқ олий ўқув юрти ректори талабани тиклаш ҳақида буйруқ чиқаради.

9-қоида. Талабанинг ўқишини бир олий ўқув юртидан бошқасига ўтказиш тартиби:

1) талаба олий ўқув юрти ректори номига ўқишини кўчириш ҳақида ариза билан мурожаат қилади, бунда у ўқишини ўтказиш истагини баён қилади; аризага тегишли факультет декани томонидан тасдиқланган рейтинг дафтарчаси нусхаси илова қилинади;

2) факультет декани ўқиш курси ва ўқув режаларидаги фарқни аниқлайди;

3) факультет декани визаси асосида РО кўрсатилган фарқни топшириш муддатини белгилайди;

4) факультет декани, РО регистратори, ўқув ишлари проректори визаларига мувофиқ олий ўқув юрти ректори талабани тиклаш ҳақида буйруқ чиқаради.

5) уч кун муддат ичида талаба олдин ўқиган олий ўқув юртига талабанинг шахсий ҳужжатларига сўров юборилади;

6) талаба олдин ўқиган олий ўқув юрти ректори бошқа олий ўқув юртидан сўров қабул қилинганидан кейин уч кун муддат ичида талабанинг шахсий ҳужжатларини почта орқали жўнатиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

10-қоида. Олий ўқув юрти ичида ўқишни кўчириш.

Талабанинг бир олий ўқув юрти ичида бир таълим шаклидан бошқасига ва бир йўналишдан бошқасига ўтказилиши пуллик тўлов асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) талаба ўқишини кўчириш ҳақида олий ўқув юрти ректори номига ариза билан мурожаат қилади; аризага тегишли факультет декани томонидан тасдиқланган рейтинг дафтарчасининг нусхаси илова қилинади;

2) факультет декани ўқиш курси ва ўқув режаларидаги фарқни аниқлайди;

3) факультет декани визаси асосида РО кўрсатилган фарқни топшириш муддатини белгилайди; кундузги ўқиш шаклидан сиртки ўқиш шаклига ўтказишда фарқларни топшириш муддати бир ойдан кўпроқ вақтга белгиланиши ёки талабага кўрсатилган фарқларни кундузги таълимда топшириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

4) факультет декани, РО регистратори, ўқув ишлари проректори визаларига мувофиқ олий ўқув юрти ректори талабани бир таълим шаклидан бошқасига ёки бир йўналишдан бошқасига ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

2.7. Сиртки ва масофавий таълим шаклларидаги ўқув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари

Кредит таълим тизими шароитида сиртки таълимда ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хослиги шундаки, у талабаларнинг умумий меҳнат сиғимини, аудитория ва мустақил иш нисбатини, ўқув йилидаги контакт ҳафталар сонини аниқлаш билан боғлиқдир.

Талабаларнинг шахсий таълим траекторияларини режалаштириш сиртки таълим шаклини ташкил қилишнинг куйидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ишчи ўқув режалар асосида амалга оширилади:

1) сиртки таълимнинг ишчи ўқув режаси ўз мазмунига ва умумий меҳнат сиғимига кўра кундузги таълим шаклидаги ўқув режаси билан мос бўлиши шарт;

2) сиртки таълим шакли бўйича ҳам бакалаврият таълим дастурини ўзлаштириш учун 240 кредит ажратилади;

3) аудитория ва мустақил иш учун ажратилган кредитларнинг умумий нисбати мос равишда 10-20% ва 80-90% бўлиши тавсия этилади;

4) контакт соатлар миқдори семестр давомийлигига каррали бўлиши зарур, семестр давомийлиги одатда бир йилда 6-8 ҳафтани ташкил этади. Семестр иккита сессияга – ўқув (3-4 ҳафта) ва имтиҳон (3-4 ҳафта) ажратилиши мумкин;

5) сиртки шаклда ўқишнинг меъёрий муддати – 5 йил, бироқ бу муддат олий ўқув юрти томонидан 6 йилгача узайтирилиши мумкин.

Кундузги таълимдан фарқли равишда сиртки талабалар учун оралик назорат имтиҳон сессиясида фан бўйича имтиҳонгача бўлган даврда тьютор томонидан назорат ишлари, рефератлар, ҳисоб-чизма ишлари ва ҳ.к. ларни ҳисобга олган ҳолда бир марта ўтказилади.

Сиртки талабаларга талабанинг маълумотнома-йўлланмаси ва ўқув-услубий мажмуаси тақдим этилади, унда шахсий ўқув режаси, танлов фанлари каталоги, силлабус, амалий машғулотлар режаси, фаол тарқатма материаллар, ТМИ ни бажариш учун услубий материаллар, масофавий таълим материаллари (электрон материаллар, кейслар ва бошқалар) каби материаллар жамланган бўлади. Ўқув-услубий материалларда талабанинг ўқитувчи билан виртуал алоқага чиқиши учун амалдаги мурожаат манзиллари кўрсатилиши

лозим. Бошқача айтганда, талаба олий ўқув юртидаги мавжуд сайтлар, порталлар, электрон почта ва шу каби ахборотларга эга бўлиши зарур. Ўқув жараёнига барча замонавий виртуал воситалар жалб қилиниши зарур.

Масофавий таълим замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган, масофадан туриб ўқитувчи ва талаба ўртасида бевосита мулоқот мавжуд бўлмаган ҳолда таълим беришга имкон берувчи таълим жараёнини ташкил қилиш усулидир. Масофавий таълим жараёни масофавий таълим портали, кейс-технологиялар, Интернет-технологиялар ва ТВ-технологиялар воситасида амалга оширилиши мумкин.

Масофавий таълим порталлари сифатида ҳозирги кунда Ўзбекистон олий ўқув юртларида кенг оммалашган Moodle LMS ва бошқа порталлар, шунингдек, Google Classroom, ўқитувчиларнинг шахсий сайтлари, «E-MINBAR» платформаси, ахборот етказиш ва назоратни амалга оширишга имкон берувчи «булутли технологиялар» орқали амалга оширилиши мумкин.

Кейс технологиялар одатда фанлар мазмуни билан батафсилроқ танишишга ва ўз билимини текшириш бўйича қатор назорат тадбирларини ўтказишга имкон берувчи ўқув-услубий ҳужжатлар мажмуалари воситасида амалга оширилади.

Интернет технологиялар одатда ўқув курсини мустақил ўрганишга, ўқитувчидан маслаҳат олишга, онлайн режимида реал вақтда яқуний назоратдан ўтишга имкон берувчи ўқув материалларига тармоқда рухсат бериш орқали амалга оширилади. Интернет-технология шаклларида бири – тьюторлик синфи ҳисобланади, у режалаштирилган ЎРТМИ ни сиртки ва масофавий таълим доирасида ўтказишга имкон беради.

ТВ-технологиялар одатда ўқув мақсадлари учун ишлаб чиқилган электрон форматдаги курсни имтиҳон сессияларига тайёргарлик доирасида тўлиқ эшитишга имкон берувчи аудио-, видеоматериаллар воситасида амалга оширилади.

3-боб. Махсус таълим хизматлари фаолиятини ташкил қилиш

3.1. Регистратор офиси фаолияти

Регистратор офиси (Office of Registrar) – талабанинг барча ўзлаштириш кўрсаткичлари тарихини қайд қилиш билан шуғулланувчи хизмат туридир. Регистратор офиси (РО) қабул комиссияси негизида ташкил қилинган ва деканатлар ва баъзи бўлимларнинг бир қисм вазифалари берилган таркибий бўлинма ҳисобланади.

РО ни ташкил қилишнинг мақсадларидан бири билим олиш жараёнлари ва билимни баҳолаш жараёнларини ажратиш ҳамда талабаларнинг оралиқ ва якуний аттестацияларини ўтказиш ҳисобланади.

РО нинг асосий вазифалари талабага унинг асосий мақсадига – танлаган йўналиши бўйича юқори билим, кўникма ва малакалар билан академик даража олишга эришишида ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, қуйидагилардан иборатдир:

- академик тақвим тузиш ва унинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш;
- қабул комиссиясининг ишини ташкил қилиш;
- фанларга ёзилишни ташкил қилиш (Enrollment);
- академик гуруҳларни шакллантириш;
- киришда билимларини аниқлашни ташкил қилиш ва уни назорат қилиш;
- якуний назорат ва оралиқ аттестацияларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- якуний давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказишни назорат қилиш;
- талабаларнинг шахсий хужжатларини архивгача сақлаш;
- “Регистратор” маълумотлар базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаш;
- Транскрипти юритиш ва унга талабаларнинг баҳоларини киритиш;
- тантанали маросимларни ташкил қилиш ва ўтказиш (битирувчиларнинг дипломларини расмийлаштириш ва тантанали равишда тақдим этиш);
- талабалар контингенти бўйича статистика юритиш.

РО ни Регистратор бошқаради, у бевосита олий ўқув юртининг ректорига бўйсунди. Регистратор факультетлар, ўқув бўлими, олий ўқув юртининг бошқа тузилмавий бўлинмалари билан яқин ҳамкорлик қилади.

РО нинг ташкилий тузилмаси

РО талабаларнинг контингентидан ва штатлар жадвалидан келиб чиқиб қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин:

Қайд қилиш бўлими:

- фанларга қайд қилиш ва қайта қайд қилиш жараёнини ташкил қилиш;
- фанларга ёзувни тасдиқлаш тизимини ва бекор қилишларни қайд қилишни бошқариш;

- талабаларнинг рўйхатини тузиш ва мувофиқлаштириш;
- академик гуруҳлар ва потокларни шакллантириш;
- баҳо қўйиш сиёсатини мувофиқлаштириш;
- талабаларнинг шахсий ўқув режаларини тузишга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- талабаларнинг ўқишини кўчириш, четлаштириш, тиклаш ва қайта ўқиши бўйича буйруқларни тайёрлаш.

Қабул бўлими:

- реклама ва касбга йўналтириш ишларини ташкил қилиш;
- ягона миллий тест жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш;
- абитуриентларни комплекс тестлашни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- янги ўқишга қабул қилинган талабаларнинг шахсий ишларини шакллантириш.

Академик ёзувлар бўлими:

- талабаларнинг академик ўзлаштириши бўйича ёзувларни сақлаш, тўпланган баҳо ва кредитлар ҳақида ахборотларни бошқариш, талабаларнинг академик рейтингини баҳолаш;
- кафедралар ва факультетлар ўқитувчиларининг (лекторлар, тьюторлар, эдвайзерлар) ахборотлари ва ҳисоботларини сақлаш, ўқитувчилар ҳақидаги ёзувларни сақлаш (профессор-ўқитувчиларнинг у ёки бу шаклдаги талабалар билимларини назорат қилиш ва баҳолашдаги иштироқи ҳақидаги маълумотлар банки, лекторлар, тьюторлар ва эдвайзерлар ва бошқаларнинг рўйхатлари);
- барча факультетлар бўйича академик ёзувларни ёзиш жараёнларини бошқариш;
- GPA кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- транскриптлар ва дипломлар ёзиш;
- олий ўқув юрти ҳаётидаги асосий тадбирларни ўтказиш: дипломларни тақдим қилиш, тантанали маросимлар ўтказиш, бакалаврлар ва магистрларни йиғиш;
- статистик ҳисоботларни таҳлил қилиш ва тузиш.

Билимлар ва аттестациялар бўлими:

- 1-курс талабалари учун кириш назорат тадбирлари, экстерн имтиҳонлар, жорий, якуний ва комплекс имтиҳонлар учун тарқатма материалларни тайёрлаш;
- 1-курс талабалари учун ўқув йили бошида кириш билимларини аниқлашни, экстерн имтиҳонларни ташкил қилиш ва уларни ўтказиш;
- якуний назорат ва оралиқ аттестацияларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- якуний давлат аттестациясини назорат қилиш.

Регистратор ўқув бўлими билан ҳамкорликда олий ўқув юрти ректорига кейинги ўқув йили учун академик таквимни тасдиқлаш учун тақдим қилади, унда ўқув йили давомида ўтказиладиган ўқув ва назорат жараёнлари ҳамда дам олиш кунлари (таътиллар ва байрамлар) кўрсатилган бўлади.

Кредит таълим тизимида ОР тасдиқланган жадвал асосида талабаларни фанларга қайд қилади ва уларнинг шахсий ўқув режаларини шакллантиради.

Шахсий ўқув режалари (ШЎР) ни тузиш талабалар томонидан намунавий ўқув режалар (НЎР) ва танлов фанлари каталоги (ТФК) асосида эдвайзерлар кўмагида мустақил тарзда амалга оширилади.

ШЎР тўлиқ ўқув даврига тузилади (бакалавриятда – 4 йилга). Ҳар бир академик йил олдидан ШЎР га қўшимча қайд қилишлар орқали тuzатишлар киритилади.

ШЎР лар асосида Регистратор академик гуруҳ ва потокларни шакллантиради, у ёки бу фанга ёзилганлар сони етарли бўлмаганда эса талабаларга шахсий ўқув режаларига тuzатиш киритиш зарурлиги ҳақида хабар беради. ШЎР лар шакллантириб бўлингандан сўнг регистратор ўқув бўлимига дарс жадвали тузиш учун академик гуруҳ ва потоклар ҳақидаги ахборотни тақдим қилади.

Юқорида таъкидланганидек, РО ҳар бир талаба учун сана ва вақтни қайд қилади (одатда талаба қанча кредит тўплаганига қараб). Қайд қилиш санаси ва вақти битта йўналишда таълим олаётган талабалар учун турлича бўлиши мумкин. Биринчи курс талабалари учун қайд қилиш жараёнлари улар билан касбий ва академик йўналтириш ишлари ўтказиб бўлингандан сўнг бошланади. Касбий ва академик йўналтириш ишлари факультетлар томонидан белгиланган муддатларда кредит таълим тизими тамойилларини ва келгусидаги касбий фаолияти истиқболларини тушунтириш мақсадида ўтказилади.

Биринчи ўқув семестри фанларини танлаш 25 августгача яқунланади, кейинги семестрлар учун – кузги семестрда ноябрь ойининг биринчи ҳафтасида, баҳорги семестрда апрель ойининг биринчи ҳафтасида амалга оширилади.

Олдинги семестр фанларини муваффақиятли ўзлаштирган ва талаб қилинган кредитлар миқдорини (GPA) тўплаган талабаларгагина қайд қилишга рухсат берилади.

Қайд қилиш тартиби қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1) эдвайзерни аниқлаш;
- 2) кафедра мудирлари раҳбарлигида тьюторлар томонидан ўтказиладиган танлов фанлари тақдимотларида иштирок этиш;
- 3) эдвайзерлардан маслаҳат олиш (танлов фанларини муҳокама қилиш);
- 4) танланган фанни бекор қилиш шартлари билан танишиш;
- 5) мажбурий ва танлов фанларини кўрсатган ҳолда қайд қилиш шаклларини тўлдириш;
- 6) талабага шахсий қайд рақамини бериш;
- 7) талабага масофавий таълим бўйича шахсий парол бериш;
- 8) фанга қайд қилишга розилигини тасдиқлаш.

Ёзги семестрга қайд қилиш тартиби

Ёзги семестр фанлар бўйича қарзлари мавжуд талабалар, ўқув режаларида фарқ мавжуд бўлган бошқа олий ўқув юртига ўқишини кўчираётган талабалар, шунингдек, тезкор таълим олиш (экстернат) га лаёқатли бўлган иқтидорли талабалар учун ташкил этилади.

Ёзги семестрнинг давомийлиги кўпи билан 12 ҳафтани ташкил этади. Ёзги семестр учун академик тақвим талабгорлар контингентидан келиб чиқиб ҳар йил қайта тасдиқланади. Ёзги семестрнинг бошланиши ҳақидаги ахборотни 1-майдан кейин ОР дан олиш мумкин.

Ёзги семестрга қайд қилиш тўлов жадвали бўйича ўқиш харажатларини тўлаган талабаларга рухсат этилади.

Фанни қайта ўқиш белгиланган ўлчамлардаги тўловларни назарда тутати.

Ҳар ўқув йили бошида академик тақвимга мувофиқ ОР ўтган ўқув йилидаги ўқув материалларининг ўзлаштирилиш сифатини аниқлаш учун талабаларнинг кириш билимлари синовини ўтказилади. Кириш билимлари синови етакчи ўқитувчиларнинг рейтингини аниқлашга имкон беради.

Кириш билимлари синови натижалари ҳар томонлама таҳлил қилинган бўлиши ва фан мазмунини, ўқув машғулоти турлари бўйича уларнинг тузилмасини, талабаларнинг мустақил ишларини ўтказишни, фанларнинг ишчи ўқув дастурларини тузишни такомиллаштириш бўйича услубий ишларни ўтказиш мақсадида тегишли кафедраларга тақдим этилиши зарур.

Талабани қайд қилиш шакли иловада (1-шакл) келтирилган.

3.2. Кредит таълим тизими шароитида ўқитувчининг вазифалари

Кредит таълим тизимини жорий этишнинг янги шароитларида профессор-ўқитувчиларнинг роли ҳам сезиларли даражада ўзгаради.

Кредит таълим тизимида ўқитувчи (педагог) ўзининг вазифасига кўра таълим жараёнининг қуйидаги субъектлари сифатида фаолият олиб бориши мумкин:

- лектор;
- тьютор;
- эдвайзер;
- махсус комиссия аъзоси.

Лектор сифатида юқори академик профессорлар ёки доцентлар сафидан малакали ўқитувчилар тайинланади. Улар маъруза дарсларини юқори илмий-услубий даражада олиб боришади.

Маърузалар академик потокларга, яъни мутахассислиги яқин бўлган бир нечта гуруҳларга ўқилади. Аудиториядаги талабалар сони лекторнинг малакасидан ва аудиториянинг техник имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Профессор ва доцентлар ўзларининг илмий савияси, илмий изланиш йўналишлари ва педагогик маҳоратидан келиб чиқиб бир мутахассислик ичида бир нечта фанларидан маъруза ўқишлари мумкин.

Олий ўқув юртининг Илмий кенгаши қарорига кўра маъруза ўқиш ҳуқуқи илмий даражасиз, лекин энг тажрибали ва юқори малакали ўқитувчиларга ҳам берилади.

Лектор ўзининг ҳар бир маъруза машғулоти бўйича ўқитувчи раҳбарлигисиз амалга ошириладиган ТМИ га 0,5-1 соат оралиғида вақт ажратиши мақсадга мувофиқ.

Тьютор – фан ўқитувчиси сифатида амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боради, маслаҳат беради, ЎРТМИ ни ташкил қилади ва амалга оширади, курс ишларига раҳбарлик қилади, амалиётларни ташкил қилади.

Тьютор ҳар бир талабанинг фанни ўрганишини назорат қилади, шахсий топшириқларни бажаришини ва амалий машғулотлардаги фаолиятини баҳолайди ва зарур бўлса ёрдам кўрсатади. Шунингдек, тьютор талабанинг аниқ бир фанни ўрганишдаги фаолиятини умумий таҳлил қилиши мумкин.

Тьюторлар қуйидаги сифатларга эга бўлишлари лозим:

- ўқитувчилик: амалий машғулотларни талаб даражасида олиб бориш, талабаларга касбий ўзини англашда ёрдам бериш, фаннинг ўқув-услубий материалларидан тўғри ва самарали фойдаланишларини таъминлаш;

- маслаҳатчилик: талабаларнинг билиш жараёнларини мувофиқлаштириш, гуруҳли маслаҳат ва мулоқот дарсларини олиб бориш, фаннинг турли масалалари бўйича талабаларга яқка тартибда маслаҳатлар бериш;

- менежерлик: талабалар гуруҳларини йиғиш ва шакллантириш, гуруҳли машғулотларни бошқариш, талабаларнинг фанни ўзлаштиришини назорат қилиш.

Тьюторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- талабанинг ўқиши максимал даражада самарали бўлишига ёрдам бериш;

- талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиш;

- бажарилган топшириқлар бўйича тескари алоқани таъминлаш;

- гуруҳли ва яқка тартибда маслаҳатлар бериш;

- бутун ўқиш даврида ўқишга бўлган қизиқишини таъминлаш.

Тьютор ЎРТМИ учун ҳар бир амалий машғулотга нисбатан 0,5-1 соат оралиғида вақт ажратиши тавсия этилади.

Шахсий ўқув траекториясини танлаш ва амалга ошириш, шунингдек ўқув режаларининг мобиллиги ва мослашувчанлигини таъминлаш учун кредит таълим тизими шароитида олий ўқув юртларида маслаҳат хизмати, яъни эдвайзерлар – академик маслаҳатчилар хизмати ташкил қилинади. Уларнинг сони факультетдаги талабаларнинг сонидан келиб чиқиб аниқланади.

Эдвайзерлар талабаларнинг академик манфаатларини ҳимоя қилиши ва ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича барча зарур ахборот материалларини тайёрлашда иштирок этиши, уларни талабаларга электрон шаклда тақдим этиши ва уларнинг шахсий ўқув режаларини тузиш ва тузатиш киритишда

ёрдам бериши, услубий материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши ва мавжудлигини, йўналишнинг барча фанлари бўйича оралик ва якуний назоратларни ўтказиш қоидаларининг бажарилишини назорат қилиши зарур.

Эдвайзер – ўқиш даври бўйича шахсий ўқув траекториясини танлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришга ёрдам берувчи ўқитувчи ҳисобланади. Бундан ташқари, эдвайзер талабага келгусидаги карьерасига оид масалаларни ечишда, битирув иши мавзусини танлашда, касбий амалиёт базаларини аниқлашда маслаҳат ёрдамини кўрсатиши мумкин.

Эдвайзернинг вазибалари қуйидагилардан иборат:

- талабаларга шахсий ўқув траекторияларини аниқлаш ва таълим дастурини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- ўқув траекториясини танлашда талабаларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари ва истакларини аниқлаш;
- талабаларга фанларни танлашда маслаҳатлар бериш;
- талабаларга шахсий ўқув режаларини тузиш ва зарур бўлса тузатишга ёрдам бериш;
- талабаларнинг ўзлаштириши ва академик мавқеи масалалари бўйича эксперт комиссиялари ишида иштирок этиш.

Эдвайзерлар кафедра мудирлари билан келишилган ҳолда олий ўқув юрти ректори буйруғи билан тайинланади.

Эдвайзер талабаларни олий ўқув юртининг ўзига хос жиҳатлари, ишчи ўқув режаси мазмуни, диплом олиш учун қўйиладиган талаблар, танланган йўналишнинг имкониятлари билан таништиради ва талабаларнинг мойиллиги, имкониятлари, қизиқишлари ва мақсадларига мувофиқ шахсий ўқув траекторияларини танлашда ёрдамчи ҳисобланади.

Эдвайзер қайд қилиш тадбирларида иштирок этади. Ҳар бир эдвайзерга РО томонидан маълум миқдорда талабалар бириктирилади. Талабалар бириктирилгандан сўнг эдвайзер улар билан шахсий режимда ишлашга ўтади.

Эдвайзер ташкилий-услубий ишларда иштирок этади ҳамда фанларни танлаш ва уларга ёзилиш бўйича маслаҳатлар беради, йўналишнинг танлов фанлари каталоглари ва ишчи ўқув дастурлари билан таништиради.

Ўқув йили давомида эдвайзер факультет декани томонидан тасдиқланадиган маслаҳат жадвалларига мувофиқ ишлайди. Талабаларнинг шошилинч академик муаммоларини ҳал қилиш мақсадида эдвайзер иш жадвалидан ташқари шахсий учрашувларни ҳам белгилаши мумкин.

Эдвайзернинг маслаҳатчилик фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабаларни таълим жараёнининг қоидалари билан таништириш;
- талабаларнинг қарашлари, қадриятлари, уларнинг мойиллиги ва имкониятларини аниқлаш;
- намунавий ўқув режа ва танлов фанлари каталоги билан таништириш (мажбурий, танлов фанлари рўйхатини, фанларнинг пререквизитларини тузишга қўйиладиган талаблар билан);
- кредитлар миқдори ва уларни ўзлаштириш бўйича тушунтиришлар олиб бориш.

Кредит таълим тизимида олий ўқув юртларида ўқув жараёнини самарали ташкил қилишга ёрдам берувчи турли комиссиялар тузилиши мумкин. Тажрибаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, қатор хорижий олий ўқув юртларида бундай комиссиялар сифатида: ўқув режалари бўйича, ишчи дастурлар бўйича, ТМИ сифатини назорат қилиш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш, касбга йўналтириш, ўқув жараёнига илмий ютуқларни татбиқ этиш бўйича комиссиялар жорий этилиши мумкин.

Ўқув режалари бўйича комиссия

Комиссия фаолиятининг мақсади – бутун ўқув даври учун йўналишлар бўйича ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш.

Комиссия фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) танлов фанлари рўйхатини шакллантириш ва тизимга солиш;
- 2) кафедраларга йўналишлар бўйича пререквизитларни аниқлашда ёрдам бериш;
- 3) ишчи ўқув режаларини тузиш.

Комиссия аъзоларининг мажбуриятлари:

- 1) ўқув режалари бўйича комиссия ишида мунтазам иштирок этиш;
- 2) талабанинг ўқув траекториясини шакллантириш бўйича семинарлар ишида иштирок этиш;
- 3) танлов фанларини танлаш бўйича асосий ҳолатларни мунтазам равишда ишлаб чиқиш;
- 4) танлов фанлари рўйхатига киритиш учун фанларнинг тайёрлигини экспертиза қилиш;
- 5) пререквизитлар тизимини шакллантириш бўйича асосий ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Ишчи ўқув дастури бўйича комиссия

Ишчи ўқув дастури бўйича комиссия ишчи дастурларни ишлаб чиқиш сифатини назорат қилиш мақсадида ташкил қилинади. Комиссия фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) ишчи ўқув дастури тузилмасини шакллантириш;
- 2) ишчи ўқув дастурларини тузишни ташкил қилиш;
- 3) ўқув дастурлари каталогини ишлаб чиқиш.

Комиссия аъзоларининг мажбуриятлари:

- 1) фанлар бўйича ишчи дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни муҳокама қилиш;
- 2) ўқув дастурлари каталогини тузиш;
- 3) барча фанлар бўйича ишчи ўқув дастурлари сифатини баҳолаш.

ТМИ сифатини назорат қилиш бўйича комиссия

ТМИ сифатини назорат қилиш бўйича комиссия фанлар кесимида ТМИ ларини ташкил қилиш ва режалаштириш, уларни тарқатиш, топшириш

муддатларини ва сифатини назорат қилиш ва услубий таъминотини яхшилаш мақсадида ташкил қилинади.

Комиссия аъзоларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) ЎРТМИ жадвалларини тузишни назорат қилиш;
- 2) факультет йўналишлари фанлари бўйича семесрда ЎРТМИ ларни ўтказиш жадвалларини мувофиқлаштириш;
- 3) мустақил ишларнинг талабалар томонидан бажарилишини баҳолаш ва назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;
- 4) бутун семестр учун алоҳида фанларнинг иш сифими бўйича ЎРТМИ жадвалларини таҳлил қилиш;
- 5) ЎРТМИ ларини топширишнинг ягона жадвалларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;
- 6) алоҳида фанлар бўйича топшириқлар сифатини баҳолаш;
- 7) ТМИ шаклларини танлашнинг тўғрилигига баҳо бериш;
- 8) топшириқларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар мавжудлигини таҳлил қилиш ва уларни эксперт баҳолаш;
- 9) ўзлаштириш таҳлили натижаларидан келиб чиқиб ТМИ ни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- 10) ТМИ ни ташкил қилиш масалалари ва уларнинг услубий таъминоти бўйича профессор-ўқитувчилар жамоаси билан семинар ва маслаҳатларни ташкил қилишда иштирок этиш;
- 11) турли кўринишдаги ТМИ бўйича ёндашувларни ва баҳолаш меъёрларини аниқлашда иштирок этиш.

4-боб. Ўқув жараёнининг услубий таъминоти

4.1. Мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси

Кредит таълим тизими шароитида талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллиги таълим муассасасининг академик эркинлиги ва ваколатларини кенгайтириш орқали таъминланади. Бунда талабаларнинг академик эркинлиги уларнинг таълим дастурига кирган фанларни ўзлаштиришида мустақил ишларнинг аҳамиятини юксалтириш орқали ўз фаолиятини ва мустақил билим олишини ташкил этиш қобилиятларини ривожлантиради.

Таълим тизимида мутахассис тайёрлаш моделини ўзида акс эттирувчи расмий ҳужжат – мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуаси (МЎУМ) ҳисобланади.

МЎУМ бакалавр, магистр ва докторантлар тайёрлаш концепциясини аниқловчи ҳужжатдир. МЎУМ ҳар бир мутахассислик бўйича талабаларни ўқитишнинг мақсадлари, мазмуни ва усулларини аниқлайди.

МЎУМ ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат таълим стандартлари;
- малака талаблари;
- ўқув режалари;
- танлов фанлари каталоги;
- фаннинг ўқув-услубий мажмуаси.

Давлат таълим стандартлари

Давлат таълим стандартлари (ДТС) таълим соҳалари бўйича «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»да олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда таълим соҳалари тармоқларини ривожлантириш каби мақсадлар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Таълим соҳаларининг давлат таълим стандарти ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва бошқаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Таълим соҳаларининг муайян бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш кундузги, кечки ва

сиртқи таълим шаклларида амалга оширилиши белгиланган. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати тўрт йил қилиб белгиланган. Алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалаврият дастурлари жорий этилиши белгиланган. Магистратурада мутахассислар тайёрлаш ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида амалга оширилиши белгиланган.

Таълим дастурларида кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича меъёрий ўқиш муддатлари фарқланиши мумкин. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари кундузги таълимнинг меъёрий муддатига нисбатан камида тенг бўлиши, аммо бакалавриятда бир йилдан, магистратурада эса 6 ойдан кўп бўлмаслиги талаб этилган. Кечки ва сиртқи таълим шаклларида меъёрий ўқиш муддатлари олий ўқув юрти томонидан мустақил белгиланади.

Бир ўқув йили учун кундузги таълимда амалга ошириладиган таълим дастурининг ҳажми 60 кредитга тенг деб олинган. Таълим шаклидан қатъий назар таълим дастурининг умумий ҳажми меъёрий муддати бир йил бўлганда – 60 кредитни, икки йил бўлганда – 120 кредитни, уч йил бўлганда – 180 кредитни, тўрт йил бўлганда – 240 кредитни ташкил этади.

Таълим дастурларини амалга оширишда олий ўқув юрти электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялардан кенг фойдаланиши тавсия этилган. Хусусан, жисмоний чекланган, ногирон талабаларни ўқитишда электрон ўқитиш ва масофавий таълим технологиялари орқали ўқув материалларини эркин шаклда олиш ва узатиш имконияти таъминланиши зарурлиги таъкидланган.

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидагилар асос қилиб олинган:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 341-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 371-сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 16 августдаги «343-сонли қорорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори;

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли қарори;

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2414-сонли қарори;

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли қарори;

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи;

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги «Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув

йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруғи.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги илм-фанни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилиши ҳамда геология соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларига ташриф давомида ўтказилган 5-сонли мажлис баёни.

ДТС тузилмаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топган:

1. ДТС ни ишлаб чиқиш асослари
2. Қўлланиш соҳаси
3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар
4. Битирувчиларининг касбий фаолиятлари тавсифи
5. Таълим соҳалари битирувчиларининг компетенция даражасига кўйиладиган умумий талаблар
6. Таълим соҳалари бўйича ўқув режалари тузилмаси
7. Таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш

Давлат таълим стандартида ўқув режалардаги ҳар семестр учун кредитлар ҳажми 30 кредит қилиб белгиланган, фанларга камида 3 кредит ажратилади.

Таълим дастурлари 2 хил – мажбурий ва танлов фанларидан иборат бўлади. Мажбурий фанларга кредитлари малака талабларида белгиланган фанлар киради. Танлов фанларига – олий ўқув юрти томонидан белгиланадиган ва талабалар томонидан танланадиган фанлар рўйхати киради.

Бакалавриатда ўқиш 4 йил давомида 204 ҳафта давом этади. Бунда назарий, амалий таълим ва аттестацияларга – 40-60%, таътилга – 10-30%, малака амалиётига – 15-25% ва битирув малакавий ишига – 2-7% ҳафта ажратилган. Магистратура ўқиш 2 йил давомида 100 ҳафта давом этади. Бунда назарий таълим, илмий фаолият ва аттестацияларга – 60-76%, таътилга – 14-24%, илмий амалиёт (стажировка) га – 6-10% ҳафта ажратилган.

Малака талаблари

Малака талаблари (МТ) алоҳида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича иқтисодиёт тармоқларига мослашувчан тарзда ишлаб чиқилади.

Малака талаблари ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олган:

1. Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг умумий тавсифи.

2. Тайёрланадиган кадрларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар.

3. Ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Малака талабларида йўналиш ва мутахассисликлар учун мажбурий ва танлов фанларининг ҳажми ҳамда ўқув даврининг ҳафталардаги тақсимооти ДТС да келтирилган чегаралардан чиқмаган ҳолда аниқ қиймат билан белгилаб қўйилади.

Битирувчининг мажбурий фанлар бўйича ўзлаштириши керак бўлган компетенциялар аниқ келтирилади, ўқув режа (танлов фанларисиз) келтирилиб унда барча мажбурий фанлар номи ва уларга ажратилган кредитлар аниқ белгилаб қўйилади.

Ўқув режалар

Ўқув режалар тез ўзгарувчан бозор муҳити учун ҳар томонлама ривожланган мутахассисни тайёрлашга йўналтирилган. Ўқув режаси таълим дастурининг тузилмасини ва фанлар рўйхатини ўзида акс эттиради. Ўқув режалари тузилмаси ДТС ва МТ асосида белгиланади.

Бакалавриатда фанлар тузилмаси 4 та блокда (гуманитар ва табиий-илмий фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлари ва қўшимча фанлар), магистратурада эса илмий фаолият тури ҳам қўшилиб 3 та блокда (умумметодологик фанлар, мутахассислик фанлари, илмий фаолият) жамланган. Фан блокларининг ҳар бири мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олади.

Талаба у ёки бу фанни ўрганаётиб келгусидаги касбий фаолияти учун зарур бўлган аниқ ҳажмдаги билим, кўникма ва малакаларни орттиради. Фанларда қандай билимлар қай тарзда ўзлаштириши белгилаб берилади. Фанлар ичида соҳадаги сўнгги илмий ютуқлардан келиб чиқиб мавзулар, қонунлар, далиллар жамланади ва уларнинг мазмуни талқин қилинади. Ўқув режаларда фанлар мантикий кетма-кетликда, ўзаро боғлиқликда жойлаштирилади. Бунга фанларни пререквизитлар ва постреквизитларга ажратиш орқали эришилади.

ДТС ва МТ га мувофиқ фанлар блокларга жамланади. Ўқув режаларида фанлар рўйхатини шакллантиришда қуйидаги тамойиллардан келиб чиқиш зарур.

Бакалавриатда гуманитар ва табиий-илмий фанлар интеллектуал, шахсий ва ижтимоий ривожланган кадрларни тайёрлашга йўналтирилади. Умумкасбий фанлар бўлгуси мутахассисда таянч ва умумкасбий билимларни шакллантиради. Ихтисослик фанлари касбий фаолият учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларни беради. Қўшимча фанлар меҳнат бозорининг, кадрлар буюртмачиларининг талабларидан келиб чиқиб олий ўқув юрти томонидан белгиланади.

Магистратурада умумметодологик фанлар блоки магистрларнинг педагогик, методологик ва тил кўникмаларини шакллантиришга хизмат

килади. Мутахассислик фанлари соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар ва уларнинг натижаларини ўзида акс эттириб, касбий фаолият учун зарур бўлган тор доирадаги билим, кўникма ва малакаларни ўзида акс эттиради. Илмий фаолият блоки магистрант томонидан амалга ошириладиган илмий тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар, магистрлик диссертациясини тайёрлаш, илмий семинарлар ва илмий амалиёт (стажировка) лар учун ажратилган.

Ўқув режалари 3 хил шаклда ишлаб чиқилади – намунавий ўқув режа (НЎР), талабанинг шахсий ўқув режаси (ШЎР) ва ишчи ўқув режа (ИЎР). Барча шаклдаги ўқув режаларида фанларни ягона кодлаш тизими қўлланилади. Кодлар фанларнинг харф ва рақамли ифодаси бўлиб, фанлар номи ва тартибини кўрсатади.

НЎР да фанларнинг мазмуни ва иш ҳажми кўрсатилади, ҳамда иловаларда фанларнинг қисқа баёни келтирилади. НЎР таянч хужжат ҳисобланади, у бутун ўқув даври мобайнида ўзгармайди, ҳар бир мажбурий фан учун аниқ кредитларни белгилайди. Танлов фанлари учун фақат умумий кредитлар кўрсатилади. НЎР олий ўқув юрти ректори томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда асосий кадрлар буюртмачилари билан келишилган ҳолда тасдиқланади. НЎР асосида ШЎР ва ИЎР лар ишлаб чиқилади.

ШЎР ни шакллантиришда талабага НЎР га қўшимча равишда яна танлов фанлари каталоги (ТФК) ҳам зарур бўлади. ТФК асосида фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари ва бошқа турдаги ўқув-ташкилий хужжатлар ишлаб чиқилади.

НЎР намунаси иловада 2-шаклда, ШЎР намунаси 4-шаклда, ИЎР намунаси 5-шаклда келтирилган.

Танлов фанлари каталоги

Кредит таълим тизимида танлов фанлари каталоги (ТФК) мутахассисликнинг ўқув-услубий мажмуасининг мажбурий элементларидан бири саналади ва у олий ўқув юртининг Услубий Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Мутахассисликнинг ТФК талаба томонидан ўзининг ўқув траекториясини мослашувчан тарзда шакллантириш учун танланадиган фанлар рўйхатидан иборат.

ТФК олий ўқув юртининг барча йўналиш ва мутахассисликлари бўйича тузилади ва келгусида касбий фаолият турлари ҳамда ва мутахассиснинг ҳар томонлама етук кадр бўлиб шаклланиши учун зарур бўлган фанларни ўзида камраб олади. ТФК да таълим дастуридаги барча танлов фанларининг қисқа мазмуни келтирилади.

ТФК да йўналишнинг (гуманитар ва табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фан блоклари) ёки мутахассисликнинг (умумметодологик ва мутахассислик фан блоклари) танлов фанларининг кодлари, кредитлари ва мумкин қадар пререквизитлари ва постреквизитлари келтирилади.

ТФК талабанинг шахсий қобилиятлари, ўсиш истиқболлари, ишлаб чиқаришнинг талабалари асосида эдвайзер ва деканат раҳбарлигида ШЎР тузишда қўлланилади. Талабанинг ШЎР га пререквизитлар ва постреквизитлар ёрдамида тузатишлар орқали фанларни ўрганиш траекторияси мослашувчан қилинади.

ШЎР ҳар бир талабанинг ўқув траекториясини белгилаб беради. ШЎР бутун ўқув даври учун белгиланган тартибда РО да талабаларнинг олдиндан фанларга ёзилиши тартибида шакллантирилади (Enrollment) ва ҳар ўқув йилида эдвайзернинг ёрдами билан шахсан талаба томонидан тузатишлар киритилади.

Талабанинг ШЎР декан томонидан 3 нусхада тасдиқланади ва биринчиси – ўқитувчиларнинг ўқув юкламасини ҳисоблаш ва ўқув режасининг бажарилишини назорат қилиш учун деканатда, иккинчиси – якуний назорат ва аттестацияларни ташкил қилиш учун РО да, учинчиси – талабанинг ўзида сақланади.

ИЎР ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ҳисоблаш учун асос бўлиб деканатлар томонидан барча фанларга ёзилган ва ўқиш учун тўловни амалга оширган талабаларнинг ШЎР тўплами асосида тузилади. ИЎР ректор томонидан услубий кенгаш тавсияси асосида тасдиқланади. ИЎР дарс жадвалларини тузиш ва профессор-ўқитувчилар штатини ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқув режаларидаги фанларни ҳалқаро номлар асосида кодлаш мақсадга мувофиқ. Қуйида намуна сифатида кимёвий технология йўналиши бўйича кодлаш намунаси келтирилган:

HNSD – Humanities and Natural-Science disciplines (Гуманитар ва табиий-илмий фанлар)

MATH – Mathematics (Математика)

ITECH – Information Technologies (Ахборот технологиялари)

PHYS – Physics (Физика)

GPRD – General professional disciplines (Умумқасбий фанлар)

INCH – Inorganic Chemistry (Анорганик кимё)

ORCH – Organic Chemistry (Органик кимё)

PHCH – Physic Chemistry (Физик кимё)

CHAN – Chemical Analysis (Кимёвий таҳлил)

PHCA – Physic-Chemistry analysis (Физик-кимёвий таҳлил)

GCHT – General Chemical Technology (Умумий кимёвий технология)

ENGR – Engineering Graphics (Муҳандислик графикаси)

MECH – Engineering mechanics (Муҳандислик механикаси)

THPS – Theory of Probability and Statistics (Эҳтимоллар назарияси ва статистика)

EEBE – Electrical Engineering and Basics of Electronics (Электротехника ва электроника асослари)

THED – Chemical Thermodynamics (Кимёвий термодинамика)

PROC – Technological processes and equipment (Технологик жараёнлар ва қурилмалар)
 PMOD – Process Modeling (Технологик жараёнларни моделлаштириш)
 SPEC – Special disciplines (Ихтисослик фанлари)
 INSP – Introduction to the specialty (Ихтисосликка кириш)
 POLY – Tehcnology of Polymers (Полимерлар технологияси)
 MATS – Material Sciences (Материалшунослик)
 DCHE – Design of Chemical Enterprises (Кимёвий ишлаб чиқаришни лойиҳалаш)
 ADDD – Additional disciplines (Қўшимча фанлар)
 PRGR – Practices and Graduation (Амалиётлар ва битирув иши)
 PRAC2 – Introductory practice (Танишув амалиёти)
 PRAC4,6 – Professional practice (Касбий амалиёт)
 PRAC8 – Undergraduate practice (Битирув олди амалиёти)
 GRAD8 – Preparation of Graduate Work (Битирув ишини тайёрлаш)

ТФК намунаси иловада 3-шаклда келтирилган. Унда ҳар бир фан блокидан фақат битта фаннинг қисқа баёни (course description) келтирилган.

4.2. Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси

Кредит таълим тизими ўқитувчиларнинг ишини сезиларли даражада ўзгартириб юборади, улар ўз олдига доим ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўз билимини ошириш, ўқув жараёнининг янги ўқув-услугий таъминотини яратиш заруриятини қўйишади. Бунда энг аввало аудиторияда фойдаланиладиган материаллар мазмунига жиддий эътиборни қаратган ҳолда талабаларнинг мустақил иши янада сифатли ва аҳамиятли бўлиши таъминланади. Талабаларнинг билиш фаолиятини, айниқса аудитория машғулотларини ташкил қилиш ва уларни бошқариш комплекс услубий ва дидактик ишланмалар бўлишини назарда тутлади.

Кредит таълим тизимида талабаларнинг қизиқишларини тўлиқ ҳисобга олиш, уларнинг таълимга бўлган қизиқишини таъминлаш, ўқитувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, турли таълим усулларини такомиллаштириш ва қўллашни, шу жумладан ўқув-услугий таъминот сифатини яхшилашни ҳам назарда тутлади. Кредит таълим тизими ҳар бир фан бўйича янги авлод дарсликлари ва ўқув-услугий мажмуаларни яратиш ва жорий қилишни назарда тутлади.

Фаннинг ўқув-услугий мажмуаси (ЎУМ) мавжуд анъанага кўра ўқув-ижодий жараёнларнинг ташкилий-услугий таъминотининг асоси ҳисобланади. Шунга мувофиқ, фанларнинг ЎУМ ни яратиш, синовдан ўтказиш, такомиллаштириш масалаларига педагогик изланишларда муҳим эътибор қаратилади. Фанларнинг ЎУМ узлуксиз таълимнинг барча бўғин ва тармоқларида ахборот муҳитини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ва ресурс билан таъминлашнинг муҳим омили саналади.

Фанларнинг ЎУМ олий таълим ДТС ва МТ, йўналиш ва мутахассисликларнинг намунавий ва ишчи ўқув режалари мазмунига мувофиқ ишлаб чиқилади ва фанларнинг асосий мазмунини ўзида акс эттиради. Буларнинг ҳаммаси талабаларнинг фанларни ва ўз ўқув траекториясини танлашини енгиллаштиришга қаратилган.

Фанларнинг ўқув-услубий мажмуаси қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган:

- аниқ мутахассисликнинг таълим дастурида ўқув фанининг ўрни ва ролини кўрсатиш;
- таълим дастурида фанлараро мантиқий боғлиқликларни амалга ошириш;
- ўқув вақтини мавзулар ва ўқув машғулоти турлари бўйича тақсимлаш;
- талабаларнинг аудиториядаги ва аудиториядан ташқаридаги мустақил ишини ташкил қилиш;
- талабаларнинг билим олиш ва ижодий фаолиятини фаоллаштириш;
- ўқув ва изланиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

Одатда, фаннинг ЎУМ намунавий дастур, ишчи ўқув дастури, глоссарий, қисқа маъруза матнлари, услубий материаллар, талабаларнинг мустақил ишлаши учун ўқув-амалий материаллар, назорат-ўлчов материаллари ва зарур адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади.

Фаннинг ЎУМ кафедра мажлисида ва ўқув-услубий комиссия томонидан муҳокама қилинади.

Қуйида фаннинг ЎУМ нинг намунавий тузилмаси келтирилган.

1-бўлим. Наманавий дастур.

2-бўлим. Ишчи ўқув дастури (Syllabus).

3-бўлим. Глоссарий.

4-бўлим. Маъруза матни (мавзу номи, мақсади, калит сўзлар, асосий масалалар (режа) ва уларнинг қисқа мазмуни, мазмунни ифодаловчи схемалар, формулалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к., назорат саволлари, тавсия қилинадиган адабиётлар).

5-бўлим. Амалий ва лаборатория машғулоти учун услубий кўрсатмалар:

- амалий машғулоти бўйича: амалий машғулоти мавзуси, мақсади, асосий масалалар, услубий тавсиялар, амалий топшириқлар, адабиётлар, иловалар (тарқатма материаллар).

- лаборатория машғулоти бўйича: лаборатория иши мавзуси, мақсади, қўлланиладиган жиҳозлар ва материаллар рўйхати, назарий материал (зарур назарий тушунчалар ва қурилманинг конструкцияси), хавфсизлик қоидалари, ишни бажариш тартиби, ҳисобот шакллари, назорат саволлари, адабиётлар).

6-бўлим. ТМИ бўйича топшириқлар (топшириқ мавзуси, мақсади, йўриқнома (ёки водкаст), кўп сўраладиган саволлар (FAQ), топшириқ андозаси, тарқатма материаллар).

Кредит таълим тизими ТМИ ни янада юқори сифатда ташкил қилишни ва назорат қилишни талаб қилади. ТМИ реферат, кейс, кроссворд, масала ишлаш, машқ қилиш каби уй топшириқларини бажаришни ўз ичига олади. ТМИ нинг самарадорлиги унинг услубий таъминланганлигига, интернет ресурсларига ва ҳ.к. ларга кўпроқ боғлиқ.

7-бўлим. Ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари (ЎРТМИ - Office hours). Бу аудиторияда ўтказиладиган кредит таълим тизимидаги ўқув ишлари шаклларида бири саналади. ЎРТМИ иккита – маслаҳат ва назорат вазифаларини бажаради. ЎРТМИ бу талаба ва ўқитувчининг биргаликдаги иши ҳисобланади, чунки бу машғулотлар диалог режимида, масалан, тренинг, баҳс-мунозара, иш ва дидактик ўйинлари, тақдимот, кейс тузиш, шахсий ёки гуруҳ лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу каби шаклларда олиб борилади.

Ҳар бир ЎРТМИ учун муайян масалаларни аниқлаштиришга, уларни кенгайтиришга, у ёки бу вазиятларни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилишга, масала ишлашга ёрдам берадиган материаллар тайёрлаб қўйилиши зарур (кейслар, ролли ўйинлар, тестлар, кроссвордлар ва ҳ.к.).

ЎРТМИ нинг анъанавий турлари – ҳисоб-чизма ишлари, курс иши, курс лойиҳаси, ўқув кейсларидир. Бу ишлар мукамал услубий таъминотга эга бўлиши ва касбий фаолият ҳамда ҳаётий вазиятлар билан боғланган бўлиши зарур.

ЎРТМИ қуйидаги вазифаларни бажаради:

Маслаҳат вазифаси:

- ҳар бир фан бўйича талабаларнинг мустақил ишларига ёрдам бериш;
- талабага дастурий материални ўзлаштириб олиши учун иш усулларини танлашга ёрдам бериш;
- талаба учун мураккаб бўлган мавзунинг баёнини қайта эшитиш, ўқув материалини мустаҳкамлаш учун амалий топшириқларни бажариш имкониятини яратиш;
- ўқув материалини чуқур ўзлаштиришга ёрдам бериш;
- илмий соҳада талабанинг мустақил ишига ёрдам бериш.

ЎРТМИ нинг назорат вазифаси оралик ва якуний назорат мобайнида талабаларни ўқишга қизиқтириш мақсадида амалга оширилади. ЎРТМИ ни бажариш давомида талаба назорат ишларини бажариш учун топшириқлар олади, тьютор билан маслаҳатлашади ва баҳо олади (жорий назоратда).

Таълим жараёнини ташкил қилишнинг муҳим масалаларидан бири талабаларнинг ўзлаштиришини доим мониторинг қилишдир.

ЎРТМИ режаси қуйидаги тузилишга эга бўлади:

- топшириқ мавзуси;
- мақсади;
- ўтказилиш тартиби;
- топшириқ ва саволлар;
- услубий тавсиялар, тарқатма материаллар;
- адабиётлар.

8-бўлим. Назорат-ўлчов воситалари. Буларга мавзулар бўйича назорат саволлари, тестлар, ўргатувчи тестлар, синов ва имтиҳон саволлари, кириш саволлари, комплекс имтиҳон саволлари киради.

Ишчи ўқув дастури (Syllabus) – ўқув дастурининг баёни тақдим қилинган асосий ўқув-услубий ҳужжатдир. Фаннинг силлабуси талабага ҳар семестр бошида берилади. Силлабус фаннинг батафсил ишланмаси ҳисобланиб фан ўқитувчиси томонидан ишлаб чиқилади. Силлабус аниқ тузилишга эга бўлади, унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

Умумий маълумотлар:

- олий ўқув юрти номи;
- кафедра номи;
- тасдиқлаш белгиси;
- дастур номи;
- фан коди ва номи;
- кредит миқдори;
- семестр;
- вақти;
- ўқитувчи(лар) ҳақида маълумотлар;
- мулоқот манзили;
- интизомий талаблар – аудиторияда ўзини тутиш, ишни муддатида топшириши, имтиҳонга келмаслик, дарс қолдириш.

Дастур:

1) Кириш:

- фаннинг аҳамияти;
- фаннинг мақсади ва вазифалари;
- таълим натижалари;
- пререквизитлар;
- постреквизитлар;

2) Фан модуллари (машғулотлар, тақдимотлар, тарқатма материаллар ва шу кабиларни ўзида акс эттиради) – ақлий фаолиятни рағбатлантириш, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, кейс-стади, презентация, иш ўйини, машқлар (мантқиқий масалалар), вазиятли масалалар, анжуман, қисқа маъруза, ҳамкорликдаги интервью, хатоларни топиш каби интерфаол усулларга алоҳида эътибор берилиши керак;

- тақвимий-мавзули режалар;
- график органайзерлар;
- интерфаол ўқитиш усуллари;
- мустақил таълим шакллари;
- баҳолар тўғрисида ахборот (grades), ҳар бир баҳо учун талаб этиладиган ишлар баёни, баҳоларни аниқлаш сиёсати (билимларни баҳолаш шкалалари, талабаларнинг билимларини баҳолаш мезонлари, иш турлари рўйхати, уларни бажариш бўйича талаблар, имтиҳон баҳоларини қўйиш мезонлари, апелляция қоидалари).
- асосий адабиётлар;

- кўшимча адабиётлар (кўшимча ўқув адабиётлари рўйхати, меъёрий-хукукий база, даврий нашрлар, интернет манбалари);

- маъруза ва семинар жадваллари (куни, соати, ҳар бир машғулотнинг мавзулари, тақвимий-мавзули режа, маъруза ва семинар машғулотлари режаси ва мустақил ўрганиш учун назорат саволлари, асосий адабиётлар).

Иловада (6-шакл) техник йўналишдаги фаннинг силлабуси намунаси келтирилган.

4.3. Талабанинг ахборот пакети

Талабанинг ахборот пакети маърумотнома-йўриқнома ва талабанинг ўқув-услубий мажмуасини (ЎУМ) ўз ичига олиб, талабанинг олий ўқув юртидаги барча фаолият турларига тегишли ҳужжатлар жамланмасини ўзига қамраб олади. Талабанинг ЎУМ унинг янги академик талабларга мослашувчанлигини, ўқитиш методикасини янада такомиллаштириш мақсадида “тесқари алоқа”ни жадаллаштириш ва олий таълим муассасаси шароитларида таълим мазмунига оид илғор тажрибаларни жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилади.

Талабанинг ЎУМ кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва декан томонидан тасдиқланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- талабанинг шахсий ўқув режаси (ШЎР);
- танлов фанлари каталоги (ТФК);
- ишчи ўқув дастурлари (Syllabus);
- ТМИ, жумладан ЎРТМИ бўйича услубий кўрсатмалар;
- барча турдаги назоратлар учун тест топшириқлари;
- амалиёт учун материаллар.

Талабанинг ЎУМ намунада кўрсатилган ягона шаклда тўлдирилиши зарур. Титул варағининг орқа томонида библиографик баён ва ҳужжатнинг аннотацияси келтирилиши лозим. ЎУМ нинг библиографик баёни ҳужжат номи, тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, чоп этилган шаҳар, нашриёт ва йилини ўз ичига олиши лозим. Аннотация ҳажми 10 та гапдан ошмаслиги мақсадга мувофиқ.

Талабанинг ШЎР ҳар бир талабанинг алоҳида таълим траекториясини белгилаб беради ва шахсан талаба томонидан ҳар ўқув йили учун белгиланган шаклда расмийлаштирилади. Бу режалар РО га топширилади, факультет декани томонидан тасдиқланади. ШЎР нинг битта нусхаси РО да сақланади ва ўқув режанинг бажарилишини назорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, иккинчиси – талабага тақдим этилади.

Ўқув жараёни мобайнида талабанинг ЎУМ етакчи тьюторлар томонидан маъруза ва амалий машғулотлар мобайнида фаол тарқатма материаллар (ФТМ - Handouts) билан тўлдириб борилади.

Маълумотнома-кўрсаткич

Кредит-модуль тизимининг асосий фарқли жиҳатларидан бири фақат талабаларни зарур ўқув ҳужжатлари билан таъминлашдан иборат бўлиб

қолмасдан, шунингдек, олий таълим муассасаси талабага олий таълим муассасаси, йўналишлар, мутахассисликлар, ўқув жараёнининг ташкил қилиниши ва билимларни назорат қилиш, мустақил ўқишга тайёрланиш, дам олиш ва ҳар томонлама ривожланиш шароитлари ҳақида тўлиқ ахборотни тақдим қилиши керак.

Маълумотнома-кўрсаткич салоҳиятли ҳамкорлар ва талабалар, шунингдек, ҳамкор олий ўқув юртларининг ўқитувчилар жамоасига ўқув ва маъмурий тадбирлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Маълумотнома-кўрсаткичдаги ахборотлар таълим жараёни ва қўшимча тадбирларнинг шаффофлигини ошириш, талабаларни мос дастурларни танлашга йўналтиришдаги ўқувчилар меҳнатини енгиллаштириш ва мамлакат олий таълим муассасасаларида ва хорижда уларнинг ўқишини режалаштириш ҳамда талабага амалий ахборотларни тақдим қилиш учун мўлжалланган.

Унда шунингдек, олий таълим муассасаси, унинг жойлашиши, талабаларнинг яшаш тарзи, қайд қилиш учун зарур маъмурий тадбирлар ҳақидаги умумий ахборотлар ва академик календар ҳам мавжуд бўлади. Унга яна шунингдек, олий ўқув юртига қабул қилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар, машғулот турлари ва назорат шакллари, ўқитиш усуллари ва технологиялари, фанларнинг кредит ҳажми ва уларнинг тузилмаси, фанларни ўқитишни ташкил қилувчи факультетлар ва бўлимлар номлари ҳам киритилган. Маълумотнома нашрига имтиҳонларни ўтказиш шароитлари ва уларни баҳолаш, олий ўқув юртини тугатгандан кейин бериладиган академик даражалар ҳам киритилади.

Маълумотнома-кўрсаткич қуйидагилардан таркиб топади:

- Кириш.

Кириш ташкилотнинг асосий низомини, тузилмасини, даражаларини, йўналиш ва мутахассисликларини ва Ўзбекистон Республикасида, шунингдек, олий ўқув юртидаги мавжуд малакаларини ўзида акс эттириши ўзида акс эттириши зарур.

- Олий ўқув юрти ҳақида умумий маълумотлар

Бу бўлимда олий ўқув юртининг миссияси, унинг қисқа тарихи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, белгиловчи ҳужжатларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги маълумотлар акс эттирилади.

- Академик календар

Академик календар дам олиш кунлари (таътилар) кўрсатилган ўқув йили давомидаги ўқув машғулотлари ва назорат тадбирларини ўтказиш жадвалидан иборат.

- Талаба календари

Талаба календари йил давомида олий ўқув юрти томонидан ташкил этиладиган ташкилий-оммавий тадбирларнинг жадвалидан иборат.

- Кредит таълим тизимини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бу бўлимда таълим жараёнини ташкил қилишнинг қуйидаги асосий ҳолатлари ва қоидалари акс эттирилиши керак:

- фанларни ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш тизими.
- олий ўқув юртининг лаборатория-компьютер, спорт-кўнғил очиш ва ахборот-техник базасидан фойдаланиш қоидалари (кутубхона, нусха кўчириш хизматлари, компьютерлар, интернет, WiFi).
- талабанинг ҳаракатлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари (этика ва бурч кодекси).

Талабанинг ўзи хорижда ўқиш дастурини режалаштириши ва ташкил қилиши учун олий ўқув юртига маълумотнома-кўрсаткични давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрлаш тавсия қилинади.

Кредит-модуль тизимида ўқиётган талабалар ўқув курсларига қайд қилинишида жаҳон амалиётида қабул қилинган кодлаш тизимига диққатини қаратиши зарур. Кодлар фан номи билдирувчи тўртта ҳарф ва ўқиш семестрини билдирувчи битта рақам ҳамда курс ичидаги тартиб рақамни билдирувчи иккита рақамдан ташкил топган. Масалан, EEBE208 коди “Электротехника ва электроника асослари” (Electric Engineering and Basics of Electronics) фани 2-курсдаги фанлар ичида 8-тартиб рақами билан белгиланганлигини билдиради.

4.4. Деканат ва ўқув бўлими ҳужжатлари

Таъкидлаб ўтилганидек, кредит-модуль тизими шароитида деканат ва ўқув бўлимларининг диққати фақат таълимни юқори сифатли режалаштиришга, ўқув жараёнини ташкил қилишга ва таълим самарасининг мониторингига қаратилган. Қуйида кредит-модуль тизими шароити учун тавсия қилинадиган ҳужжатлар келтирилган:

- кафедра ўқув юкламаси;
- педагогик юклама топшириғи;
- дарс жадваллари;
- ўқитувчининг дарс жадвали;
- талабанинг шахсий дарс жадвали;
- академик гуруҳ журнали;
- ўқитувчининг шахсий иш режаси;
- профессор-ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф varaғи.

Педагогик юклама соатлари ҳисоби

Ишчи ўқув режалари, педагогик юкламалар учун вақт меъёрлари ва талабалар контингентидан келиб чиқиб кафедра профессор-ўқитувчиларининг умумий педагогик юкламаси аниқланади. Ҳисоблар соат ва кредитларда кўрсатилади ва ўқув ишлари проректори томонидан тасдиқланади.

Кафедра ўқув юкламаси шакли иловада 7-шаклда келтирилган.

Педагогик юклама топшириғи

Кафедра мудири кафедра ўқув юкламаси ҳажмидан, лекторлар ва тьюторлар учун белгиланган педагогик юклама меъёрлари ва семестрлар бўйича бир тақсимланишидан келиб чиққан ҳолда кафедранинг штатлар

бирлигини аниқлайди. Барча ҳисоб ишлари академик соат ва кредитларда амалга оширилади. Педагогик юклама топшириғини ўқув ишлари проректори тасдиқлайди ва дарс жадвалларини тузиш учун деканатга тақдим қилинади.

Педагогик юклама топшириғи намунаси иловада 8-шаклда келтирилган.

Дарс жадваллари

Дарс жадваллари диспетчерлик хизматлари томонидан уч хил шаклда тайёрланади: умумий, ўқитувчи учун ва талаба учун. Умумий дарс жадвали ўқув ишлари проректори томонидан тасдиқланади ва ўқув семестри бошланишидан камида 10 кун олдин эълон қилинади.

Дарслар жадвали шакли иловада 9-шаклда келтирилган.

Профессор-ўқитувчиларга семестр учун ҳафта кунлари, дарс ўтиш саналари кўрсатилган дарслар жадвалининг шахсий варақаси берилади. Дарс жадвали варақаси 2 нусхада тайёрланади, биринчиси – тьюторга берилади, иккинчиси – ўқув назорати ва режалаштириш бўлимида қолдирилади.

Ўқитувчининг дарс жадвали шакли иловада 10-шаклда келтирилган. Ҳар бир талабага шахсий дарс жадвали тақдим этилади. Талабанинг шахсий дарс жадвали шакли иловада 11-шаклда келтирилган.

Академик гуруҳ журнали

Бу журналда семестрлар бўйича барча таълим шакллари ва босқичлари (бакалаврият, магистратура, докторантура) бўйича ўқув юкламаларининг, ўтилган маърузалар, амалий, лаборатория ва ЎРТМИ (ҳисоб-чизма иши, курс иши, курс лойиҳаси ва ҳ.к.) машғулотларининг бажарилишининг ҳисоби юритилади. Бу журнал ўқитувчининг бажарган ишининг ҳисоби юритиладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Журнал анъанавий академик гуруҳ журнали шаклида юритилади.

Ўқитувчининг шахсий иш режаси

Ушбу ҳужжатда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили бўйича барча бажарадиган ишлари режалаштирилади ва ҳар семестр якунида бажарилган ишлари ҳисоби юритилади.

У ўқув ишлари, ўқув-услубий ишлар, илмий-тадқиқот ишлари, “устоз-шогирд” ишлари каби бўлимлардан иборат бўлади. Ўқитувчининг шахсий иш режаси битта А4 форматдаги қоғозга олд ва орқа томонларига расмийлаштирилиб жами 4 бетдан иборат бўлади.

Ўқитувчининг шахсий иш режаси шакли иловада 12-шаклда келтирилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф варағи

Профессор-ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф буюриш қуйидаги мақсадларни кўзда тутаяди:

- олий ўқув юртларининг етакчи ўқитувчилари тажрибасини ўрганиш, алмашиш ва тарқатиш;

- ишчи фан дастурларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;
- ёш ўқитувчиларнинг малака ошириши;
- профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро алмашилишини таъминлаш;
- йиллик ва ойлик устамаларни белгилаш;
- йиллик аттестацияга тавсифлар бериш;
- шахсий меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш бўйича таклиф киритиш;

Ташриф жараёнини ташкил қилиш қуйидагича амалга оширилади:

- кафедра мудирлари томонидан ҳар йил сентябрь ойида профессор-ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф жадвали ишлаб чиқилади ва факультет декани томонидан тасдиқланади;

- дарслар сифатини баҳолаш ҳаққоний бўлишини таъминлаш ва юқорида келтирилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида икки хил олий ўқув юрти ва факультет миқёсида доимий фаолият юритувчи комиссия ташкил қилинади;

- ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф жараёнида комиссия аъзолари томонидан максимал даражада хайрхоҳлик муҳити яратилиши зарур;

- ўқитувчиларнинг дарсларига ташриф буюрилгани ҳақидаги маълумотлар сир тутилиши зарур;

- ташриф натижалари профессор-ўқитувчиларнинг дарсига ташриф буюриш журналида акс эттирилади ва “Профессор-ўқитувчининг дарсига ташриф варағи”га мувофиқ расмийлаштирилади. Унга дарсга ташриф буюрганлик ҳақидаги маълумотлар, дарс сифати ҳақидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ тузилган хулоса киритилади

- ташриф натижалари шу ойнинг ўзида кафедра мажлисида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилиниши зарур;

- дарсларга ташриф варақларининг барчаси таълим сифати назорати бўлимига қайд қилиш учун тақдим этилади, кейин эса кадрлар бўлимига узатилади.

- кафедра мудирлари, деканлар ва проректорлар томонидан устама ҳақлар белгиланиши учун профессор-ўқитувчилар томонидан ўтган даврдаги дарсга ташриф натижалари ҳисобга олиниши зарур.

Дарсга ташриф варағи шакли иловада 13-шаклда келтирилган.

4.5. Регистратор офиси ҳужжатлари

Кредит таълим тизими Регистратор офиси ҳужжатлар пакетининг юритилишини назарда тутди. Уларга қуйидагилар кирди:

- академи календарь;
- қабул ҳужжатлари (қабул учун ариза, суҳбат варағи, ҳужжат топширилгани ҳақида тилхат);
- фанларга ёзилиш (шахсий ўқув режани шакллантириш);
- оралик назорат қайдномаси (Midterm Examination);
- шахсий оралик назорат қайдномаси;
- якуний назорат қайдномаси (Final Examination);

- шахсий якуний назорат қайдномаси;
- транскрипт.

Академик календарь

Академик календарь (Academic Calendar) – ўқув йили давомида дам олиш кунларини (таътил ва байрамлар) кўрсатган ҳолда амалга ошириладиган ўқув ва назорат тадбирлари тақвими. Янги ўқув йили учун академик календарни июль ойигача тасдиқлаш тавсия этилади.

Академик календарь шакли иловада 14-шаклда келтирилган.

Қабул ҳужжатлари

Олий ўқув юртига ҳужжатларни топширишда абитуриент ўқишга қабул қилиш ҳақида ариза билан мурожаат қилади, бунда йўналиши, курси, абитуриент ҳақида маълумотлар, жинси, фуқаролиги ва шу каби маълумотларни кўрсатиб ўтади.

Қисқа дастурлар бўйича ўқишга киришда абитуриент суҳбатдан ўтиши зарур. Суҳбат варағи – махсус комиссия томонидан тўлдириладиган ҳужжат бўлиб, унда ўқишга кирувчининг жавоблари, фанлар бўйича қарзи ва курсини белгилаш бўйича тавсиялар акс эттирилган бўлади.

Ҳужжатлар топширилганлиги тўғрисидаги тилхат асосий варақ ва йиртиб олинadиган варақ (корешок) дан иборат бўлиб, улар олий ўқув юртига ўқишга кириш учун зарур ҳужжатлар узатилганлигини тасдиқлайди (олий ўқув юртига кириш намунавий қоидаларига мувофиқ).

Абитуриентнинг аризаси шакли иловада 15-шаклда келтирилган.

Фанларга ёзилиш (шахсий ўқув режани шакллантириш)

Фанларга олдиндан ёзилиш (Enrollment) назорат тадбирлари тақвими бўйича ҳар йили белгиланган тартибда Регистратор офисида 10-30 апрель кунлари эдвайзернинг ёрдами билан шахсан талаба томонидан амалга оширилади. Ёзилиш намунавий ўқув режаси (НЎР) ва танлов фанлари каталоги (ТФК) асосида бажарилади. Бу ҳар бир талабанинг ўқув траекториясини алоҳида белгилаб берувчи шахсий ўқув режаси (ШЎР) шакллантирилади.

Шахсий ўқув режаси фанларга олдиндан ёзилиш бўйича шакллантирилади. Талабанинг шахсий ўқув режаси декан томонидан уч нусхада тасдиқланади: биринчиси - ўқитувчиларнинг ўқув ишлари ҳисобини юритиш учун деканатда сақланади ва талабанинг ўқув режасини бажаришини назорат қилиш учун фойдаланилади, иккинчиси – якуний назоратларни ташкил қилиш учун Регистратор офисига берилади, учинчиси – талабага берилади.

Оралик назорат қайдномаси (Midterm Examination)

Ўзлаштиришнинг оралик назорати (Midterm Examination) – талабанинг фанларни ўзлаштиришини даврий текшириш бўлиб, академик календарнинг

8- ва 15-хафтларида “Рейтинг қайдномаси”ни тўлдириш орқали тьютор томонидан амалга оширилади ва имтиҳонлар бошланишидан олдин Регистратор офисига топширилади. Оралиқ назоратни ўтказишни ташкил қилиш факультет деканлари зиммасига юклатилади.

Талабалар рейтинг натижалари бўйича апелляция ҳуқуқига эгалар. Апелляцияга ариза шахсан талаба томонидан декан номига оралиқ назорат ўтказилгандан сўнг 3 кун ичида топширилади ва кафедранинг фан апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Оралиқ назорат қайдномаси шакли иловада 16-шаклда келтирилган.

Курс лойиҳаси (иши) фаннинг ишчи ўқув дастурига мувофиқ амалий масалаларни ечиш орқали назарий материални сифатли ўзлаштириш мақсадида ташкил қилинади. Курс лойиҳаси (иши) ўқув даври мобайнида бажарилади ва оралиқ назорат ичида баҳоланади.

Сиртки таълимда ва ОН бир марта ўтказилиши белгиланган ҳолларда қайдноманинг фақат 1-ОН учун ажратилган устунлари тўлдирилади.

Барча шаклдаги қайдномаларда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9-августдаги 19-2018-сонли буйруғига илова қилинган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш баҳолаш тизими тўғрисидаги низом”га мувофиқ қуйидагиларни инобатга олиш зарур: “аъло” – 90-100%, “А”, “А-”; “яхши” – 70-89%, “В+”, “В”, “В-”, “С+”; “қониқарли” – 60-69%, “С”, “С-”; “қониқарсиз” – 0-59%, “D+”, “D”, “F”.

Оралиқ назорат қайдномасига тузатишлар киритиш тақиқланади.

Апелляция комиссияси аъзолари қайдномани апелляция жараёни вақтида имзолайдилар.

Биринчи ва иккинчи оралиқ назорат бўйича 60% дан кам натижа кўрсатган, шунингдек, узрли сабаблар билан қатнашмаган талаба имтиҳонгача оралиқ назоратни “Шахсий оралиқ назорат қайдномаси” бўйича топшириш ҳуқуқига эга.

“Шахсий оралиқ назорат қайдномаси” шакли иловада 17-шаклда келтирилган.

Шахсий оралиқ қайдномаси асосий “Оралиқ назорат қайдномаси”га қўшиб тикилади.

Яқуний назорат қайдномаси (Final Examination)

Яқуний назорат (Final Examination) – талабанинг фанларни ўзлаштиришини текшириш усули бўлиб, фан ўқиб бўлинганидан сўнг Регистратор офиси томонидан ўтказилади. Яқуний назорат шакли ишчи ўқув дастурларида белгилаб қўйилади.

Яқуний назоратга оралиқ назорат бўйича 60% дан паст натижа кўрсатган талабалар киритилмайди.

Яқуний назорат қайдномаси шакли иловада 18-шаклда келтирилган.

Имтиҳон натижалари бўйича талабалар апелляция ҳуқуқига эга. Апелляцияга ариза шахсан талаба томонидан имтиҳон натижалари эълон

килингандан сўнг 3 кун ичида Регистратор номига берилиши керак. Апелляция кафедранинг апелляция комиссияси томонидан ишчи ўқув дастурида белгиланган шаклда амалга оширилади.

Шахсий якуний назорат қайдномаси

Имтиҳонни узрли сабаб билан ўтказиб юборган талаба имтиҳон муддатини узайтириш ҳуқуқига эга. “Шахсий якуний назорат қайдномаси” имтиҳонларни муддатидан олдин топширмакчи бўлганда ва ўқув режалардаги қарзларни ва фарқларни йўқотишда ҳам берилади.

Шахсий якуний назорат қайдномаси шакли иловада 19-шаклда келтирилган.

Транскрипт

Транскрипт – бу бир ёки бир нечта олий ўқув юртларида орттирилган академик билимлар даражасини акс эттирадиган расмий ҳужжат. Талабанинг фанларни ўзлаштириши мобайнида унинг барча баҳолари ва тўплаган кредитлари транскриптга киритилади. Регистратор транскриптнинг юритилиши ва унга талабанинг баҳолари киритилиши учун масъул ҳисобланади. У ҳар семестр якунида тўлдириб борилади.

Транскрипт қуйидаги маълумотларни ўзида жамлайди:

- талаба ҳақидаги маълумотлар;
- ўзлаштирилган фанлар;
- кредитлар миқдори;
- ҳарфли ифодаланган баҳолар (Grade);
- семестрдаги ўртача баҳо (GPA).

Регистратор офиси фаолияти бошланиши билан бу маълумотлар компьютерга киритилади, яъни ҳар бир талаба учун файл очилади.

Транскрипт олий ўқув юртининг фирма бланкасида расмийлаштирилади ва муҳр билан тасдиқланади. У талабанинг мурожаатига биноан қуйидаги ҳолларда тақдим этилади:

- 1) иш берувчига тақдим этиш учун;
- 2) бошқа олий ўқув юртига ўқишини кўчириш учун;
- 3) магистратурага ўқишга кириш учун.

Транскрипт талабанинг илтимосига кўра иш берувчига ёки бошқа олий ўқув юртига жўнатилиши мумкин. Транскрипт талаба иш берувчининг талабларига ёки бошқа олий ўқув юртида ўқишга қанчалик даражада мос келишини кўрсатади. Талаба ўзи ўзлаштирган фанларнинг тўғри қайд қилинганлигини текшириш ҳуқуқига эга.

Транскриптда талабанинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси, академик даражаси, асосий дастури, қайд рақами, ўқишга кирган ва битирган йили, транскрипт тўлдирилган сана кўрсатилиши шарт. Ҳужжатнинг охирида ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар (лицензия, аттестация, аккредитация) ҳақида маълумот берилади.

Транскрипт шакли иловада 20-шаклда келтирилган.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида техник олий таълимнинг истиқболлари мутахассис тайёрлашда дунёда умумий тан олинган талабларга риоя қилган ҳолда сифатни оширишга йўналтирилган. Бунда, хусусан, замонавий дунё глобализацияси шароитида илмий-техник юксалиш ва бозор муносабатлари талабларини ўзида акс эттирувчи Лиссабон конвенцияси, Болонья Декларацияси ва халқаро таълим стандарти таснифлагичи тамойилларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бугунги кунда мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг асосий сифат кўрсаткичлари – меҳнат бозорида битирувчиларга бўлган талаб, уларнинг рақобатбардошлиги ва касбий фаолиятдаги ютуқлари ҳисобланади.

Таълим тизими, ўз табиатида кўра, тараққиётнинг олдинги сафларида борувчи механизм сифатида замонавий дунёдаги динамик ўзгаришларга ўз вақтида жавоб қайтариши, иқтисодий ўсиш ва илғор тузилмавий ўзгариш жараёнларини кадрлар билан таъминлаши зарур.

Сўнги йилларда дунё таълимида интеграция жараёнларининг жадаллашиши билан талаба ёшларнинг мобиллигини ошириш учун шароит яратиш, дунё университетлар бўйлаб ҳаракатланишидаги тўсиқларни йўқотиш зарурияти ҳақли равишда юзага келди.

Миллий таълим тизимини дунё таълим муҳитига интеграциялаш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Олий таълим тизимимизнинг Болонья жараёнларига ҳар тарафлама мукамал тарзда ўтишини таъминлаш борасида стратегик режалар ишлаб чиқилган. Бу жараёнларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ушбу Концепция таълим жараёнининг халқаро миқёсда шаффоф бўлишига эришиш, миллий таълим тизимининг дунёнинг хоҳлаган бошқа таълим тизимлари билан мослигини таъминлаш, дунёнинг етакчи университетлари сафидан ўрин олиш ғояларига йўналтирилган.

Ҳозирги кунда кредит-модуль тизими Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини халқаро таълим муҳитига интеграцияловчи механизмларидан бири сифатида юзага келмоқда. Бу тизимнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бунда талабаларнинг мустақил таълимига алоҳида урғу берилади, бу эса ўз навбатида бўлғуси мутахассисларда бутун умр давомида ўқиб-ўрганиш кўникмасини шакллантиради.

Айнан шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий таълимини модернизация қилиш бўйича кейинги қадамлар кредит-модуль тизимини халқаро академик таълим тизимини ташкил қилишнинг асоси сифатида синаб кўришга қаратилди.

Ушбу қўлланмада техника олий ўқув юртларида таълим тизимини модернизация қилиш ва кредит-модуль тизимини татбиқ қилиш бўйича комплекс масалалар ўз аксини топган. Унинг мақсади – турдош техника олий

Ўқув юртларига кредит-модуль тизимида ўқув жараёнларини ташкил қилиш бўйича зарур маълумотларни тақдим қилишдир.

Қўлланмада кредит-модуль тизимида оид атамалар келтирилиб ва қисқа изоҳлаб ўтилган бўлиб, улар янги тизимнинг асосий тушунчалари билан танишишга, турли мамлакатлардаги таълим сиёсатига муносабат билдиришга ва талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда кўп босқичли ягоналаштирилган халқаро дастурларга ўтишга имкон беради. Қўлланманинг боб ва мавзуларида эса ушбу атама ва тушунчаларнинг моҳияти аниқ вазиятлар бўйича очиқ берилган.

Турли мамлакатларнинг таълим амалиётида кузатилаётган кредит-модуль тизимининг ўзига хос талқини ва ёндашувлари баён қилинган. Кредит тўплашнинг Европа ва Америка тизимларининг ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Осиё ва Тинч Океани регионларидаги кредитларни ўтказиш тизимлари таҳлил қилиб берилган.

Олий таълим тизими иштирокчилари учун кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг ташкилий тузилмасини характерловчи бир қатор масалалар – ўқув жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш, талабаларнинг мустақил таълимини ташкил қилиш, талабаларнинг билиминини ва малакавий амалиётларини баҳолаш, талабаларнинг ўқишини кўчириш, уларни ўқишдан четлаштириш ва ўқишга тиклаш, масофавий таълим шаклида ўқув жараёнини амалга ошириш каби масалалар жуда муҳимдир.

Ўқув жараёнини меъёрий-услубий иш ҳужжатлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда мутахассисликнинг ва фаннинг ўқув-услубий мажмуалари, танлов фанлари каталоги каби янги шаклдаги ўқув-услубий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва талабалар учун муҳимлиги очиқ берилган.

Қўлланманинг илова қисмида кредит-модуль тизими шароити учун техник олий ўқув юртининг бир қатор ўқув-меъёрий ва ташкилий ҳужжатлари намуналари – академик календарь, оралиқ ва якуний назорат қайдномалари каби ҳужжатлар келтирилган.

Ҳозирги кунда талабанинг билим олиш жараёнларини шахсий таълим траекторияси бўйича ташкил қилиш жараёни кўплаб саволларга сабаб бўлмоқда. Бу масалалар талабанинг ахборот пакети, маълумотнома-йўлланма, талабанинг ўқув-услубий мажмуаси (шахсий ўқув режаси, силлабуслар ва ҳ.к.), транскрипт каби ҳужжатлар воситасида ёритилган.

Кредит-модуль тизими шароитида махсус академик хизматларнинг ўрни беқиёсдир. Амалдаги таълим тизимида талабанинг академик маълумотлари ўқув бўлими, деканат, кафедралар, кадрлар бўлими, бухгалтерия, маркетинг бўлими, қабул бўлими каби қатор тузилмаларда юритиб келинмоқда. Талабаларнинг академик маълумотларини Регистратор офисида жамланган ҳолда юритиш турли мақсадларга йўналтирилган ишларни бир жойда амалга ошириш имконини беради ва таълим тизимидаги такрорланишларнинг олдини олади ахборотларни ишлаш жараёнларини оптималлаштиради. Ўқув жараёнида эдвайзер, лектор ва тьютор каби янги академик фаолият

турларининг пайдо бўлиши эса илмий-педагогик фаолиятни илмий асосланган тарзда ташкил қилишнинг ўзига хос ёндашуви ҳисобланади. Дарҳақиқат, амалдаги таълим тизимида педагогнинг фаолият турлари шунчалик кўпайиб, бир-бири билан чалкашиб кетганки, уларни бир тизимга келтириш анча мураккаб иш ҳисобланади. Эндиликда ушбу педагогик фаолият турлари орқали таълим бериш ва баҳолаш жараёнлари бир-биридан ажратилган ҳолда қаралади.

Тавсия қилинаётган кредит-модуль тизими бакалаврият ва магистратурада 1-курсдан бошлаб барча ўқув фанларини ушбу тизимга ўтказишга имкон беради. Бу жараёнларни амалга оширишда педагоглар жамоасининг ҳамжихатлиги, ташаббускорлиги, қийинчиликларни енгиб ўтиши, олий таълимдаги ислоҳатларни тушуниши ва “талаба марказда” усулидаги ўқув муҳитига ва халқаро олий таълим тизимларига мослашиши ва истиқболдаги академик алмашинув жараёнларини олдиндан режалаштириши жуда муҳим муаммолар ҳисобланади.

Кредит-модуль тизимида таълим жараёнларини ташкил қилиш олий таълим муассасаларидаги барча ўқув фаолиятлар турлари ва босқичларининг шаффофлигини таъминлайди. Таълимнинг танланувчанлиги, шахсий таълим траекториясини танлаш эркинлиги, талабанинг ўзлаштириши ва ютуқларини мунтазам назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг йўлга қўйилганлиги унинг ўқишга бўлган қизиқишини орттиради, доимий равишда ўқув изланишлари ва тадқиқотлари билан шуғулланишига, ўзини-ўзи такомиллаштириб боришига ва мустақил равишда билим олишига ундайди.

Шундай қилиб, таълим жараёнини ташкил қилишдаги анъанавий ва янги ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш асосида тавсия қилинаётган кредит-модуль тизимининг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади:

- академик эркинлик даражаси ортади (фанларни мустақил равишда танлаш, муддатларни белгилаш, ўқитувчиларни танлаш);
- талабаларнинг ўқув фаолиятида мустақил таълим улушининг ортиши (камида 50%);
- дарс жадвалларини 5 кунлик тизимга ўтказишнинг қулайлиги (ҳафтасига 30 соат, кунига 6 соатдан);
- ўқитувчиларнинг дарс бериш фаолиятида ривожлантирувчи муҳитнинг пайдо бўлиши (маслаҳат дарслари, ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишлари);
- назарий таълим улушининг камайиши ва талабанинг амалий характердаги ўлчанувчан кўникмаларни орттириши (турли интерфаол таълим усуллари жорий қилиш, амалий машғулотларни мустақил таълимда давом эттириш ва уларни аниқ фаолият турлари орқали баҳолаш мезонлари);
- талабаларнинг мустақил изланишга қаратилган ўқув фаолиятлари (ўзи танлаган шахсий таълим траекторияси бўйича ўқиш);
- талабаларни ҳаётда мустақил бўлишга кўниктириш, ҳар семестрда турли академик гуруҳларда ўқишига имкон бериш;

- таълим дастурлари мазмунининг инновационлиги (илғор илмий ютуқларга йўналтирилганлиги);
 - талабанинг таълим муҳитига таъсир кўрсатиши (дарснинг ташкил қилинишига, ўқитиш усулларига таклиф ва тавсиялар бериши);
 - таълим дастурларида олий ўқув юрти компонентлари улушининг ортиши;
 - интерфаол, муаммоли-рағбатлантирувчи, инновацион ўқитиш усуллари улушининг ортиши (талабага йўналтирилган таълим муҳити);
 - илмий изланишлар асосида таълим бериш учун шароитларнинг яратилиши;
 - талабаларнинг ўқув ишларини мунтазам ва босқичли тарзда назорат қилиб бориш;
 - ўқитиш методларида самарали ва изланувчан усуллар улушининг ортиши (ижодий ишлар, такдимотлар, портфолио усулларида баҳолашнинг жорий қилиниши орқали);
 - таълим дастурлари мазмуни ва муддатларининг диверсификация қилиниши, талабанинг таълим олишдаги имкониятларининг кенгайтирилиши (танлов асосида кўшимча фанларни ўқиш мумкинлиги, кредитларни олдиндан олиш имконияти, экстерн имтиҳонларни топшириши);
 - талабаларни табақалаб ўқитиш (илғор талабаларни алоҳида гуруҳларда ўқитиш орқали таълим самарасини ошириш);
 - аралаш ўқитишнинг тескари синф (flipped classroom) усулини қўллаш имонияти (катта контингентга умумий маърузаларни материалларни олдиндан тарқатиш ва дарсни савол-жавоб тарзида ўтказиш, дарсни талабаларнинг амалий кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш орқали);
 - бошқа мамлакатларда тан олинадиган малака ва академик даражаларнинг олинishi (дипломларнинг конвертацияси).
- Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кредит-модуль тизимининг самараси, тажрибаларининг муваффақият қозониши қуйидаги омилларга боғлиқ:
- ўқув жараёнининг меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, молиявий-иқтисодий, моддий-техник ва илмий-услубий таъминоти;
 - замонавий дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланганлиги;
 - халқаро ахборот тармоқлари мавжудлиги, лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги ва ўқув фаолиятида янги ахборот технологияларининг қўлланилиши;
 - ўз устида ишловчи, ўз педагогик маҳоратини мунтазам ошириб боровчи, интерфаол ўқитиш усуллари эгаллаган, ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш бўйича тайёргарликдан ўтган ўқитувчиларнинг мавжудлиги;
 - талабаларнинг шахсий ва мустақил таълим фаолияти учун шароитлар яратилганлиги.

Ушбу ўқув қўлланма мазмуни амалий фаолиятга йўналтирилган бўлиб, кредит-модуль тизимида олий ўқув юртлирининг барча ходимларига ва талабаларга зарур маълумотларни ва андозаларни тақдим қилувчи манба сифатида тайёрланди.

Муаллифлар ушбу қўлланма олий таълимнинг барча иштирокчилари – талабалар, ўқитувчилар, раҳбарлар учун доим фойдаланиладиган амалий қўлланма бўлишига, муаммоли вазиятлардан чиқишда яқин ёрдамчи бўлишига ишонч билдиришади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.
5. Реформа и развитие высшего образования. ЮНЕСКО, Париж, 1995.
6. Лиссабонская конвенция: "О признании квалификаций, относящихся к высшему образованию в Европейском регионе". 11.04.1997.
7. Болонская декларация "О Европейском регионе высшего образования". г.Болонья, Италия. 1999.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2001 йил 16 августдаги «343-сонли қорорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги 3-сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.03.2015 й. даги «Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори;
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сонли қарори;
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2018 даги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори;
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. даги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги илм-фанни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилиши ҳамда геология соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларига ташриф давомида ўтказилган 5-сонли мажлис баёни.

Иловалар

1-шакл

Талабани қайд қилиш шакли

Талабанинг шахсий рақами _____
Фамилияси _____
Исми _____
Отасининг исми _____
Йўналиши _____
Ўқиш йили _____
Уй манзили _____
Телефони _____
Эдвайзернинг Ф.И.О. _____
Кафедра _____
Телефон _____

| Мажбурий фанлар | Танлов фанлари | |
|-----------------|---------------------|-------------|
| | Аризада кўрсатилган | Альтернатив |
| 1. | 2. | 1. |
| 2. | 3. | 2. |
| 3. | 4. | 3. |
| 4. | 5. | 4. |
| 5. | 6. | 5. |

Талаба _____
(имзо)

Эдвайзер _____
(имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

"КЕЛИШИЛГАН"
Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазири

ЎҚУВ РЕЖА

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Тошкент кимё-технология
институтининг ректори

И. Маджидов

Таълим йўналиши:

Б. Усмонов

«__» _____ 2020 й.

5320400 – Кимёвий технология
(органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича)

«__» _____ 2020 й.

Академик даража - БАКАЛАВР
Ўқш мuddати - 4 йил
Таълим шакли - кундузги

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| № | Ҳафта | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Умумий кредитлар сони | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|----|----------|--|--|--|---------|--|--|--|--------|--|--|--|---------|--|--|--|--------|--|--|--|---------|--|--|--|------|--|--|--|-----------------------|--------|--|--|--|-----|---|--|--|------|--|-------|-----|------|----|----|---|--------|-----|
| | сентябрь | | | | октябрь | | | | ноябрь | | | | декабрь | | | | январь | | | | февраль | | | | март | | | | | апрель | | | | май | | | | июнь | | | | июль | | | | август | |
| Б1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Σ | | | | | | | | | | | | |
| Б2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Б3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Б4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | Жами: | 164 | 105 | 39 | 14 | 6 | 40 | 204 |

□ Таълим □ А □ Аттестация □ М □ Малакавий амалиёт □ Б □ Битирув малакавий иши ва химояси □ Т □ Таътил

ЎҚУВ РЕЖА

| № | Фан коди | Фан блоклари, фанларнинг номланиши ва фаолият турлари | Кредитлар миқдори | Семестр | Назорат шакли |
|----|---------------------------|---|-------------------|----------------|---------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | HNSD | Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 36 | | |
| | | Мажбурий фанлар | 24 | | |
| 1 | MATH101, MATH102 | Математика 1,2 | 12 | 1,2 | ОН, ЯН |
| 2 | TECH103 | Ахборот технологиялари | 6 | 1 | ОН, ЯН |
| 3 | PHYS104 | Физика | 6 | 2 | ОН, ЯН |
| | GPRD | Умумқасбий фанлар | 115 | | |
| | | Мажбурий фанлар | 109 | | |
| 4 | INCH112, INCH113 | Умумий ва ноорганик кимё 1,2 | 12 | 1,2 | ОН, ЯН |
| 5 | ORCH201, ORCH202 | Органик кимё 1,2 | 12 | 3,4 | ОН, ЯН |
| 6 | RHCH203, RHCH204 | Физик кимё 1,2 | 9 | 3,4 | ОН, ЯН |
| 7 | CHAN205 | Кимёвий таҳлил | 6 | 4 | ОН, ЯН |
| 8 | RHCA206 | Физик-кимёвий таҳлил | 6 | 4 | ОН, ЯН |
| 9 | GCNT302 | Умумий кимёвий технология | 6 | 5 | ОН, ЯН |
| 10 | ENGR114 | Мухандислик графикаси | 4 | 2 | ОН, ЯН |
| 11 | MECH206 | Мухандислик механикаси | 6 | 3 | ОН, ЯН, КЛ |
| 12 | THPS207 | Эхтимоллар назарияси ва статистика | 6 | 3 | ОН, ЯН |
| 13 | EEBE208 | Электротехника ва электроника асослари | 6 | 4 | ОН, ЯН |
| 14 | THED209 | Кимёвий термодинамика | 3 | 5 | ОН, ЯН |
| 15 | MTRL306 | Материалшунослик | 3 | 5 | ОН, ЯН |
| 16 | PROC210, PROC303, PROC304 | Технологик жараёнлар ва қурилмалар 1,2,3 | 18 | 4,5,6 | ОН, ЯН, КЛ |
| 17 | PMOD305 | Технологик жараёнларни моделлаштириш | 6 | 5 | ОН, ЯН |
| 18 | DSGN406 | Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш | 6 | 7 | ОН, ЯН |
| | | Танлов фанлари | 6 | 6 | ОН, ЯН, КЛ |
| | SPEC | Ихтисослик фанлари | 45 | | |
| | | Танлов фанлари | 45 | 1,3,6,7 | ОН, ЯН, КЛ |
| | ADDD | Қўшимча фанлар | 6 | 5 | ОН, ЯН |
| | | Жами | 202 | | |
| | PRGR | Амалиётлар ва битирув иши | 38 | | |
| 19 | PRAC160 | Танишув амалиёти | 2 | 2 | ОН, ЯН |
| 19 | PRAC260 | Ишлаб чиқариш амалиёти | 3 | 4 | ОН, ЯН |
| 21 | PRAC360 | Ишлаб чиқариш амалиёти | 3 | 6 | ОН, ЯН |
| 22 | PRAC450 | Битирув олди амалиёти | 15 | 8 | ОН, ЯН |
| 23 | GRAD475 | Битирув ишнини тайёрлаш | 15 | 8 | ОН, ЯН |
| | | ҲАММАСИ | 240 | | |

Изоҳлар:

- Бир кредит - 30 соатга тенг деб қабул қилинади, аудитория ва мустақил таълим соатлари ҳажми 1:1 ни ташкил этади.
- Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.
- Танлов фанлари ва қўшимча фанлар блоктан бакалаврнинг меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлигини таъминлаш учун Илмий кенгашнинг қарори билан фойдаланилади.
- Ўқув режа куйидаги хорижий ОТМ ларнинг ўқув режаларига мос тарзда ишлаб чиқилди: Каунас Технология Университети (Литва), Кириллик технология институти (Швеция), Манчестер Университети (Англия).

Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти Бош бошқармаси бошлиғи

С. Ниязбеков

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашда маъқулланган.

Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи

О. Базаров

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази директори

З. Ҳакимов

ТКТ И ўқув ишлари бўйича проректори

Т. Сафаров

Кадрлар буюртмачилари:

-

-

-

Тошкент кимё-технология институти

ТАНЛОВ ФАНЛАРИ КАТАЛОГИ

Йўналиш: 5320400 – Кимёвий технология (органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича)

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар (HNSD)

PHIL - Media Philosophy (Медиа-фалсафа) – 6 кредит

Медиа-фалсафа асосларини, ундан фойдаланиш тамойилларини, турли медиалар (ёзувдан то сунъий интеллектгача) нинг хусусиятларига таъсир қилишни ўргатади. Дастур қуйидаги мавзуларни қамраб олган: медиа-фалсафа; медиа – инсон имкониятларининг кенгайиши; теле кўрсатувлар маданиятида симуляция ва реаллик; оммавий маданиятда ижтимоийлик; рақамли маданият ва постколониализм; маданиятни рақамлаштириш ва сунъий интеллект; кино, мафкура ва танқид; рақамли оммавий ахборот воситалари ва маданий тафовутлар; паноптикум ва сунъий интеллект; гиперматнлилик; компьютер ўйинлари; мобиль оммавий ахборот воситалари; реклама фалсафаси; сунъий интеллект этикаси; медиа-фалсафа барқарор ривожланиш асоси сифатида; сингулярлик ва устунлик.

Умумқасбий фанлар (GPRD)

TENT - Technology Entrepreneurship (Технологик тадбиркорлик) – 6 кредит

Стартапни ривожлантириш учун технологик билимлар ва тадбиркорлик кўникмаларини ўзаро боғлаган ҳолда тадбиркорликнинг таянч кўникмаларини ўргатади. Дастур қуйидаги мавзуларни қамраб олган: тадбиркорлик, ижодкорлик ва технологияларга кириш (технологик тадбиркорлик асослари, технологик бизнесда тадбиркорликдаги етакчилик, шахсий тадбиркорлик модели); бизнес технологиясида ижодкорлик ва имповизация манбалари (бизнес технологияларидаги креативлик, тадбиркорлар жамоасини яратиш, гуруҳда ишлаш); бизнес-дизайн технологияси (илк бизнесни ривожлантириш методологияси, бизнес-модел ишлаб чиқиш, бизнес-моделни текшириш, бизнесни технологик молиялаштириш, технологик тадбиркорликда интеллектуал мулк аспекти, инвесторларга бизнес-моделни жўнатиш).

Ихтисослик фанлари (SPEC)

POLY – Polymer Technology (Полимерлар технологияси) – 6 кредит

Пререквизитлар: INCH1,2; ORCH3

Мономерлар ва уларнинг оралик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, турли синфдаги полимерларни олишнинг технологик жараёнларини татбиқ этиш, полимер ишлаб чиқариш ва уларни қўллаш соҳалари, полимерларни қайта ишлаш технологиялари ҳақида таянч билимлар

беради. Дастур қуйидагиларни қамраб олади: полимерлар фанининг асосий тушунчалари ва номенклатураси, молекула массасини аниқлаш методлари; занжирли, радикал ва ион полимерланиш; сополимерланиш, полимерланишнинг техник усуллари; поликонденсатланиш, полибоғланиш; макромолекула реакциялари; полимерларнинг физик ҳолатлари, шишаланиш ва парчаланиш температураси; полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш технологияси; полимер пленка ва қувурлар ишлаб чиқариш технологияси; стиролнинг полимерлари ва сополимерлари; галоген сақловчи тўйинмаган углеводородлар асосидаги полимерлар; поливинилацетат, поливинил спирти, полиацеталлар, полиамидлар; акрилатлар, бўёқ, елим ва тола ишлаб чиқаришнинг техник усуллари; табиий ва синтетик каучуклар; резина-техника буюмлари технологияси.

Тошкент кимё-технология институти

Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети

“Келишилган”
Каф. мудири

“Тасдиқлайман”
Факультет декани

“ ____ ” _____ 2020 й.

МЎ

**ТАЛАБАНИНГ ШАХСИЙ ЎҚУВ РЕЖАСИ
(CURRICULUM)**

**Йўналиш: 5320400 – Кимёвий технология
(органик моддалар)**

Талабанинг Ф.И.О. _____

Бакалавриатда ўқиш даври: 2020-2024 йй.

| № | Фан коди | Фан номи | Кре- дит | Лектор, тьютор |
|----|----------|--|-------------|----------------|
| | | 1-семестр | 30 | |
| 1 | INCH112 | Умумий ва ноорганик кимё 1 | 6 | |
| 2 | MATH101 | Математика 1 | 6 | |
| 3 | ITECH103 | Ахборот технологиялари | 6 | |
| | | Гуманитар танлов фанлари | 6 | |
| 4 | PHIL105 | Медиа фалсафа | 6 | |
| 5 | SDEV106 | Барқарор ривожланиш | 6 | |
| 6 | INSP118 | Ихтисосликка кириш (ЮМБ) | 6 | |
| | | 2-семестр | 30 | |
| 7 | INCH113 | Умумий ва ноорганик кимё 2 | 6 | |
| 8 | MATH102 | Математика 2 | 6 | |
| 9 | PHYS104 | Физика | 6 | |
| 10 | ENGR114 | Мухандислик графикаси | 4 | |
| | | Хорижий тил бўйича танлов фанлари | 3 | |
| 11 | ENGL107 | Инглиз тили | 3 | |
| 12 | GERL108 | Немис тили | 3 | |
| | | Тил бўйича танлов фанлари | 3 | |
| 13 | ORAL109 | Нутқ маданияти | 3 | |
| 14 | RUSL110 | Рус тили | 3 | |
| 15 | UZBL111 | Ўзбек тили | 3 | |
| | | Малакавий амалиётлар | 2 | |
| 16 | PRAC160 | Танишув амалиёти (ЮМБ) | 2 | |
| | | 3-семестр | 30 | |
| 17 | MECH206 | Мухандислик механикаси | 6 | |
| 18 | ORCH201 | Органик кимё 1 | 6 | |
| 19 | PHCH203 | Физик кимё 1 | 6 | |
| 20 | THPS207 | Эҳтимоллар назарияси ва статистика | 6 | |
| 21 | SYNT315 | Мономерларни синтез қилиш усуллари | 6 | |
| | | 4-семестр | 30 | |
| 22 | ORCH202 | Органик кимё 2 | 6 | |
| 23 | PHCH204 | Физик кимё 2 | 3 | |
| 24 | CHAN205 | Кимёвий таҳлил | 6 | |
| 25 | PHCA206 | Физик-кимёвий таҳлил | 6 | |
| 26 | EEBE208 | Электротехника ва электроника асослари | 6 | |
| 27 | PRAC260 | Ишлаб чиқариш амалиёти (ЮМБ) | 3 | |
| | | 5-семестр | 30 | |
| 28 | THED209 | Кимёвий термодинамика | 3 | |
| 29 | GCNT302 | Умумий кимёвий технология | 6 | |
| 30 | PROC210 | Технологик жараёнлар ва қурилмалар 1 | 6 | |
| 31 | PMOD305 | Технологик жараёнларни моделлаштириш | 6 | |
| 32 | MTRL306 | Материалшунослик | 3 | |
| 33 | | Қўшимча фанлар | 6 | |
| | | 6-семестр | 30 | |
| 34 | PROC303 | Технологик жараёнлар ва қурилмалар 2 | 6 | |
| | | Танлов фанлари | 6 | |
| 35 | ECON401 | Мухандислик иқтисодиёти | 6 | |

| | | | | |
|----|---------|---|------------|--|
| 36 | BCFM402 | Корхона ҳисоби асослари ва молиявий менежмент | 6 | |
| 37 | CORP403 | Корпоратив бошқарув асослари | 6 | |
| 38 | MARK404 | Маркетинг | 6 | |
| 39 | TENT405 | Тадбиркорлик технологияси | 6 | |
| 40 | MNHM317 | ЮМБ ишлаб чиқариш технологияси | 7 | |
| 41 | PRAC360 | Ишлаб чиқариш амалиёти (ЮМБ) | 3 | |
| | | 7-семестр | 30 | |
| 42 | PROC304 | Технологик жараёнлар ва қурилмалар 3 | 6 | |
| 43 | DSGN406 | Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш | 6 | |
| 44 | EQUP415 | ЮМБ ишлаб чиқариш жиҳозлари | 6 | |
| 45 | POLE416 | Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси | 6 | |
| 46 | COMP417 | Полимер-композицион материаллар яратиш асослари | 6 | |
| | | 8-семестр | 30 | |
| 47 | PRAC450 | Битирув олди амалиёти | 15 | |
| 48 | GRAD475 | Битирув ишини тайёрлаш | 15 | |
| | | Жами | 240 | |

Талаба _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Регистратор _____
(имзо) (Ф.И.О.)

Деканатга топширилган сана _____

Қайд қилиш санаси _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Тошкент кимё-технология
институтининг ректори

Б. Усмонов

« ____ » 2020 й.

ИШЧИ ЎҚУВ РЕЖА

Таълим йўналиши:
5320400 – Кимёвий технология
(ишлаб чиқариш турлари бўйича)

Академик даража - БАКАЛАВР
Ўқиш муддати - 4 йил
Таълим шакли - кундузги
Ўқув йили - 2020-2021

| № | Код | Фан блоклари, фанлар ва фаолият турлари | Кредит | таълимнинг вақт бюджети, соат | | | | | | | Семестр | Назорат тури | Масъул кафедра |
|----|-------------|---|-------------|-------------------------------|---------------|------------|------------|-------------|-------------|-----|---------|--------------------|----------------|
| | | | | Жами | Аудитория иши | | | ТМИ | Жами | ТМИ | | | |
| | | | | | Жами | жумладан | маъруза | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | |
| | HNSD | Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 36 | 1080 | 542 | 150 | 332 | 60 | 538 | | | | |
| 1 | MATH101 | Математика 1 | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 1 | ОН,ЯН | Олий математика | |
| 2 | MATH102 | Математика 2 | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 2 | ОН,ЯН | Олий математика | |
| 3 | ITECH103 | Ахборот технологиялари | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 1 | ОН,ЯН | ИАБ | |
| 4 | PHYS104 | Физика | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 2 | ОН,ЯН | ФЭ | |
| 5 | HUMS | Гуманитар танлов фанлари: | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 1 | ОН,ЯН | | |
| | PHIL105 | Медиа фалсафа | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН | ИСФ | |
| | SDEV106 | Барқарор ривожланиш | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН | ИСФ | |
| 6 | FORL | Хорижий тил бўйича танлов фанлари: | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | 2 | ОН,ЯН | | |
| | ENGL107 | Инглиз тили | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | | ОН,ЯН | Хорижий тиллар | |
| | GERL108 | Немис тили | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | | ОН,ЯН | Хорижий тиллар | |
| 7 | LANG | Тил бўйича танлов фанлари: | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | 2 | ОН,ЯН | | |
| | ORAL109 | Нутқ маданияти | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | | ОН,ЯН | Тиллар | |
| | RUSL110 | Рус тили | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | | ОН,ЯН | Тиллар | |
| | UZBL111 | Ўзбек тили | 3 | 90 | 46 | | 46 | | 44 | | ОН,ЯН | Тиллар | |
| | GPRD | Умумқасбий фанлар | ## | 3450 | 1724 | 574 | 664 | 486 | 1726 | | | | |
| 8 | INCH112 | Умумий ва ноорганик кимё 1 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 1 | ОН,ЯН | УНК | |
| 9 | INCH113 | Умумий ва ноорганик кимё 2 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 2 | ОН,ЯН | УНК | |
| 10 | ORCH201 | Органик кимё 1 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 3 | ОН,ЯН | ОКваООСТ | |
| 11 | ORCH202 | Органик кимё 2 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 4 | ОН,ЯН | ОКваООСТ | |
| 12 | PHCH203 | Физик кимё 1 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 3 | ОН,ЯН | АФКК | |
| 13 | PHCH204 | Физик кимё 2 | 3 | 90 | 44 | 14 | 14 | 16 | 46 | 4 | ОН,ЯН | АФКК | |
| 14 | CHAN205 | Кимёвий таҳлил | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 4 | ОН,ЯН | АФКК | |
| 15 | PHCA206 | Физик-кимёвий таҳлил | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 4 | ОН,ЯН | АФКК | |
| 16 | GCHT302 | Умумий кимёвий технология | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 5 | ОН,ЯН | НМКТ, ЮМБП | |
| 17 | ENGR114 | Мухандислик графикаси | 4 | 120 | 60 | 20 | 20 | 20 | 60 | 2 | ОН,ЯН,К | ООСМЖ-МА | |
| 18 | MECH206 | Мухандислик механикаси | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 3 | ОН,ЯН,К | ООСМЖ-МА | |
| 19 | THPS207 | Эхтимоллар назарияси ва статистика | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 3 | ОН,ЯН | Олий математика | |
| 20 | EEBE208 | Электротехника ва электроника асослари | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 4 | ОН,ЯН | ФЭ | |
| 21 | THED209 | Кимёвий термодинамика | 3 | 90 | 44 | 14 | 20 | 10 | 46 | 5 | ОН,ЯН | КТЖҚ | |
| 22 | MTRL306 | Материалшунослик | 3 | 90 | 46 | 16 | 10 | 20 | 44 | 5 | ОН,ЯН | СМНКМТ, | |
| 23 | PROC210 | Технологик жараёнлар ва қурималар 1 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 5 | ОН,ЯН | КТЖҚ | |
| 24 | PROC303 | Технологик жараёнлар ва қурималар 2 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 6 | ОН,ЯН | КТЖҚ | |
| 25 | PROC304 | Технологик жараёнлар ва қурималар 3 | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 7 | ОН,ЯН,К | КТЖҚ | |
| 26 | PMOD305 | Технологик жараёнларни моделлаштириш | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 5 | ОН,ЯН | ИАБ | |
| 27 | DSGN406 | Кимёвий ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 7 | ОН,ЯН,К | НМКТ, СМНКМТ, ЮМБП | |
| 28 | ECON | Ихтисодий танлов фанлари: | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | 6 | | | |
| | ECON401 | Мухандислик ихтисодиёти | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН,К | СИМ | |
| | BCFM402 | Корхона ҳисоби асослари ва молиявий менежмент | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН,К | СИМ | |
| | CORP403 | Корпоратив бошқарув асослари | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН,К | СИМ | |
| | MARK404 | Маркетинг | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН,К | СИМ | |
| | TENT405 | Тадбиркорлик технологияси | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | | 90 | | ОН,ЯН,К | СИМ | |
| | SPEC | Ихтисослик фанлари | 45 | 1350 | 674 | 194 | 290 | 190 | 676 | | | | |
| | HMOL | Юқори молекулали бирикмалар технологияси | 45 | ### | 674 | ## | 290 | ## | 676 | | ОН,ЯН | ЮМБП | |
| 29 | INSP118 | Ихтисосликка кириш | 6 | 180 | 90 | | 90 | | 90 | 1 | ОН,ЯН | ЮМБП | |
| 30 | SYNT315 | Мономерларни синтез қилиш усуллари | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 3 | ОН,ЯН | ЮМБП | |
| 31 | SPHM316 | ЮМБ кимёси ва физикаси | 8 | 240 | 120 | 40 | 40 | 40 | 120 | 6 | ОН,ЯН | ЮМБП | |
| 32 | MNHM317 | ЮМБ ишлаб чиқариш технологияси | 7 | 210 | 104 | 34 | 40 | 30 | 106 | 6 | ОН,ЯН,К | ЮМБП | |
| 33 | EQUF415 | ЮМБ ишлаб чиқариш жиҳозлари | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 7 | ОН,ЯН,К | ЮМБП | |
| 34 | POLE416 | Пластмассаларни қайта ишлаш технологияси | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 7 | ОН,ЯН,К | ЮМБП | |
| 35 | COMP417 | Полимер-композицион материаллар яратиш асослари | 6 | 180 | 90 | 30 | 30 | 30 | 90 | 7 | ОН,ЯН | ЮМБП | |
| | ADDD | Кўшимча фанлар | 6 | 180 | 90 | 30 | 60 | 90 | 5 | | | | |
| 36 | ADDD310 | | 3 | 90 | 44 | 14 | 30 | | 46 | | ОН,ЯН | | |
| 37 | ADDD311 | | 3 | 90 | 46 | 16 | 30 | | 44 | | ОН,ЯН | | |
| | | Жами ## | 6060 | 3030 | 948 | ### | 736 | 3030 | | | | | |

| PRGR | Амалиётлар ва битирув иши | 38 | 1140 | | | | | 1140 | | |
|------|--------------------------------|-----------|-------------|-------------|------------|------------|------------|-------------|---|-----|
| 38 | PRAC160 Танишув амалиёти | 2 | 60 | | | | | 60 | 2 | ЯН |
| 39 | PRAC260 Ишлаб чиқариш амалиёти | 3 | 90 | | | | | 90 | 4 | ЯН |
| 40 | PRAC360 Ишлаб чиқариш амалиёти | 3 | 90 | | | | | 90 | 6 | ЯН |
| 41 | PRAC450 Битирув олди амалиёти | 15 | 450 | | | | | 450 | 8 | ЯН |
| 42 | GRAD475 Битирув ишини тайёрлаш | 15 | 450 | | | | | 450 | 8 | ЯДА |
| | ХАММАСИ | ## | 7200 | 3030 | 948 | ### | 736 | 4170 | | |

ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

| Ўқув жараёни давлари | Семестрлар бўйича тақсимланиши | | | | | | | | Жами |
|--|--------------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | |
| Назарий ва амалий таълим | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 | 15 | 105 |
| Аттестация | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 14 |
| Амалиёт | | 4 | | 8 | | 10 | | 17 | 39 |
| Битирув иши | | | | | | | | 6 | 6 |
| Таътил | 4 | 10 | 4 | 6 | 4 | 4 | 4 | 4 | 40 |
| Семестрлардаги ҳафтала сони | 21 | 31 | 21 | 31 | 21 | 31 | 21 | 27 | 204 |
| Семестрлар бўйича кредитлар миқдори | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 30 | 240 |

Изоҳ:

1. Бир кредит - 30 соатга тенг деб қабул қилинади, у тенг миқдордаги аудитория ва мустақил таълим (шу жумладан ЎРТМИ) соатларини ўз
2. Фанлардан якуний назоратлар назарий ва амалий таълим даври нўҳоясида ўтказилади.
3. Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга
4. Танлов фанлари блоки меҳнат бозори ва кадрлар буюртмачиларининг талабларига мосланувчанлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлаш учун Илмий кенгашнинг қарори билан фойдаланилади.
5. Битирув малакавий ишини бажариш муддатлари таркибига уни ҳимоя қилиш ҳам киритилади.
6. Ўқув режага киритилмаган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

ТКТИ ўқув ишлари проректори:

Т. Саф аров

Ишчи ўқув режа НМКТФ нинг Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган. 2020 йил "___" _____ даги _____ - сонли баённома.

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи:

Б. Бабатуллаев

НМКТФ декани:

А. Абдурахимова

Ишчи ўқув режа ЁОБКТФ нинг Илмий-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган. 2020 йил "___" _____ даги _____ - сонли баённома.

ЁОБКТФ декани:

У. Балтабаев

НМКТ каф едраси мудири:

М. Джандуллаева

Ишчи ўқув режа ТКТИ Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. 2020 йил "___" _____ даги _____ - сонли баённома.

СМНКМТ каф едраси мудири:

М. Арипова

ЮМБПТ каф едраси мудири:

Р. Адиллов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент кимё-технология институти
Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси факультети

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ТКТИ ўқув ишлари
проректори Т. Сафаров

“ ” _____ 2020 й.

ЁҒОЧ КИМЁСИ

фанининг

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ (SYLLABUS)

Билим соҳаси: 300000 – Ишлаб чиқариш ва техник соҳа
 Таълим соҳаси: 320000 – Ишлаб чиқариш технологиялари
 Таълим йўналиши: 5320300 – Технологик машиналар ва жиҳозлар
 (мебель ва ёғочсозлик саноати)

| | |
|---|---------------|
| Ўқиш даври..... | 6-семестр |
| Фан коди | WDCN320 |
| Фан ҳажми | 4 кредит |
| Фаннинг умумий соатлари, шу жумладан: | 120 |
| - аудитория соатлари, шу жумладан: | 60 |
| - маърузалар..... | 10 |
| - амалий машғулотлар | 30 |
| - лаборатория машғулотлари..... | 20 |
| - мустақил таълим, шу жумладан:..... | 60 |
| - ЎРТМИ | 20 |
| - ТМИ | 40 |
| Назорат шакли..... | ОН, ЯН |
| Ўқитиш тили..... | Uzb, Rus, Eng |

Фаннинг ишчи ўқув дастури (силлабус) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20__ йил “__” _____даги ____-сонли буйруғининг ____-илоvasи билан тасдиқланган "Ёғоч кимёси" фани дастури асосида тайёрланган.

“Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси мажлисида кўриб чиқилган.

“__” _____ 2020 й.

Баённома № _____

Кафедра мудири: _____

“Ёқилғи ва органик бирикмалар кимёвий технологияси” факултетининг Илмий-услубий кенгаши томонидан фойдаланиш учун тавсия этилган.

“__” _____ 2020 й.

Баённома № _____

Раис: _____

Фан ўқитувчилари ҳақида маълумот:

Хабибуллаев Рашид Азаматович – лектор, ТКТИ, “Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н.

Мардонов Асрор Ҳасанович – тьютор, ТКТИ, “Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси ассистенти.

Офис: ТКТИ, ЁваОБКТФ, ЦЁТ кафедраси.

Манзил: Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Телефон: +998946417929

Email: rashidxabibullayev@gmail.com

Сайт: www.tcti.uz, www.rashidxabibullayev.zn.uz

Интизомий талаблар:

Талабанинг интизоми институтдаги “Талабалар учун ички тартиб-қоидалар”га тўлиқ жавоб бериши шарт.

1. Кириш

Фаннинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 4-июлдаги ПҚ-4668 сонли Қарорини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22-сентябрьдаги №319-рақамли "Ўўза пояларидан ёғоч-пайраҳа қиринди плиталарини ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мамлакат иқтисодиёти учун маҳаллий ёғоч ресурсларини кимёвий қайта ишлаш соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлашни тақозо этади.

Мазкур Қарор асосида ҳозирги кунда Республикамизда Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ёғоч хом ашёлари ва ўсимлик поялари асосида қурилишбоп плита материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Плита материаллари ишлаб чиқиш, ёғоч-полимер материаллар ассортиментини кенгайтириш соҳалари учун мутахассислар тайёрлашда "Ёғоч кимёси" фани муҳим ўрин тутди.

Фанинг қисқа мазмуни (summary). Ушбу фани ўқитиш мобайнида талаба ёғоч ҳужайра қобиғининг тузилиши ва унинг кимёвий таркибини, ёғочни кимёвий таҳлил қилиш усулларини, ёғочга кимёвий моддаларнинг таъсирини, ёғочни кимёвий модификациялаш усулларини билиб олади, фан атамалари билан танишади ҳамда уларни оғзаки ва ёзма ифодалаш, баҳс-мунозарада қатнашиш, маълумотни излаб топиш ва тақдимот қилиш кўникмаларига эга бўлади. Лаборатория жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ёғоч таркибидаги моддаларни аниқлаш, ажратиб олиш ва ёғочни кимёвий модификациялаш бўйича амалий тажрибалар орттиради.

Фанинг мақсади ва вазифалари. Фаннинг мақсади талабаларда ёғочнинг кимёвий таркиби, уни кимёвий таҳлил қилиш ва модификациялаш усуллари бўйича назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилишдир.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- назарий билим бериш ва адабий манбалар билан таъминлаш;
- фан мавзулари бўйича тарқатма материалларни тақдим қилиш;
- график органайзерлардан фойдаланиб таълим самарасини ошириш;
- интерфаол усуллар ёрдамида амалий кўникмаларни шакллантириш;
- ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил ишини ва ўқитувчининг қўшимча маслаҳат дарсларини ташкил қилиш;
- мустақил таълимни ўқув-услубий жиҳатдан таъминлаш;
- талабанинг мустақил билим олишини рағбатлантириш;
- масофавий, электрон ва мобиль таълимни кенг тарғиб қилиш;
- талабанинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилиш ва баҳолаб бориш.

Таълим натижалари (Learning Outcomes)

| № | Таълим натижалари | Ўқитиш усуллари | Баҳолаш усуллари |
|----|--|--|----------------------|
| 1. | Ёғоч хужайра қобиғининг тузилиши, унинг кимёвий таркиби ва кимёвий таҳлил қилиш, турли омилларнинг ёғоч хусусиятларига таъсири, ёғочни кимёвий модификациялаш бўйича тасаввурларга эга бўлади, фан атамалари билан танишади. | Маъруза, график органайзерлар, ТМИ (Research, FAQ, Test) | Test |
| 2. | Жамоада ишлаш, касбга оид мустақил ва танкидий фикрлаш, мулоқот маданияти ва хулоса чиқариш кўникмаларига эга бўлади | Амалий машғулот, Activity | Дарслардаги фаоллиги |
| 3. | Фан топшириқларини вақтида бажариш, жамлаш ва тақдим этиш кўникмаларига эга бўлади | Q/A, Chart, Link, Review, SWOT, Google Apps, Interview | Портфлио |
| 4. | Лаборатория жиҳозларида ёғоч таркибидаги моддаларни аниқлаш, ажратиб олиш ва ёғочни кимёвий модификациялаш бўйича амалий тажрибалар орттиради. | Лаборатория ишлари | LabReport |
| 5. | Берилган мавзу бўйича маълумотларни излаб топиш, тақдимот тайёрлаш ва уни ўтказиш кўникмаларига эга бўлади. | маъруза, амалий, ТМИ | Тақдимот |

Пререквизитлар. Ихтисосликка кириш, Физика, Анорганик кимё, Ёғоч турларини идентификациялаш, Органик кимё, Ёғочсозлик саноати материалшунослиги.

Постреквизитлар. Ёғочли композицион материаллар технологияси ва жиҳозлари, Ёғочни пардозлаш технологияси ва жиҳозлари, Ёғочни кимёвий қайта ишлаш.

2. Фан модуллари

Фан соатларининг машғулот турлари бўйича тақсимоти

| № | Модулар | Машғулот турлари бўйича соатлар | | | | | |
|----|--|---------------------------------|-----------|-----------|-------------|-----------|-----------|
| | | Жами | Маъруза | Амалий | Лаборатория | ЎРТМИ | ТМИ |
| 1. | Ёғоч хужайра қобиғининг тузилиши | 14 | 2 | 4 | - | 4 | 6 |
| 2. | Ёғочнинг кимёвий таркиби | 32 | 2 | 8 | 8 | 4 | 8 |
| | 1-оралиқ назорат (портфолио) | | | | | | |
| 3. | Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш | 28 | 2 | 8 | 4 | 6 | 10 |
| 4. | Физикавий ва кимёвий омилларнинг ёғоч хусусиятларига таъсири | 22 | 2 | 4 | 4 | 2 | 8 |
| 5. | Ёғочни кимёвий модификациялаш | 22 | 2 | 4 | 4 | 4 | 8 |
| | 2-оралиқ назорат (портфолио) | | | | | | |
| | Яқуний назорат (тақдимот, аттестация ҳафтасида ўтказилади) | | | | | | |
| | Жами | 120 | 10 | 30 | 20 | 20 | 40 |

1-модул. Ёғоч ҳужайра қобиғининг тузилиши

1-маъруза. Ёғоч ҳужайра қобиғининг тузилиши (Кириш. Ёғоч ҳужайралари ва ҳужайра қобиқлари. Ҳужайра қобиқларининг кимёвий таркиби).

1-амалий машғулот. Ёғоч ҳужайраларини ўрганиш.

2-амалий машғулот. Ёғоч ҳужайралари қобиқларининг тузилишини ўрганиш.

2-модул. Ёғочнинг кимёвий таркиби

2-маъруза. Ёғочнинг кимёвий таркиби (Ёғочнинг элемент таркиби. Ёғочдаги полисахаридлар, лигнин ва экстрактив моддалар).

3-амалий машғулот. Ёғоч ва пўстлоқ таркибидаги целлюлоза ўрганиш.

4-амалий машғулот. Ёғоч таркибидаги гемицеллюлозаларни ўрганиш.

5-амалий машғулот. Ёғоч ва пўстлоқ таркибидаги лигнинни ўрганиш.

6-амалий машғулот. Ёғоч таркибидаги экстрактив моддаларни ўрганиш.

1-лаборатория иши. Ёғочнинг кулдорлигини аниқлаш.

2-лаборатория иши. Ёғочни экстракциялаш.

1-ОН (портфолио).

3-модул. Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш

3-маъруза. Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш (Смоласизлантирилган ёғоч олиш. Холоцеллюлозани ажратиш. Целлюлозани азот-спирт усулида аниқлаш.

Гидролизланадиган полисахаридлар ва моносахаридларни ажратиш ва аниқлаш. Лигнинни аниқлаш).

7-амалий машғулот. Ёғочни смоласизлантириш ва холоцеллюлозани ажратишни ўрганиш.

8-амалий машғулот. Гидролизланадиган полисахаридларни аниқлашни ўрганиш.

9-амалий машғулот. Гидролизланадиган моносахаридларни ажратишни ва уларни аниқлашнинг хромотографик усуллари ўрганиш.

10-амалий машғулот. Лигнинни аниқлашни ўрганиш.

3-лаборатория иши. Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш.

4-модул. Физик-кимёвий омилларнинг ёғоч хусусиятларига таъсири

4-маъруза. Физик-кимёвий омилларнинг ёғоч хусусиятларига таъсири (Қуритиш, температура ва намлик таъсири. Нурланишлар, газлар, кислота, ишқорлар ва кимёвий моддалар таъсири).

11-амалий машғулот. Қуритиш, температура, намлик, нурланишларнинг ёғоч хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

12-амалий машғулот. Газлар, кислота, ишқорлар ва кимёвий моддаларнинг ёғоч хусусиятларига таъсирини ўрганиш.

4-лаборатория иши. Ёғочга кимёвий моддаларнинг таъсирини ўрганиш.

5-модул. Ёғочни кимёвий модификациялаш

5-маъруза. Ёғочни кимёвий модификациялаш (Термомеханик, кимёвий-механик модификациялаш. Термокимёвий ва кимёвий модификациялаш).

- 13-амалий машғулот. Ёғочни термомеханик ва кимёвий-механик модификациялашни ўрганиш.
 14-амалий машғулот. Ёғочни термо-кимёвий модификациялашни ўрганиш.
 15-амалий машғулот. Ёғочни кимёвий модификациялашни ўрганиш.
 5-лаборатория иши. Ёғочни кимёвий модификациялаш.
 2-ОН: Портфолио.
 ЯН: Такдимот.

Таквимий-мавзули режа
Маъруза машғулотлари

| т.р. | Маъруза мавзулари | соат |
|-------------|--|-------------|
| 1. | Ёғоч хужайра қобиғининг тузилиши | 2 |
| 2. | Ёғочнинг кимёвий таркиби | 2 |
| 3. | Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш | 2 |
| 4. | Физикавий ва кимёвий омилларнинг ёғоч хусусиятларига таъсири | 2 |
| 5. | Ёғочни кимёвий модификациялаш | 2 |
| | Жами | 10 |

Амалий машғулотлар

| Т.р. | Амалий машғулот мавзулари | соат |
|-------------|---|-------------|
| 1. | Ёғоч хужайраларини ўрганиш | 2 |
| 2. | Ёғоч хужайралари қобиқларининг тузилишини ўрганиш | 2 |
| 3. | Ёғоч ва пўстлоқ таркибидаги целлюлозани ўрганиш | 2 |
| 4. | Ёғоч таркибидаги гемицеллюлозаларни ўрганиш | 2 |
| 5. | Ёғоч ва пўстлоқ таркибидаги лигнинни ўрганиш | 2 |
| 6. | Ёғоч таркибидаги экстрактив моддаларни ўрганиш | 2 |
| | 1-ОН (портфолио) | - |
| 7. | Смоласизлантирилган ёғоч олиш ва холоцеллюлозани ажратишни ўрганиш. | 2 |
| 8. | Осон ва қийин гидролизланадиган полисахаридларни аниқлашни ўрганиш. | 2 |
| 9. | Гидролизланадиган моносахаридларни ажратиш ва аниқлашнинг хроматографик усулларини ўрганиш. | 2 |
| 10. | Лигнинни аниқлашни ўрганиш. | 2 |
| 11. | Қуритиш, температура, намлик, нурланишларнинг ёғоч хусусиятларига таъсирини ўрганиш. | 2 |
| 12. | Газлар, кислота, ишқорлар ва кимёвий моддаларнинг ёғоч хусусиятларига таъсирини ўрганиш. | 2 |
| 13. | Ёғочни термомеханик ва кимёвий-механик модификациялашни ўрганиш. | 2 |
| 14. | Ёғочни термо-кимёвий модификациялашни ўрганиш. | 2 |
| 15. | Ёғочни кимёвий модификациялашни ўрганиш. | 2 |

| | | |
|--|------------------|-----------|
| | 2-ОН (портфолио) | - |
| | Жами | 30 |

Лаборатория машғулотлари

| Т.р. | Лаборатория машғулотлари мавзулари | соат |
|------|--|-----------|
| 1. | Ёғочнинг кулдорлигини аниқлаш. | 4 |
| 2. | Ёғочни экстракциялаш | 4 |
| | 1-ОН (портфолио) | - |
| 3. | Ёғочни кимёвий таҳлил қилиш. | 4 |
| 4. | Ёғочга кимёвий моддаларнинг таъсирини ўрганиш. | 4 |
| 5. | Ёғочни кимёвий модификациялаш. | 4 |
| | 2-ОН (портфолио) | - |
| | Жами | 20 |


График органайзерлар

График органайзерлар маъруза, амалий ва мустақил таълим машғулотларида талабалар ўқув материалларини самарали ўзлаштиришлари учун жорий этилади. Қуйида уларнинг баъзилари келтирилган.

1) БББ жадвали. Барча маъруза дарсларида қўлланилади. БББ усули (“биламан”, “билишни хоҳлайман”, “билиб олдим”) орқали талаба ўзини кузатиши, ўқитувчи эса дарсга баҳо бериши мумкин. Талаба дарс бошида мавзу бўйича нимани билишини (Б1) ва яна нималарни билишни хоҳлашини (Б2) дафтарига ёзиб қўяди. Дарс сўнгида нималарни билиб олганлигини (Б3) қайд қилиб қўяди.

2) Insert усули. Бу усул матнни ўзлаштиришда қўлланилади. Талаба саҳифа ҳошиясига ўз белгиларини қўйиб уларга муносабат билдиради. Масалан: “v” – зарур; “-“ - хато; “+” - янги; “!” – эътибор қилинг; “x” - ортиқча; “*” - кўчириш керак; “?” – тушунарсиз ва ҳ.к.

3) Кластер схемаси




Бу усул фикрни эркин баён қилиш учун қўлланилади. Масалан, талаба ўтилган мавзу бўйича кластер тузиши мумкин.

Ўртага калит сўз, тармоқларга унга боғлиқ бошқа атамалар ёзилади. Улар ҳам ўз навбатида тармоқларга ажралиши мумкин.

4) Венн диаграммаси


Ўрганилаётган объектларни таққослаш, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топиш, таҳлил қилиш учун қўлланилади. Диаграммадаги доирачалар алоҳида объектни, кесишмалар эса уларнинг ўхшаш ва боғлиқ жиҳатларини билдиради.

Талабадан объектларнинг алоҳида (1-3), ўзаро боғлиқ (4-6) ва умумий (7) жиҳатларини ёзма ифодалаб бериш талаб этилади.



5) **SWOT–таҳлил.** Бу органайзер талабаларда тизимли фикрлаш, таққослаш, баҳолаш, таҳлил қилиш, фикрни давом эттириш кўникмаларини ривожлантиради. SWOT атамаси инглизча сўзларнинг қисқартмаси ҳисобланади: Strengths – объектнинг кучли жиҳатлари; Weakness – кучсиз жиҳатлари; Opportunities – ташқи имкониятлари; Threats – ташқи хавф-хатарлари. Талаба янги қатордан S, W, O, T харфларини ёзиб ёнига объектнинг мос сифатларини ёзиб чиқади.

6) **“Балиқ скелети” схемаси.** Бу органайзер тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради. Балиқ скелетининг бош қисмига – мавзу, юқори қисмига – муаммолар, пастки қисмига – тасдиқловчи далиллар ёзилади.



7) **Ақлий ҳужум усули.** Бу усул дарс мавзусига оид саволга жавоб топиш мақсадида ғояларни жамлаш ва саралаш учун қўлланилади. Ҳар бир талаба ўзининг шахсий ғояларини илгари суради. Босқичлари – муаммоли вазият пайдо қилиш; ечимни топиш учун ғоя, фикр бериш; ечимлар тақдимотини эшитиш; ечимларни солиштириш ва танлаш; хулоса қилиш.

8) **Эссе.** Бу мавзу бўйича чекланган ҳажмда ёзиладиган иншо ҳисобланади. Эсседа талаба ўқув материали бўйича ўзининг шахсий фикрини эркин ифода этади.

Интерфаол ўқитиш усуллари (Activity)

Амалий машғулотларда интерфаол ўқитиш усуллари қўлланилади. Бу усуллар талабаларда жамоада ишлаш, касбга оид мустақил ва танқидий фикрлаш, мулоқот маданияти ва хулоса чиқариш кўникмаларини шакллантиради. Қуйида фан хусусиятларига хос баъзи усуллар баён этилган.

1) **«Тушунчалар таҳлили» усули.** Талабалар тушунчаларни дастлаб яқка тарзда ва кейин жамоада муҳокама қилишади. Ўқитувчи

жамоанинг фикрини йўналтириб туради ва охирида экранга атамаларнинг изоҳини чиқаради. Талабалар ўз фикрларини таққослашади, баҳолашади ва билимларини мустаҳкамлашади.

2) «**Зинама-зина**» усули. Талабалар мавзу бўйича яқка тарзда фикрини график ифода этишади, кейин гуруҳда муҳокама этишади. Гуруҳлар тақдимоти ўтказилади ва график материаллар доскага мантиқий поғоналар тарзида илиб борилади.

3) «**Чархпалак**» усули. Кичик гуруҳлар ўз тарқатма материалларидаги вазифани бажариб, чархпалак айланиши бўйлаб бири-бирига узатишади, ҳар бир гуруҳ бошқаларнинг ишига тузатиш киритади ва охирида ўзларига қайтиб келади. Гуруҳлар ўз ишини тузатишлар билан такомиллаштирган ҳолда тақдимот қилишади.

4) «**Бумеранг**» усули. Талаба бажарган ишини аввал ўз кичик гуруҳида, кейин бошқа кичик гуруҳда муҳокама қилади, сўнг яна ўз гуруҳига қайтиб келиб умумлаштиради. Охирида гуруҳлар тақдимоти ўтказилади.

5) «**Резюме**» усули. Кичик гуруҳларда муаммолар ўрганилиб, таҳлил қилинади ва хулоса ёзма ифода этилади. Тақдимотда хулоса кўрсатилмайди, бошқа талабаларнинг тақдимотга нисбатан фикрлари ҳисобга олиниб янги хулоса шакллантирилади ва аввалги ёзма хулоса билан таққосланади.

6) «**Муаммо**» усули. Дастлаб муаммоли видеоларга кўрсатилади. Кичик гуруҳлар намойиш вақтида муаммоларни қайд қилиб боришади. Кейин уларнинг ечимларни ўзаро алмашишади ва тузатиш киритишади. Охирида муаммо бўйича жамоанинг хулосаси шакллантирилади.

7) «**Лабиринт**» усули. Ўқитувчи мураккаб вазиятни баён қилади ва жамоа бўлиб ундан чиқиш йўли топилади. Кейин кичик гуруҳларда бошқа муаммоли вазиятлар ўрганилади ва тақдимот ўтказилади.

8) **ФСМУ** усули. Талабадан ўз фикрини қуйидаги тартибда ифодалаш талаб қилинади: Ф - фикрини баён қилиш; С – фикрига сабаб кўрсатиш; М – сабабни асословчи мисол келтириш; У - фикрини умумлаштириш.

9) «**Мулоқот**» усули. Кичик гуруҳларда алоҳида мавзулар ўрганилади ва турли материаллар (видео, фото, схема, илмий далиллар) тайёрланади. Кейин кичик гуруҳлар ўртасида мулоқот бўлиб ўтади. Ўқитувчи кичик гуруҳларнинг фикрларини мақсадли йўналтириб боради ва охирида ўз муносабатини билдиради.

Мустақил таълим шакллари

